



846-44
7
СИМИЗ
МУНДҲАРИ



Санжар ТУРСУНОВ

Сунбуланинг
сўнгги оқшоми

• Кисса ва хикоялар •



САНЖАР ТУРСУНОВ

СУНБУЛАНИНГ СЎНГГИ ОҚШОМИ

Қисса ва ҳикоялар



**Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи**

ТОШКЕНТ – 2019

УЎК 821.512.133-31

КБК 84(5Ў)6

Т 91

Таҳрир ҳайъати:

Сирожиддин Саййид (*ҳайъат раиси*), Акмал Саидов,
Аҳмаджон Мелибоев, Анвар Обиджон, Усмон Азим,
Эркин Аъзам, Баҳодир Карим, Шавкат Юсупов

Лойиҳа раҳбари:

Носиржон
ЖУРАЕВ

Шеърят – муболагани, оширма гапни кўтариши мумкин. Ерни осмонга олиб чиқиб, фалакни заминга тушириб санъат яратиши мумкин. Аммо, насрда йўл бошқа – қаламкаш бор санъатини ҳақиқат ва мантиқ устига қуришга мажбур.

Санжар Турсуновнинг ушбу бир тўплам ва бир ҳўплам қисса ва ҳикоялари ҳаётнинг энг оддий лаҳзаларидан, энг оддий воқеаларидан гўзал картиналар яратгани билан қадрли.

© С. Турсунов, 2019

© Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2019

ISBN 978-9943-5697-8-2

ТУЙҒУДАН ТУҒИЛГАН ҲИКОЯЛАР

Кейинги йилларда адабиётга давлат сиёсати даражасида эътибор берилмоқда. Қатор қонунлар, қарорлар, фармонлар эълон қилинмоқда. Бу хайрли ишлар ижодкорларга куч, қанот бағишлаш билан бир қаторда, келажакка ишонч ҳиссини шакллантирмоқда. Тан олиб айтиш лозимки, бир пайтлар ижодкорларнинг тақдири сўроқ остида турар эди.

Юқоридаги эътиборлар, ғамхўрликлар ўз меvasини, самарасини бераяпти. Адабиётимизда, хусусан насримизда бир авлод шаклланиб келмоқда. Уларнинг асарларини ўқиганда, беихтиёр ҳавасинг келади. Мустақил давлатнинг фарзандлари фақат шундай асарлар ёза олади, деб ўйлайсан киши. Қаҳрамонлари ҳам худди ўзлари сингари озод, эркин фикрли, жасур ва шижоатли. Ўша авлоднинг вакилларида бири Санжар Турсуновдир.

Ёзувчи Санжар Турсуновнинг ижодини адабиётимизнинг улуглари, тенгдош адиблар ва ижодкорнинг ўз тенгқурлари қатори мен ҳам баҳоли қудрат кузатиб келаман.

Ёзувчиликнинг ўз қонуниятлари бор. Эл-юртнинг бир фарзанди асар яратишга интилар экан, энг аввало ўқувчиларга ўзи баҳра олган зилоллар сувини тортиқ қилишга интилади. Турли урф-одатларга, тутумларга ва тарихга эга улуслар орасидан етилиб чиққан истеъдодлар ўз масканларининг бетакрорлигини, ўзлари гу-



воҳ бўлган тақдирларни адабиёт хазинасига жойлаб кетишган. Бу жараён муттасилдир, адиб дунёси кенгая боргани сайин, умуммиллий ҳамда умуминсоний мавзуларга ҳам диққат қарата бошлайди. Мана шу шарафли йўлдан баҳоли қудрат давом этар экан, ёзувчи илк ҳикояларидаёқ ўз тугилиб ўсган масканининг содда-ю асов кишилари образларини яратишга муваффақ бўлди.

Унинг асарларининг ўзига хослиги – воқеалар табиат ҳодисалари билан биргаликда рўй беради. Қаҳрамонлари ҳаёти бепоён ва бетакрор табиат билан чамбарчас боғлиқ. Уйларга фақат тин олиш учун кирадиган, уйгоқлик ҳаётининг асосий қисми юксак осмон, сўнгсиз ер узра кечадиган бир улус умр кечириётган гўшаларга саёҳат қилдиради.

Мана шу содда, ишонувчан, оддий кишилар наздида мардлигу фидойилик, садоқату хиёнат нима – Санжар асарларида шулар намоён бўлади. Унинг қаҳрамонлари болаларча ботирликлар аро етукликкача бўлган йўлни босиб ўтишади ҳамда элнинг юзлаб-минглаб кишилари каби оддийгина ҳаёт кечириб, ўзлари севган табиат бағрига қўшилиб кетиш қисмати билан яшашади.

Санжар ҳикояларининг диққатга сазовор тарафи – замонавий талотўплардан олисдаги, ўзлигини бус-бутун сақлаб қолган қишлоқнинг мангу сукунатини, кишилар руҳиятидаги сокинлик ва бағрикенгликни қандай бўлса шундайлигича ҳикоя қилишида, кўрсата олишидадир. Бир қарашда, кимдир қишлоқ кишилари тилидан, гулхан атрофида ёнбошлаб, ҳикоя қилиб бераётгандай туюладиган бошвоқсиз, тошдан-тошга урилиб оқадиган бўтана сой каби гоҳида туйғу сачратиб оқадиган, гоҳида тил қоидаларига кўп



ҳам мос келавермайдиган, кўпроқ сўзлашув тилини эслатадиган ғадир-будирликлар аро ўша софлигу тиниқлик бўртиб туради. “Ота”даги падар истиҳоласи, “Сунбуланинг сўнгги оқшоми”даги изтиробли хотиранлар – буларнинг бари эсда қоларли асарлардир. Сабаби – самимиятда, ижодкор нигоҳининг тиниқлигида.

Муҳими шуки, Санжар Шарқдан Ғарбга, Жанубдан Шимолга йўл олсангиз, шеvasи-ю урф-одатлари бир-биридан фарқ қиладиган, номлари гоҳ бугунимизнинг шиддатларини, гоҳ олис ўтмиш асотирларини эслатиб турадиган, аммо ўзбек деган бениҳоя қадимий ва муҳташам илдиз теграсида жипслашган минглаб қишлоқлару қўналғалар кишиларига ўз маскани – тоғлар бағридаги Сангардак деган қишлоқ мусаффолигини, арча-ю қайрағоч ифорларини, кишилар феъл-атворини олиб келди.

Бу эса навбатдаги фикр сари етаклайди: адиб ўз элининг тарихини, бугунини ёритадиган ва эртанги кунга етакловчи қудратини акс эттирадиган мезонлар ҳақида салмоқли асарлар яратишга чоғланаётганини билдиради.

Истеъдодли бу ёзувчимиз ҳали яна анча-мунча бегубор ва пишиқ-пухта асарларни ҳаётишига асос бор.

Исажон СУАТОН



СУНБУЛАНИНГ СЎНГГИ ОҚШОМИ

*Илк бор оталик бахтини насиб этган қизим
Самирабонунинг хотирасига бағишладим.*



Ҳали-ҳануз ўша воқеа эсимга тушса, ҳаёт қонуниятининг бешафқатлиги, яшаш учун берилган умрнинг нечоғли қийматга эга эканлигига ич-ичимдан иқрор бўламан. Ва шунинг баробарида, вақти келса, ёш бола ҳам сенга сабоқ беришини, мураккаб воқеаларга ёшига хос самимият билан ечим топиши, фақат болаларга ярашадиган буюклиги олдида бош эггим келаверади. Ўша воқеа саккиз ёшли сингилчам билан августнинг сўнгги шомида юз берган эди. Орадан бир неча йил ўтган бўлса-да, ўша иқрор, хулоса, тушуниш ва англаш ҳаётимни бошқариб бораётганини ҳис қиламан. Гоҳи кунлари, шу жажжи сингилчамнинг теран мулоҳазаси, содда фалсафаси ва ҳаёт ҳақидаги буюк хулосасига ҳайрон ҳам қоламан. Хаёлимга “Бола – буюк донишманд” деган жумла келади. Бунга жудаям ишонаман, шундай дамларда.

Августнинг сўнгги шоми эди ўшанда...

Мен ҳаммадан – еру осмондан, яхши-ёмондан, жамики яратиклар, тоғу тошлар бари-баридан хафа ва чуқур аламзада эдим. Ҳаммага қувонч, севинч, бахт улашадиган сахий қисмат, менга келганда хасислик қилгандай, аввал неъматини бериб, кейин рашкими, қаҳрими келиб бешафқатларча тортиб

олгандай ёки мени даст кўтаргану таг-туби кўринмас қудуққа ташлаб юборгандай эди. Рости ҳам шундай эди. Кўксимга қўрғошин қуйилгану у лаҳза сайин вужудимни куйдирар, огриқ бутун танам бўйлаб тарқалар, дод, минг дод, деб тошларга бошимни уриб тарс ёргим, дарахтларни илдизи билан юлиб олгим, катагига қамалиб ётган товуқларни тирқиратиб қувгим, қуриллаб уйқу ураётган мушугу кучукни таёқ билан солгим келарди. Нега? Нима учун, деган саволлар томоғимга тиқилиб қолгандай эди гўё.

Атрофимдаги одамларга ҳеч гап бўлмагандай беғам ва беҳис юришардики, бу ҳолат мени ақлдан оздириши ҳеч гап эмас эди. Мендан калтак еб юрган тенгдош – синфдошларим, мактабда барча фандан уч баҳо оладиган, ҳатто жисмоний тарбия дарсини ҳам эплаб топширолмайдиган жўраларим тақдиридан хурсанд, қисматидан мамнун эди ўшанда. Гўё баланд тоғ чўққиси менинг елкаларимга кўчиб тушгандек. Тошқин дарё фақат менинг боғимни оқизиб кетгандек. Кучли бўрон уйимни вайрон қилгандек. Ҳатто ёмғиру қор ҳам ёлғиз менинг бошимга ёғилаётгандек. Ҳаммага ҳамма нарса бору биргина менинг умидим кесилган, юраги зардобга тўла эдим ўшанда.

Ўшанда... бор йўғи беш ойгина – 153 кунгина яшаган қизалоғим оламдан ўтган эди.

Юз йилдан ортиқ умр кўрса бўладиган дунёда бир ҳайқирикдай келиб-кетган қизалоғимнинг доғида адо бўлаёзгандим ўша кезлари.

Шох кетса кетсин – бутоқ кетмасин, – деб онам мени юпатган бўлади. Ўзининг ҳам биринчи фарзанди ўлганини, юраги тешилганини айтиб йиғлай-



ди муштипар. – Агар сангга бир гап бўлса нима қиламан, қаерга бораман, мангаям раҳминг келсин, – дейди кўз ёши юзини ювиб.

Мени жин урармиди... Юрибман-ку, дунёга келиб “дада” деёлмаган, “она” деёлмаган, қикир-қикир кулолмаган қизимни тупроққа кўмиб келиб балодай юрибман-ку. Юрибман-ку!

– Худонинг қаҳри келади болам. Берган ҳам у, олган ҳам ўзи... – дейди саксон ёшни қоралаб қўйган момом. – У бир қуш эди, учди-кетди... Нима қилар-дик...

– Олар экан нега беради, – деган оловдек ҳайкириқ бўғзимни куйдиради. Бермаса – пешона шу экан-да, – деб жим турмасдим, деб бақираман.

– Тавба қил, тавба қил-е, – дейди отин холам. Бисотидан худди шу кунга айтаман, деб авайлаб юргандай ҳикматини нақл қилади. – У дунёда, – дейди кўзларини пирпиратиб, – ёш бола жаннат эшигининг олдида йиглаб турар экан. “Сен киравер, сенинг гуноҳинг йўқ”, деган фаришталарга қараб: “Аввал ота-онам кирсин, кейин кираман. Менга у дунёни бермадинг, нега энди бу дунёда – жаннатда ота-онам билан бирга бўлмас эканман”, – деб зорланиб йигларкан...

Э, дейман, гапирманг дейман. Бу дунёда шунча ёнаяпман-ку... У... – онам юзимга тарсаки туширади. Кейин ёш боладай ҳўнграб йиглайди. Йиглайверади. Ўрнимдан туриб кетаман: кучукни таёқ билан солиб қоламан, мушукни тепаман, товукқа калтак отаман, юрагимдаги олов пасаймайди – куйдираверади, куйдираверади...



Қўрада олтита диррик қўзи бор. Йўталгани-йўталган. Чўпонлар бошимизга бало бўлмасин, деб ташлаб кетган. Шу дардисарлар бошга битган бало, гоҳ отам, гоҳ онам боқади. Боғимизнинг тепасида адирлик бор – шу ерда қорни тўяди боқимандаларни.

Ўша куни, билмайман, қандайдир юмуш билан отам шаҳарга тушган, укам бунда 4-5 ой олдин ном-нишонсиз, бедарак йўқолган ҳукизларни излаб даштга кетган. Онам ўша йиғлаганида қон босими ошибдими, ётибди: момом, холам, хотиним атрофида мусичадек тизилиб турибди. Фақат жажжи сингилчам ҳўнг-ҳўнг йиғлайди: бир ўзим қандай боқаман, тепада илон бор қўрқаман... дейди менга қараб, яна йиғига зўр беради.

– Сен қол, ўзим... – таёқни қўлга оламан.

Онам бошини кўтариб, “бирга бор”, деб ишора қилади, жони оғриётгани-да унутиб. Ўзини бир бало қилиб қўймасин, деб хавотирланади. Холам ҳам, хазон пайти, бир ўзинг борма, дея нақл қилади. Синглим менга эргашади. Таёқни қўлимдан олади: қўйларни тушириб қолишимдан қўрқади-да.

Адирга чиқамиз. Қўйлар саргайган лалми ўтларга ўзини жон ҳолатда уришади. Секин еса тўймаётгандай югургилаб ўтлайди. Синглим гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга чопади, овораю сарсон.

Қўлимни бошимга ёстиқ қилиб табиатни ҳиссиз кузатаман: қуёш қизариб ботаяпти, салқин шабада димоққа ачимсиқ нарироқдаги булоқда моллар



сув ичиб кўлмак қилган балчиқнинг ҳидини олиб келади. Бениҳоя ёқимсиз. Қишлоқнинг нариги – дарё боши томонидан чанг-тўзон кўтариб пода қайтаяпти. Рўпарамиздаги қирда яккам-дуккам моллар ўтлаб юрибди. Камар бошида ўндан ортиқ кўк каптар кўниб турибди. Сал пастда – лалми богнинг қуйруғида ўн ёшли болалар кураш тушаяпти. Қишлоқда – ошхоналардан тутун кўтарилади: кечки овқатга қозон осилган. Яна кимларнидир ҳовли супураётгани, дарвоза олдида бешолтита хотинни суҳбатлашаётгани, қизларнинг шаррак олдида сувга навбат кутиб қалдирғочлардай тизилиб ўтиргани ҳам яққол кўзга ташланади. Қишлоқнинг пастки томони – Чинор шоҳидаги қушларнинг шовқини ҳам шу ерга аниқ эшитилиб туради. Уч томонидан келаётган уч дарё ноз билан соч ўраётган қизни эслатади. Кимдир даштдан бир эшак ўтин олиб келаяпти. Ортидан чамаси етти ёшли боласи отасига етолмай деярли югургилаб борапти. Баландликдаги уйнинг дарвозаси олдида бир жувон икки боласи билан тик турибди: афтидан эрини кутаяпти.

– Ака, ака, қаранг, анаву қушни қаранг, – деди синглим ҳаяжонланганча.

У бармоғини нуқиб турган томонга – икки қирнинг ўртасида сойликда бир катта қуш осмонга кўтарилолмай лапангларди. Атрофини юздан ортиқ қаргалар ўраб олган, яқин боролмай қагиллашар, шўрлик қуш қўрққанидан ўзини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга уради. Қаердан келди, бу махлуқ? Қизик, бургутмикан, йўқ бургут бўлиши мумкин эмас...



– Ана уларни қаранг, – деди синглим осмонга тикилиб.

Осмонда... юзга яқин ердаги махлуқсифат йирт-қичлар учарди. Баъзилари қанотини қоқмай бир неча сония турар сўнг шиддат билан гоҳ тепа, гоҳ пастга шўнғирди.

– Улар дўстини қутқаргани келди-я, – деди синглим соддалик билан. Мен ўрнимдан туриб уларни кузатардим.

Ҳа, деб ўйлардим қушларга боқиб – булар ўлаксахўрлар. Ғажир, тасқара ҳам дейишади уларни. Айтишларича, қаерда ҳайвон ўлганини бир кеча олдин тушида кўришар экан. Қушлар ҳам туш кўрар экан-да. Табиатда қанча яратик бўлса, шундан минг баробар ортиқ сир-синоат борлигини эшитгандим, демак, рост экан...

Мен зўр қизиқиш ва кучли ҳадик билан бўлаётган воқеани кузатардим. Синглим бўлса, тинимсиз савол берар, нега, нима учун, деб чуғурларди, жағи тиним билмасди.

Қизиқ, катта кўчадан айна шу пайтда биттаям одам ўтмасди. Мен шошиб йўл боши – даштга қарадим: зоғ йўқ эди. Ҳайратим ошди.

Қаргалар ғажирнинг устига бостириб борар, ҳатто тепишарди ҳам. Ғажир бўлса улкан қанотини ёйиб лапанглар, у ҳар қанот қоққанида қаргалар ундан узоқлашар, у худди шу пайт ўн қулоч қирга қараб учарди. Қаргалар яна ёппасига хужумга ўтар, у бўлса бошини қанотининг орасига қисиб оларди. Кўкдаги жинсдошлари айлана ҳосил қилиб учар, бироқ ерга тушиб унй кўтариб



кетишолмасди. Беўхшов овоз чиқаришарди, холос.

Ғажир яна қанотини кенг ёйди. Қарғаларни ҳуркитиб тепага кўтарилди. У энди қирнинг ярмида сал пастроқда эди. Қарғалар унинг тўрт томонини ўраб олди. Улар шунчалик яқин келишдики, шўрлик ғажир қанот қоқса бемолол қарғаларга тегарди. У бошини қанотининг орасига янада қисиб олди. Энди қарғалар уни аёвсиз тепкилашарди. У пастга сирпаниб кетди.

– Ака, жон ака, қарғаларни ҳайданг, у учиб кетсин, – деб йиғларди синглим. Мен борсамми, бормасамми, дея иккиланиб тургандим, шунда синглим: – Борманг, зўр бўлса ўзи учиб кетсин, – деди ёшига хос бўлмаган бир оҳангда. Мен жойимда қотиб қолдим. Синглим киприк қоқмай ғажирга тикилар, унинг жажжи қўллари мушт эди...

Кўкдаги ғажирлар дарё ёқасидаги теракларнинг бўйи қадар пастлашди. Негадир ерга қўнишга шошилишмасди. Энди уларнинг овози даҳшатли эдики, ҳозир нимадир рўй берадигандай таассурот қолдирарди кишида.

Ёлғиз ғажир яна қанот қоқди. У сўнгги кучини йиғиб, ҳайқириб жангга кирган баҳодирни эслатди менга. Тахминан ўттиз қулоч баландликка кўтарилди ва тепада – кўриниб турган қояни кўзлаб парвоз қилди. Қоя тўшидаги каптарлар қаёққадир ғойиб бўлишганди. Қарғалар қағиллаб йўлини тўсишга уринди. Тепадаги ғажирлар ҳам қоя томон уча бошлади. Ғажир қанотини узун сермар, унинг учиши жинсдошлариникига ўхшамас, унинг парвозида ўк-



тамлик, салобат бор эди. У қояга яқинлашиб қолди. Қарғалар йўлини тўсар, орқасидан, ёнидан тепар у бўлса, парво қилмай учарди. Мана, қояга етишига икки қанот қоқиш қолди. У агар, манзилга етса, кейин дамини олиб бемалол осмону фалакка кўтарилиб кетса бўлади... Шу пайт икки юздан ортиқ қарга ердан чиқдим, кўкдан тушдим, пайдо бўлишди ва бари қояга қўнди. Мен шошиб чинорга қарадим: у ерда биттаям қуш йўқ эди. Ғажир тек қотди. Лаҳзалар ичида қанот қоқмади. Қарғалар бўрондай унга ёпирилди. У пастга қулади. Қулар экан, худди моҳир, чапдаст полвондай бир айланиб яна парвоз қилаб бошлади. Мен қувончдан титраб кетдим. Синглим қичқириб юборди. Бироқ, у энди тепага – жинсдошларига қараб эмас пастга – қишлоқнинг қуйруқ томони эски қабристонни кўзлаб учарди. Унинг бир қаноти лапанглаб осилган, ўша биргина парвоз уни, худди денгизда оҳиста сузиб бораётган кемадай манзили томон етакларди. Қарғалар эргашди. У қишлоқнинг устидан ўктам сузиб ўтди. Қаноти чинорга урилди ва эски қаровсиз, эгаси ўлиб кетган боққа қулади.

Осмонда...

Улар борган сари юқорилар, юқорилаверарди.

Бора-бора нуқтага айланиб кетди улар.

Қоп-қора нуқтага...

– Бечора... Агар камарга қарғалар келмаганда у учиб кетарди, тўғрими? – деди синглим. Унинг сўзларида шу қадар ачиниш мужассам эдики, мен ҳалигача унинг сўзидек ўкинчли нидони эшитганим йўқ...



Тақдирми, дейман, қисматми, дейман, нима дейишни-да, билолмайман. Ўн дақиқа орасида рўй берган бу даҳшатли воқеа менинг дунёмни остин-устун қилиб юборди. Нега, дейман, нима учун, шу вақт оралигида йўлдан биттаям одам ўтмади дейман. Ана, одамлар кўчани тўлдириб даштдан қайтишмоқда. Тепада курашаётган болалар ҳам камарга чиқиб олибди. Нега шулар сал олдинроқ келишмади, нима учун ўзим бормадим. Синглим ҳам ачинаркан-ку, дейман, борсам ўлмасмиди, дейман, агар болалар камарга олдинроқ келганда, одамлар ҳам сал аввал кўриниш берганда, қарғалар қочиб кетар, у тирик қолармиди, дейман. Агар... Агар... Воҳ, хомкалла, ҳамма гап шу агарда. Шунда...

Тақдирга тадбир йўқ.

Қисмати шундай эди.

Сабоқ бу. Эй, инсон сенга сабоқ эди бу...

Бошқа ҳеч қандай гап йўқ.

Қорни тўйган қўйларни уйга ҳайдай бошладик.

Ака, эрта биринчи сентябрь, қайси шеърни айттай, – деб сўрайди синглим. Бир қанча шеърни ўқиб ташлайди.

– Ҳаммасини айт дейман. – тўлқинланиб. У менга тикилади-қолади. – Эрта сенинг байрамингдан кейин Тошкентга кетаман... янганг билан, дейман.

У суюнчи олгани онамининг олдига югуради.

Мен бўлсам қўйларни эндириб келаман.

Бу пайтда августнинг сўнгги шоми ўтаётган бўлади...

ГУЛСЕВАР

Одам-ку одам, бу дунёда ҳатто шамоллар ҳам гап ташийди: боғлардан боғларга, даралардан дараларга...

– Илоё, Гулсеварни ер ютсин, шу қиз сани дарбадар қилди. Шу ер юткур бўлмаганда бинойидай яшаб кетар эдинг. Бу қиз эмас, шайтон экан, шу сани хаёл сурадиган, ариқларга термилтирадиган қилиб қўйди...

Йигирма бешга кирдим. Уйландим. Фарзандли ҳам бўлдим. Фақат онам саккиз йилдан буён, ўша олис ўсмирлик йилларимнинг тор кўчаларида қолиб кетган “ер юткур”ни қарғгани-қарған. Не-не азамату баҳодирларни, қоракўзу қаламқошларни индамай ютиб кетадиган ер – Гулсеварга келганда жим, гунгу соқов. Шунча яхши одамларни бағрига оладиган қаро ер – Гулсеварга келганда сахий, бағри кенг, худди бемалол яшайвер, озорланмай қадам босавер, дегандек меҳрибон.

Гулсевар... Ай, тенги йўқ Гулсевар. Бахтли болалигимнинг бахтсиз ҳамроҳи, мунаввар тонгларимнинг хайрсиз оқшоми. Тор кўчаларга шох ташлаган гилосларга илиниб қолган юрагим Гулсевар. Майсалардан бениҳоя безанган адирларда ботиб кетган елкаларимнинг изларисан. Капала-



гу қалдиргочлар қанотида олис-олисларга илашиб кетган хаёлларим Гулсевар. Биринчи тушган тишим билан том устига – кейин осмонларга чиқиб кетган хайратимсан Гулсевар. Гулсевар... Гулсевар... Мен Гулсеварни севар эдим...

Баҳор фасли эди. Рости ўшанда менинг ҳамма фаслим баҳор эди. Мен баҳордан бошқа фаслни билмас эдим ўша кезлар. Тунларим... Йўқ, у пайтлар мен ҳатто тунларни ҳам билмас эдим. Ҳар лаҳзам кун эди, ёруғлик эди. Капалаклар гулларга қўниб илк баҳор бўсасини ҳадя этса, мен юлдузларга, қушларга меҳримни улашардим.

Баҳорда – капалаклар билан лола сайлига чиқардим.

Баҳорда – балиқлар билан қувалашиб дарёда чўмилардим.

Баҳорда – мезонлар билан бирга учиб ёнғоқ терардим.

Баҳорда – муз устида сирпанардим, қизариб кетган қўлларимни куҳкуҳлаб, қорбўрон ўйнардим.

Айтганимдай менинг ҳар лаҳзам баҳор эди...

Ўн олти ёшда эдим... ўн саккиз минг олам пойимга гул тўшаб, менга таъзим қилишарди. Еру осмон, тоғу адир мен билан узундан-узун суҳбатлар қуришарди. Қушлар ортимдан эргашиб юришарди. Дарёлар мен қаёққа борсам изимдан из солишарди. Дарахтлар менинг қадамимга қараб тебранишарди. Шамоллар сочларимни силаб – худди тушларимга кирган ғойибона қизнинг бармоқларини эслатарди. Йўллар мен келаётганда майинлашиб тупроқлари билан бармоқларим орасига кириб олиб рақс тушишарди.



Бутун дунё измида бўлган кунларнинг бирида
измим мендан кетди...

Мен севиб қолдим...

Гулсевар...

Ҳеч кимга ўхшамаган Гулсеварни севиб қолдим.

Тўққизинчи синфда ўқир эдим. Мактаб ҳов-
лисида синфдошларим билан тутхўрлик қилаёт-
гандим. Шунда Гулсеварни кўриб қолдим. Ўша
куни мен тутнинг баланд шохида эдим. У икки
тарафида қатор-қатор экилган тераклар орасидан
ўтиб борар эди. Ўзимни ерга – Гулсеварни пойига
отгим келди. Кейин дарахтдаги барча тутларни
унга тутқазгим келди. Лекин мен на унисини на
бунисини қилолдим: ҳайрону лол бўлиб тутган
шохни баттар ушлаганча туриб қолдим.

Шу-шу уни ўйлайдиган, изларим маҳалласининг
тош кўчаларини тупроқ қиладиган бўлди. Уни
кўрмасам юрагим ёриладигандай ҳаловатимни
йўқотдим.

Кунларим тунга, баҳорларим кузга, қишга
айланди. На қушлар, дарё, на шамол, на тоғ мени
измимда, бари-бари Гулсеварнинг пойида сочилиб
ётар эди.

Ўн кун, бир ой, олти ой ўтди.

Тилимда бир сўз йўқ. Гунгман, соқовман.
Осмонларга, ариқларга термилганим термилган.
Бу савдони бошига тушганлар билишади: бунақа
пайт ким нима дейдию, ким нима демайди. Ўша
сиз билган гап атрофимда қуюндай айланар эди.

Ҳар куни унинг маҳалласида пайдо бўлар эдим.
Мени кўришини жудаям истар эдим. Кўриб



қолармиканман? Шу илинж мени ҳамма нарсага, сабр қилишга, уни бир кўриш бахти қанча хурсанд қилишига ишонтирарди. Бир марта кўрсам бўлди. Юрагимнинг ҳовурини босиб, нигоҳларимни тўйдириб олсам бўлди. Шундагина кўнглим бироз бўлса-да, жойига тушади.

Қуёш тандирда қолган сўнгги нондек қизариб ботиб кетганига анча бўлди. У на сувга чиқади, на девор оша бир мўралаб кўяди...

Ниҳоят...

Ўн етти ёшимнинг баҳорида ниҳоят мендан садо чиқди. Ҳайқиригимдан мудраб ётган баҳор уйғониб кетди...

Наврўз байрами арафаси эди. Синфдошлар сумалак қўймоқчи бўлдик. Бошқа тенгдош – синфдошларни ҳам бу ишга жалб этдик. Йигитларга ўтин, қозон ва ўчоғини тайёрлаш, қизларга сумалакни ўстириб, пишириб олиш чеки тушди.

Сумалакнинг пишириш завқи ва машаққатини биласиз...

Мен унга илк бор тикилиб қарадим. Кўзларимга эрк бердим ва уни мағлуб этдим.

– Сени ёқтираман.

– Яна яхши кўраман.

– Яна... Яна... Севаман...

– Мен баҳордек бевафо эмасман.

– Қалдирғочдек ҳам эмасман.



— Дарёдек тусланмайман.

— Шамоллардек боғлардан-боғларга учиб юрмайман.

— Қорлардек ожиз эмасман.

— Ёмғирлардек мавсумий эмасман.

— Боғлардек хазонни билмайман.

— Мен ҳатто йўллардек гунг, соқов эмасман...

Унинг гапиришини истар эдим. Нималардир деб гап айтишини истар эдим. Шунинг яна такрорладим. Мен ҳатто йўллардек гунг, соқов эмасман...

Ниҳоят у тилга кирди:

Ҳайратланган одамда тил бўладими?..

... Мен овора, отамнинг жийрон оти саргардон. Яна тунларим кетиб кунларим қайтиб келди. Яна ҳар лаҳзам баҳорга айланди.

От чоптириб деворидан мўралаб ўтганим-ўтган. Гоҳ юзим қайси бир бемеҳр дарахтнинг шохларига урилади, гоҳ ҳулулнинг бешафқат тиканлари юзимни тимдалайди. Менга булар таъсир қилмас, авжим келиб яна шиддат билан ўтганим-ўтган.

Кеч тушганда яна отга миниб уларнинг боғига равона бўламан. Улар қишлоқдан богига кўчиб ўтган, илиқ ёз тонглариини салқин богларда ўтказишарди. Ой шуласида салқин богда у менинг ҳулул



юлган, шох тилган юзларимни силаб, бошимни тиззасига олиб орзулар қилардик.

Уларнинг боғи рўпарасида волейбол майдони бўлар эди. Волейболни зўр ўйнар эдим, лекин кўзим ҳамиша уларнинг богига қадалавергач, мени гуруҳим ҳадеб қолавергач, мени ўйиндан четлатишди. Ҳеч ким мени гуруҳида кўришни истамасди. Менга бу алам қиладими? Асло, қайтанга яхши бўлди. Энди жар бошидаги нашватини шохига чиқиб уни кутар эдим. У бир жилмайиб ўтиб кетар, икки қадам наридан сув олиб келгунча мен пишган нашватилардан териб турардим. У келар, бизнинг суҳбатимиз бошланарди.

Бизлар тенгдош эдик. Кўрганлар икки тенгдош гаплашиб турибди-да, деб эътибор беришмасди. Ҳатто онаси ҳам бог томондан бир-икки мўралаб қўяр, Гулсеварнинг айтишича, шу тенгдошинг жуда бамаъни бола бўпти, икки йил олдин мани итига талатмоқчи бўлган эди, ҳозир кўрса салом бериб ўтиб кетади, деган эмиш... Ҳа, у-ку онаси, мен ҳатто Гулсеварнинг сигирлариниям, иту эшагиниям хафа қилгим келмасди. Ҳаммаси кўзимга чиройли бўлиб кўринар эди.

Бир куни нашвати шоҳида эдим. Гулсевар сув олиб қайтар эди. Қаердандир Зокир деган бола пайдо бўлди. У мендан уч ёш катта, ўқишга кираман деб йиқилиб келган, эндилари ҳамма томон пул, билиминг бўлса ҳам пул, деб кўча-кўйда гап сотадиган бир ёқимсиз йигит эди.

Гулсевар, Сарварга ишонма. У билан гаплашма. Сени мен яхши кўраман. У сени тенгдошинг, дугона



бўлиб юравер, қаршилигим йўқ. Лекин сен меники-сан, сенга мен уйланаман. Нега осмонга қарайсан, устимдан кулаяпсанми...

Кўзи менга тушган Зокир аввалига бироз каловланди, кейин уришмоқчи бўлгандек, икки оёғини икки томонга ёйиб, қўлларини мушт қилди. Мен дарахтдан сакраб тушдим ва... шарақлатиб чаккасига муш қўндирдим. Зокирнинг керилганича бор экан, ундан сал нарида жўраси Зиёд турган экан. шерюрак бўлганини сабаби бор экан. Зиёд бақувват бола. Ростини, унга кучим етмас эди. Қўрқув товонимдан аста-аста тепалай бошлади. Зиёд менга қараб келар, Зокир сал нарида ағанаб ётар, Гулсевар эса икки пақирини ерга қўйиб менга кулиб, ҳам ишонгандай тикилиб турар эди.

Зиёд Зокирни ердан кўтарди-да кетига боплаб бир тепди. Менга яқинлашиб:

– Узр, ука. Бу эшак шунақа бемаза... – деди.

Улар индамай кетиб боришарди. Гулсевар иккимиз бир-биримизга ажабланганча тикилиб қолдик.

Кейинчалик – орадан йиллар ўтгач, севишганларни кўрсам Зиёд эсимга тушарди. Ўшанда у менга ҳақиқий йигитнинг ишини қилганига дилдан амин бўламан...

Яна бир йигит Гулсеварнинг уйлари атрофида ўралашиб юрганидан хабар топдим. Йўлини пойлаб юрдим. Қиш кунларининг бирида йўлимда пайдо бўлди.

Бу йигит ҳам ёши мендан катта, тўйларда кураш тушиб, полвон деган ном олган бақувват эди. Қишлоқнинг тор кўчалари, томнинг орқасига қуёш



нури кам тушганидан ёгган қорлар музлаб қолган, у икки елкасига иккита флагни сувга тўлдириб уйига кетиб борарди. Орқасидан пусиб келдим-да, бор кучим билан оёғига чил бердим. У теракдай ерга қулади. То ўзини ўнглагунча, (чунки, флагни остида қолганди) устига ўзимни отдим:

Агар яна бир марта Гулсеварларнинг маҳалласида кўрсам ўлдираман...

У ўзини ўнглаб олгунча мен кўздан ғойиб бўлдим. Орадан уч-тўрт кун ўтиб бизлар яна тўқнаш келдик. Унинг елкасида бу сафар флаг йўқ эди. Гарчи бироз чўчисам-да, орият устун келиб бошимни баланд тутиб унга яқинлашдим. У:

– Ука сенга қойил қолдим... Одам шунақа бўлиши керак. Лекин мен Гулсеварингга эмас, унинг қўшнисига ошиқман. Барибир сенга қойил қолдим.

У қойил қолдим деган жумлани бир неча марта такрорлаб, мени қучоқлаб, кулиб-кулиб узоқлашди. Мен у билан қалин жўра бўлиб кетдим. Сабаби, узун қиш тунлари бирга шерик-шерик бўлиб Гулсеварларнинг маҳалласига борар эдик.

Ҳар нарсанинг адоғи – якуни бўлади. Аммо бизнинг севгимизнинг якуни, адоғи йўқ эди. Биз учун ҳар лаҳза, ҳар нарса, у қуш бўлсин, дарахт ё юлдуз бўлсин – муҳаббат эди.

Иккимиз ҳам ўн саккиз ёшга ўтдик. Янги йилда қилинган ниятлар амалга ошар эмиш. Биз янги йил киришида осмон остида – уларнинг ҳовлисини адоғ томонида ният қилдик. Биз мактабни тугатиб бирга ўқишга боришни орзу қилар эдик.



Отам ўлдиреди. Биттаям опам ўқимаган. Мени ўқишга қўймайди, – дерди менга ўкинчали термилиб. Унинг бу нигоҳида, сен барибир ўқишга борсанг, шахарлик қизларни севиб кетасан, мен бу ерларда қолиб кетаман, деган аламли, изтиробли нидолар бор эди.

Отангни кўндирамыз. Балки мактабни тугатгач унаштирилсак, ана унда бемалол кетаверсак бўлади. – Менинг фавқулодда миямга келган бу ғоядан иккаламиз ҳам бир-биримизга табассум билан термилиб қолгандик. Рости ҳам шу: унаштирилсак, ҳамма йўл очиқ. Отасиям ишонади, барибир уйланади-ку, менга нима, бориб ўқи, дейди. Майли, опаларинг ўқимади, сен ўқигин, ҳеч бўлмаса битта қизим олий маълумотли бўлсин, деб дуо беради.

Севиб қолган одам – агар севгиси рост бўлса йўли мудом очиқ бўлади. Кимлардир унга ҳамиша йўл кўрсатиб туради. Ҳар қандай муаммога ечим топилиб қолаверади.

Аммо...

Ҳаёт биз ўйлаганчалик содда эмас экан. Биз кашф этганчалик бир фаслдан, фақат кунлардан иборат эмас экан. Биз билганчалик орзули ҳам эмас бу ҳаёт...

Айни ўн саккизинчи баҳоримизда бизни ажратишди. Бутунлай, бир умрга иккимизни икки томонга улоқтириб юборишди.

Ўшандаям баҳор эди. Ўшандаям Наврўз эди. Фақат Наврўздан бир кун кейин эди. Ичи қора одамлар уни қоп-қора болага олиб беришди. Худди оппоқ қорни қора лой билан чаплагандай бўлишди.



Тиниқ булоққа чўчка чўмилгандай, майсазорни ёввойилар пайҳон қилгандай бўлишди.

Мен ҳеч нарса қилолмадим.

У ҳеч нарса қилолмади.

Ҳеч ким ҳеч нарса қилолмади.

Нима қилган бўлса унинг отасию совчилар қилишди.

Аламимдан ҳовлисига тошлар отдим. Том шиферлари сина бошлади. Менинг юрагим синганда, Гулсеварнинг қалби синганда шиферлар парчаланиб кетмайдими, менга нима. Сигирларини, эшагу итини кўчада кўриб қолсам таёқ билан солдим. Бизнинг еган зарбамизни олдида буларники нима бўпти. Бир кеча бориб дарвозасига қулф осдим. Бизнинг бахт қасримизни қулфлаганларга бу кам. Акаси ҳар тонг қулфни бузар эди. Уйимизда биттаям қулф қолмади. Дўконда биттаям қулф қолмади.

Бир тун бориб оғилидан бор молу қўй-эчкисини кўчага чиқариб юбордим. Дарвозаси олдидаги ўриндиқни таг-туғи билан қўпориб ташладим. Куёвни бир тун тутиб олдим. Болохонага тирмашаётган экан. Катта бир тош билан белига солган эдим, гурс этиб ерга қуладию тура солиб қочди. Тошбўрон қилдим. Жўраларим билан бир неча марта маҳалласига бордик, тополмадик. Аламим босилмасди. Изтиробим тугамасди.

Ниҳоят ўша машъум кун келди.

Уни олиб кетишди. Бутунлай бир умрга ўз уйига олиб кетишди.



Тор кўчани тўлдириб куёв келди. Куёв жўралар ўйинчи экан. Оёқлар зарбидан ер гурсиллаб кетди. Гулсевар йиглар, уни овутолмай бир маҳалла қизу, бир кўча кампир овора эди. Ўйин-кулгу анча давом этди. Ёр-ёрлар айтилиб келинни кўчага олиб чиқишди. Ўша тўйда айтилган қўшиқнинг бир сатри ҳамон қулогим остида:

Тошбағир доира ёрилсин қорнинг...

Келинни олиб кетишди. Машинанинг ортидан анча жойгача югуриб бордим. Чанг-тўзон ичида қолиб кетдим. Қишлоқни машиналарнинг қувноқ сигналли босган. Болаларнинг шовқини еру кўкни титратарди. Мен машина ортидан югурардим. Куёв бола бир-икки қаради. Гулсевар бир парчагина бўлиб мунғайиб ўтирибди. Мен овозимнинг борича йиглар, мен овутолмай бир гала жўраларим овора эди. Машина ғилдирагидан кўтарилган чанг юзимга урилар, кўзимдан оқаётган ёш лой бўлиб юзимга ёпишарди.

Бу воқеадан кейин қишлоқдошлар мени телбага чиқариб қўйишди. Отам тутга боғлаб роса савалади. Мен адоқсиз изтиробда эдим.

Ва ниҳоят Тошкентга ўқишга кетдим. Уйландим. Ҳозир шаҳарда яшайман. Ҳар ёз борганимда қишлоқ четидаги теракзорда соатлаб ўтираман.

Бундан анча олдин бир қизик гап бўлди. Мен ижарама-ижара, овораю сарсон яшардим. Онам шундан қаҳрланиб Гулсеварни қарғаб қоларди. Онамнинг ўйлашича, менинг бу дарбадарлигимга у сабабчи эмиш. Яқинда ҳаётимда мен кутмаган ишлар бўлиб кетди. Ишларим юришиб кетди.



Бундан биринчи бўлиб онам хурсанд бўлди ва менга ғалати гап айтди:

– Илоё, Гулсевар ҳам омон бўлсин. Умри узун бўлсин. Илоё ер ютмасин Гулсеварни. Ер одам билан тўйиб қолармиди. Фарзандларини роҳатини кўрсин... Кўп яшасин.

Онамнинг қарғиши ўтмаган эди...

Мен ҳам илтижо қиламан, онам айтганидай умри узун бўлсин Гулсеварнинг..

Одам-ку одам, бу дунёда ҳатто шамоллар ҳам гап ташийди: боғлардан боғларга, даралардан дараларга...

Мени тушунгандирсиз...



БОЛАКАЙ

Мен сизларга бир воқеани гапириб бермоқчиман...

Саккиз ёшли бола ва қаёққа кетгани ноаён отаси ҳақида.

Бола – ўз номи билан бола эди. У сеҳргар, ботир ёки қаҳрамон эмас эди. Худди сизу бизнинг болалигимиз сингари содда, бўш-баёв, қоронғу тушганда қўрқадиган, ҳовлиларининг адоғидаги тут дарахтининг шоҳида ажина бор деб ўйлайдиган, мактабда сумкасига бир бурда нон солиб борадиган, беш баҳо олса суюниб, уйга югуриб келадиган, икки баҳо олса, кечгача сандирақлаб юрадиган бир болакай эди.

Айтганимдай у сеҳргар эмасди – тароғи билан етти қават тоғ яратса, ёки ойнаси билан қуёшни тўсиб қўйса, унда соч толаси ҳам йўқ эдики, бошига бирор ташвиш тушса тутатадиган. Ботир ҳам эмасди – шерни ўлдириб терисини белига тасмадай боғлаб олса. Унинг учқур отиям, ўзи учар гиламиям, ҳатто ғаройиб кемасиям йўқ эди: чап қулоғини бураса дунёнинг нариги томонида, ўнг қулоғини бураса бу томонида пайдо бўладиган. Камони йўқ эди: тортиб ҳеч кимга тутқич бермай деса, гурзиси йўқ эди: тоғни ундай элаб ташласа. Ҳеч нарсаси йўқ эди у болакайнинг.

Унинг нимаси бор эди?



Айтишларича биргина отаси бўлган экан, лекин ҳозир ўша отасиям йўқ. Қаёққа кетганини ҳамма билади, шу барча билишини фақат бола билмайди. Ундан-бундан сўрайди: тоққа ўтинга кетган, богда олма тераяпти, Тўполондарё томонларга балиқ тутгани кетган, Олис шаҳарда уй қураяпти, бир кун келиб олиб кетади, ўша ёқларда яшашар экан... Бола ҳамма гапга ишонади: бола бошқа нимаям қила оларди.

Мен сизларга мана шу ҳамма гапга ишониб, бироқ ҳеч ким ишонмайдиган саргузаштлар қилган бола ҳақида айтиб бермоқчиман.

Кичкина муштини тутиб отасини излашга бел боғлаган болани сизларга таништирмоқчиман.

Орадан йиллар ўтиб – ўша болакайнинг тенгдошлари мактабларни, ўқишларни тамомлаб, уйланганлари, фарзандлар кўриб, катта-катта одам бўлганларини, тўйлар қилганини, бироқ бола ҳамон саккиз ёшда қолиб кетганини, эҳтимол, ўша қора кўзию қоши, ҳали тўлиқ чиқмаган тишлари, кичик жуссаси абадий тупроқ бағрига синғиб кетганини, у ҳеч қачон саккиз ёшдан ўтолмаслигини сизларга сўзламоқчиман.

Ахир, боя айтганимдай, унинг биргина отаси бор эди.

Бола ўша отасини излаб йўлга чиққан экан.

Ўша замонлардаям баланд-баланд бинолар, текис-текис йўллар, олмаю шафтолиларга тўлган боғ-роғлар бўлган экан. Туби кўринмас қудуқларда сувлар, боши кўринмас тоғларда қорлар бор экан.

Урмонда шерлар, қирларда тулкилар ҳам бор экан. Хатто ҳовузларда қурбақалар ҳам сайрашиб юришар экан. Дарёларнинг балиқлари шунчалик кўп эканки, сув кўпми, балиқми, деб ҳайрон қолишаркан одамлар.

Уша пайтлардаям болалар мактабларга бораркан, безориликлар қилишаркан, хатто деворларга чизишар экан. Дарсдан сўнг кўча-кўйда сандирақлаб юрадиган, бировларнинг боғига кириб олмая уригини еб, хатто машинасини тепиб қочадиганлар ҳам анчагина экан. Лекин, мактабдан тўғри уйига келиб ота-онасининг юмушига ёрдамлашадиган, қўлида юки бор кексаларга кўмаклашадиган, ўтганда салом берадиган, ақлли болалар ҳам анчагина экан.

Осмон ҳам кўз ёш тукиб йиғлар экан ўша пайтлари. Қишда қор, баҳорда ёмғир ёғар, ёзда ҳамма дарёда чўмилар ва кузда қаттиқ шамоллар эсаркан...

Хуллас, биз яшаётган дунё қандай бўлса, ўша пайтлар ҳам шунақа экан, бироқ, одамлар негадир оқибатли, меҳрибон ва соддароқ экан...

Дарвоқе, болакай шўхликлар қилар экану аммо жуда оз экан-да. Унинг шўхликлари ҳам йиғига ўхшаб кетарканми-ей. Ақлли бола ҳам бўларкан, лекин негадир буям сира-сира ўхшамас экан: у хаёлчан, нуқул нималарнидир пичирлаб, кўзини ердан узмай юраркан. Тенгдош жўралари уни устидан кулмас, ҳамиша ширин гапирар экан. Мана шу ширин гаплари уни ҳолдан тойдираркан. Ҳамма қатори бўлишни истар экан, лекин синфдошлари бунга имкон бермас экан-да...



Оғзида оши, кўзида ёши билан қолаверибди.
Шу етимни ўзим катта қиламан, деган қўшни хотин.

Лойга ботган эшакдай бошини ҳам қилибди ўша
она бўлишга орзуманд хотиннинг эри.

Кампир шафтолининг донасини айиргунча вақт
ўтмай яна бир қўшни девордан бош кўрсатиб, чарви
еган мушукдай кўзлари мўлтираб ҳовлини томоша
қилиб:

– Етим қўзи асрасанг оғзинг мой бўлар, етим
бола асрасанг қон, – деб яна бир балоларни гўлди-
раб-гўлдираб кўздан пана бўлибди.

Эр игна ютган итдай тиришиб хотинига
ўшқирибди:

– Бировнинг томорқасига қадалган кўзларинг-
ни ўйиб олайнми...

Аммо болакайни биров излаб йўлга отланмабди.
Жилла курсин излашга шунчаки иштиёқ ҳам бўл-
мабди.

Орадан йиллар ўтиб шу болакайнинг саргу-
зашти қишлоқ одамлари учун қанчалар шов-шув
бўлишини билишгандами?..

Бола тонг энди ёришиб келаётган пайт сирғалиб
эшиқдан чиқдию кўзга кўриниб турган чўққининг
ортида қандайдир бир сеҳрли маскан борлигига
ишониб ўша томонга қараб югуриб кетди. Қишлоқ
кўчалари жим-жит, тонг ҳали бутун борлиги билан
намоён бўлиб улгирмаган эди. Аҳён-аҳён ўзини
борлигию шу уйнинг эгаси экани эсига тушиб, ху-
риб кўядиган итларни айтмаганда, сахархез чол-
ларнинг – бола девор ёнидан ўтаётганда – шип-шип
оёқ товушини гапирмаганда жимжитлик эди.



Бола эса ҳеч нарсага қарамай, калишини чаппа кийиб олгани ҳам парвойига келмай, югуриб кетиб борарди.

Қишлоқнинг шамол дарёдай оқиб кирадиган томонида айна шу пайтда бир одам уйининг ёнида қурилган ўриндикда ўтириб, эҳтимол, мўрмалахдай бостириб келаётган қимматчилик ҳақида, балки, кеча кенжа боласи нон, нон, деб йиглаб ухлаб қолганини ўйлаб, ҳиссиз-маъносиз бола югуриб кетаётган томонга тикилиб турарди.

Яна орадан йиллар ўтиб, қимматчилик деган гап эски этигини кийиб узоқ-узоқларга кетиб қолганда, ҳаммаси жойига тушиб, қорни тўйиб, баланд уйлар қуриб ва машиналар миниб, энг муҳими ўша нон деб йиглаган боласи раҳбар бўлганда ҳам ўша югуриб кетаётган болани эслашини, мен кўрган эдим, дейишию бунга одамлар ишонмаслиги – айна дам ҳаёлига ҳам келмасди.

Бола бўлса баданидан шариллаб оқаётган терга қарамай, юз-кўзини ювиб тушаётган кўз ёшга ҳам ҳаёли бўлинмай – олис ва сеҳрли маскан сари жадаллаб кетиб борарди.

Қишлоғи, деворларга шох ташлаган гилосу олчалар, меваси тапилаб тушиб боғнинг адоғига думалаб кетадиган олмалар, кузда шохларига қаргалар қўнадиган ёнғоқлар, сариқ олтиндай товланиб турадиган беҳилару челақларга киришни истамай диқирлаб қочадиган зардоқилар тобора орқада – ўтмишга айланиб, қайтиб кўриш маҳол бўлган бир муқаддас нарсага айланиб бораётганини болакай сезмас эди. Болакайга бу муҳим эмас, унинг



бутун борлигини сеҳрли маскан қамраб олган, у билади, йўлчи – бир қадам бўлсин – қадам боссин, у яна шуни яхши биладики; синчи – кўр бўлса ҳам кўра билиши шарт, – ҳа, бола ҳозир йўлчи қадам босиши, босганда ҳам шамолдай тез босиши керак, бола ҳозир синчи, катта ҳаётга қадам қўймоқчи, олис ва сеҳрли масканни кўрмоқчи, боланинг кўзлари ҳозир сўқир, қачонки ўша масканга борсагина очилади, фақат ўша ердангина отасини топади... Агар отасини топса борми?

Нега энди топса борми? Албатта топади. Ахир болани йўлга тушишга ундаган куч шу топиш ва бунга ишониш эмасми? Ҳа ишониш...

Бола кўп нарсаларни ўйлаб ҳам қўйган. Дейлик, отаси билан учрашиб қолса, тўғридан-тўғри ўзини таништирмайди. Бироз кузатади, дейлик, аввал салом бериб ўтади, ишлаётган бўлса, ҳорманг дейди, агар чой ичиб ўтирган бўлса, чойингиз совиб қолмадими дейди, мабодо кўчада бирор томонгами кетаётган бўлса, секингина ортидан эргашади. Бир-икки чақирим қорама-қора боради, кейин... кейин... бола у ёғини ўйлаб кўрмаган эди.

Болага кўпроқ отаси чой ичиб ўтирсаю у бориб чойингиз совиб қолмадими, деб сўраса – негадир у шуни кўпроқ истар, шундай учрашув бўлишини, отаси, ҳа, чойим бироз совибди деса, бола зириллаб иссиққина чой олиб келса, кейин отаси, қани айт-чи, азамат йигит кимнинг ўғлисан, қайси томондан келиб ва қайси томонда кетаётирсан, деб сўрасаю бола овозига бироз қатъийлик бериб, Сувқайнар қишлоғидан эканлигини, икки ой бу-



рун онаси ўлганини, отаси ҳали ўзи тугилмасдан қишлоғидан кўриниб турадиган олис ва сеҳрли масканга кетганию шу бўйи қайтмаганини дона-дона қилиб айтишини истар эди. Кейин отаси ўрнидан отилиб туриб, сен менинг азаматимсан, мен ўша олис ва сеҳрли масканга кетганман, мен сени отангман, деб маҳкам қучоқлаб олса, ана ундан кейин иккиси узоқ ва мароқли суҳбатлар қилиб иккита отга миниб олис ва сеҳрли масканни тарк этсалар. Эҳ-ҳе, боланинг саволлари шунчалик кўп эдики, сувқайнарликларнинг қўлу оёқларининг барча бармоқларини қўшса ҳам унинг саволини ярми бўлмасди-ёв...

Қишлоқ борган сари орқада қолар, бола эса нуқтага айланиб борарди, қоп-қора нуқтага...

Орадан йиллар ўтиб эмас, ростакамига роп-пароса йигирма йил ўтди, йигирма йил.

Сувқайнарга аввалига рассомлар келишди, қишлоқни ҳар томонидан чизишди, болалар уларнинг ишига қизиқиб, узоқ кун атрофларида парвона бўлишар ва берилган саволлари жавобсиз қолганига ҳам ажабланмасди. Бир ойга яқин муддат рассомлар ва болалар кўчаларни қиру адирлар, дарё бўйини, боғу жарликларни, тоғларни тўлдириб юришди. Ва бир оқшом улар ҳам жўнаб кетишди.

Рассомлар ҳақидаги афсонаю ривоятлар яна анча узоқ давом этардию, бироқ кутилмаганда қишлоқда бошқалар – қурувчилар кириб келишди. Маълум бўлишича экотуризм деган нимадир қуриларкан. Тоғу тошлар, қиру адирлар, жару зовурлар уйча қилинар экан.



Ростакамига қурилиш бошлаб юборилди. Икки йилга тўлиқ фойдаланишга топширилган иш муддатидан олдин тайёр бўлди. Сувқайнарни таниб бўлмас эди.

Оғзи қаппайиб очилиб ётган тоғларга қанақадир зинапоялар қурилган, панжаралар ўрнатилган, эшиклар ҳатто деразалар қўйилган эдики, тикилиб туриб бошингиз шўнғиб кетиши мумкин эди. Одамларнинг айтишича сайёҳлар дарёсининг ўзани Сувқайнарга буриб қўйилди. Ана энди томошаю асъасани кўринг. Бу ёғи денг дарёнинг ёқаси чойхонаю кафеларга тўлган, у ёғи қалин дарахтзор кесилиб кенг майдон бўлиб ўша жойда бозор ташкил қилинди. Одамлар ўзларини савдога урди. Камига ёнида хотинларини ҳам олиб чиқишди. Ўзлари дарё бўйига айвон, супа қуриб меҳмонларни кутиб олишса, хотинлари шаҳардан олиб келинган турли кўзмунчоқларни пуллашга бел боғлаб юборишди. Ҳатто баъзи тадбиркорлар Сувқайнарнинг тоғи акс эттирилган маркалар ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.

Бу дабдабалар яна анча-мунча шов-шув бўлардию аммо ундан ҳам даҳшатли бир хабар барчани эсанкиратиб, ҳатто кўрқитиб ҳам қўйди.

Рассомларнинг бири чизган расм дунёни ларзага солган эмиш ва ўша расмини асли шу қишлоқлик бўлган одам мисли кўрилмаган қиммат нархда сотиб олибди, яқинда, тез кунда ўша одам шу қишлоққа келар эмиш...



Сувқайнарда, ҳатто бутун дунёда картинанинг қанақалиги, нимаси учун бунчалик қиммат кетганлиги муҳокама қилинар эди.

Саволлар, ҳаёллар, тахминларнинг чек-чегараси йўқ эди.

Сувқайнарликлар қайси рассомнинг асари экан, деб анча тортишдилар. Бу орада болаларга кун туғди. Йигирма чоғи одам тўпланиб қолса албатта, барча қандайдир боланинг гапини тинглаган, бола бўлса тоғ манзарасини чизган, мен ёнида эдим деса, бошқа бир жойда ҳам шу ҳолат, фақат бошқа одамлар ва бошқа бола адир манзарасини чизган, бу ўша сурат бўлиши керак, мен ёнида эдим, дейди.

Ҳатто болалар ҳам рассомларни бўлиб – бу меники, дея – келишиб олишди.

Ниҳоят ўша яқинда – тез орада келиши кутилган одамнинг қишлоққа келаётгани ҳақидаги хабар жудаям яқиндан эшитила бошланди. Шаҳарга келганмиш... Аввали шу оқшом, охири тонгда кириб келармиш...

Меҳмон ўша оқшом келмади.

Эрталаб ҳам қораси кўринмади.

Фақат учинчи кун рассом кириб келди.

У ҳеч ким билан гаплашмай, бир замонлар бола югуриб кетган, олис ва сеҳрли масканга қараб тикилиб тураверди...

Шу кўйи уч кун тикилди, тўртинчи кун рассомни ҳеч ким кўрмади...

Шу билан барчаси ўз измига тушиб кетардию аммо газета ўқиб қишлоқ академигига айланган Тўхтамурод оқсоқолнинг гапидан кейин...




Оқсоқолнинг айтишича, рассом тонг саҳарда саккиз ёшли боланинг тепаликка қараб югуриб кетаётганини чизган экан. Бола югуриб кетаётганмишу орқасидаги одамлар унга тескари қараганмиш, баъзилари ухлаб ётганмиш, ҳатто битта одам боланинг ортидан қараб ҳам турганмиш...

Бу қишлоқда аввал бўлмаганман, лекин ўша картинани чизадиган пайтим шу манзара кўз олдимда жонли гавдаланди... Мен ҳаммасини кўриб турардим, бола тобора тезлашар, мен уни картинага муҳрлаб қолишга интилар, вақт тигиз эди, улгурмасам бўлмаслигини билар, Худога тавалло қилар, қўлла, қўлла, деб нола қилар эдим, дебди. Ниҳоят картинани тугатдим... Ва айнаи шу лаҳзада болани ҳам йўқотдим, дебди. Нега бунча қиммат сотилди картина, деган саволга эса, – билмадим, харид қилган одам, бир замонлар менинг ҳам шу суратдаги бола кийган қулоқчиним бўлар эди, унинг ҳам бир қулоғи худди суратдаги сингари осилиб турарди, шунга сотиб олдим, – дебди харидор ва шу билан рассомнинг суҳбати якунланибди...

Оқсоқолнинг гапидан кейин, кимдир, ҳа айнан кимдир, йўқолган етим болани эслаб қолибди-ку...

...Мен ўша қишлоққа бордим олис ва сеҳрли масканга кетган бола ҳақидаги ривоят ҳамон тилларда достон экан.



НУҚТАСИЗ ГАП

Кечагина тоғамнинг шошилинич чақируви сабаб, қишлоққа отландим. Умримнинг энг қоронғу томонлари аксланган гўшага етганимда юрагим увишди.


Мен етим эдим...

Йўқолган отини излаб қишнинг чилласида тоққа борган отамни ёввойи тўнғизлар қорнини ёриб ташлаган. Эс-эс биламан одамлар уни тополмай бурдаланган чопонини олиб келишганди. Шунда онам тўннинг парчаларини юзига босиб йиглаган, сочини юлган, қуймичига шапатилаган, бошини устунга уриб ёриб олгани ҳали-ҳамон эсимда. Кейин орадан кўп ўтмай ўзиям ўлиб кетди. Эси кирди-чикди, пойинтар-сойинтар гапирадиған бўлиб қолган эди. Онаниям йиғлаб-сиқтаб кўмиб келдик. Аввал отани йўқотиб гул етим, сўнг онадан айрилиб шўр – чин етимга айландик. Ўшанда тоғамиз бизни бағрига олди. Янгамизнинг қовогидан ёққан қорларга термилиб улғайдик. Тогнинг этагидаги, ўзимизча дунёнинг энг баҳаво жойида яшар эдик. Биз томонларда олти ой қиш, олти ой баҳор бўлар эди. Қиш кунлари, айниқса, болалар тиним билмасдик: хўжаликда йигирмага яқин қорамол бўлиб, шу гўрсўхталарнинг тезагини



тозалаш, сув, ем-хашак бериш зиммамда эди. Тоғамнинг мен тенги ўғлиям бор – юрист деймиз, онаси ҳар биримизга шунақа дейишни ўргатган, мободо адашибми, шошибми, исмини айтиб қолсак, ўша кеча пиёланнинг учи, лаганнинг гирди учган, энг ёмони овқатга тўймай қолардик. Эсимда, қаҳратоннинг бурун кўкартирар совуғида оғил тозалардим: оёғимга ҳеч қачон бутун (янгиси туш эди) пойабзал кийган эмасман. Совуқ аввал оёқдан ўтади, ажалнинг чораси йўқ сингари – совуқдан қочиб қутулолмасдим. Шунда жонимга молларнинг сийдиги оро кирар эди. Оғилимиз бетон қилинган эсада, ҳар жойи-ҳар жойи чуқур бўлиб, ўша ерга сийдик йиғилар, мен оёғимни шу кўлмакчага тикиб ўтирар эдим. Начора, совуқ жондан ўтгач иснийам унутар экан киши. Бурним кўкариб, қўлим қизариб бир амаллаб қишдан қутулардим у баҳор менга мислсиз машаққату уйқусизлик ваъда қилиб остонада пайдо бўларди.

Тоғамизнинг учта оти бор эди. Тўғриси, уларни от деб бўлмасди, лекин тоғам зўр меҳр билан “Тулпорларим – менинг қанотларим”, дея гапиришни яхши кўрарди. Биттаси байтал, иккиси унинг қулуни. Тоғанинг иккороича, иккинчи қулун чироқчилик бир чавандознинг зотдор отидан экан, шундан умидим бор, бир кунмас-бир кун мени дунёга машҳур қилади, дерди кўзлари севинчдан порлаб. Болалари ва бизлар оч қолсак қолайлигу лекин оти уч маҳал емишини вақтида, керак бўлса, саркардаларнинг отидай емиш ерди. Баҳорни ёмон кўриб қолганимга сабаб ҳам шу йилқилар



бўлса керак, қиш ҳар ҳолда совуқ бўлсаям кечаси узун, уйқудан тўйиб оласан, баҳорда кун йилдай чўзилади. Қуёш Амрилло бобонинг терагидан (энг баланд терак бобоники эди) беш баробар баландда келсаям соат энди олти ярим, етти бўлади...

Боғча қўргонимизнинг тепасида улкан яланглик бор эди. Бу бизларга ота мерос. Тоғам шу ялангликни гирд-атрофини тиканли сим билан ўраб олди-да, бир-икки йил зигир, нўхат эктириб юрди. Рўзгор катта, ўзидан беш нонхўр бўлса, биз укам иккимиз ҳам текинтомоқ бўлиб ораларига қўшилиб олганмиз... Бу ёқда йилқилар сал койигандай бўлишганини кимдир қулоғига шипшиганми, ўша йили баҳорнинг биринчи кунидаёқ: ялангликнинг ҳаммасига арпа экамиз, деб қолди. Экилди. Қўридим. Ўриб қопларга жойланди. Ва яна... бу ҳолат токи мен ўқишга кетгунимча, яъни ўн икки йил давом этди...

Мен болалигимдан синиқиб улғайдим. Укам менинг аксим: чўрткесар, қайсар, юзинг-кўзинг демай гапиреди. Айби бўлса менга ўхшаб бўйнини эгиб турмайди, ҳа мени айбим, ўзим биламан, деб юзингга тикилиб туравереди.

Бир сафар янгамиз, ҳовлига – офтобга кўрпаларни чиқариб ёйинглар сасиб кетибди дега-нида, мен хўп деб уйга кираётганимда, укам: нега биз? Сийган юрист-ку, ўзи қилсин, деб мени йўлимни тўсган эди... Ўшанда янга укамни арқон билан дарахтга боғлаб (ўзим боғлаб берганман) кўйлагини кўкрагигача кўтариб газанда деган ўсимлик ўт билан ўлғудай қилиб савалаганди.



Укамнинг кўзидан бир томчи ёш чиқмаган, ахир ўн бир ёшли бола бунақа пайтларда дод деб йиғламайдими? Ўлдим, янгажон бошқа қилмайман деса, уям одам, раҳм қилмасмиди? Ҳамма айб укамда, қайсарлиги дастидан доим орқасидан беш панжанинг, калтакнинг, ёки хивчиннинг изини кўрса бўларди. Ахир, янгамиз она ўрнида – онамиз, тогамиз – ота эмасмиди? Агар шулар бўлмаганида нима қилар эдик: очимиздан ўлиб кетмасмидик. Бошимизни силаган, майли, текинга ким томоқ беради, ишлаймиз-да, керак бўлса, буни укам ҳам билмас эди, у мактабга кетган маҳал мен кирларни ҳаммасини ўзим ювардим. Қиз бола нозик бўлади, мендан олти ёш катта, ойнани яхши кўрувчи янгамизнинг дейишича, қишлоғимиз яғонаси Раъно опамизга ёрдам бўлсин, деб хамирниям ўзим қорардим... Қиз бола ёшлигидан оғир ишлар қилса, эгилса, кейинчалик букир бўлиб қолармиш... Мен Раъно опамнинг қоматини эгилиб қолишини сира-сира истамасдим, шунинг учун ҳовлиниям ўзим супурардим.

Ўша кеча укам алаҳсираб чиқди, она дейдими, ота дейдими, юрист жўрамиз бир-икки у ён-бу ёнга ағдарилди. Чўчиб укамнинг қошига бордим, оғзини беркитмоқчи бўлгандимки, ака, сандан хафамасман, тўғри қилдинг, агар мани боғлаб бермаганингда сани урар эди, дейди тентак... Кейин... ухлаб қолганман... Бунақанги воқеалар кўп, у ўзи болалигидан безори эди, мана эн-



ди мениям шу иш учун китоб байрамидан
мосуво қилиб қишлоққа чақириб олишди. Ана,
қишлоғимизнинг ҳам энг баланд тоғи кўринди, бу
ёғи ўн беш дақиқалик йўл...

* * *

– Ё тавба, бир палакда икки хил қовун битар
экан-да, а – дея гап бошлади тоғам кўришатуриб... –
Одамни шарманда қилди-ку бунинг. Биласан,
гавдамиздан номимиз баланд, бу зумраша тупроққа
қориб ташлади-я...

– Ўзи болалигидан кўзи ёмон тушган эди – деб
янгамиз лабларини буриш билан кифояланмай, чой-
накни хонтахтага дўқ этиб қўйди. Беихтиёр ўша бо-
лалиқдаги қўрқув бостириб келди ва огил томонга
қараб олдим.

Чойнақдаги чой совимасдан туриб кўни-қўшни,
таниш-билиш ва қариндошлар йигилишди. Гап
уқмас, болалигидан тортиб шу кунга довур ҳаловат
бермаган етимча, (янгамнинг гапи) ишламасдан
тишлайдиган текинтомоқ, катталарни ҳурмат қил-
майдиган тарбиясиз бола, кун бўйи дарё бўйида
ўтириб хаёл сурадиган телбахаёл укамизнинг севиб
қолгани маълум бўлди.

– Бизам севганмиз, ҳа, шунақанги кўп севган-
мизки... лекин одам деган сал ёшигаям қараш ке-
рак-да... Бунинг ҳали тирмизак бола, она сутинг
ҳали огзингдан кетмаган-ку десам, мен онамни эм-
маганман, олти ойлигимда ўлиб кетган дейди, – деб
гапини тамомлади авваллари шаҳарларда яшаб энди-
ликда девор-дармиён қўшнимиз бўлган Нусрат ака.



– Мисқолаб топган обрўйимни ботмонлаб тўк-ди, – деди тоғам дона-дона қилиб. Унинг жаҳлидан ҳамон қўрқошимни шу ерда яна бир бор тушуниб етдим.

Одамларнинг айтишича, укамиз жуда ҳаддидан ошибди, биров билан гаплашмасмиш, гапирса жим турармиш-да, кейин нега фил сичқондан қўрқади, дея кулар эмишу сўнг беҳосдан, бургут неча йил яшайди, деб савол ҳам бераркан, э бор-ей, дея қўл силтаб кетмоқчи бўлса, тўхта, эшитиб кет, деб ёқасидан ушлаб гапириб берар эмиш. Эртаги қуйидагича:

Кўп эшитганмиз: бургут ўлимини сезса ўзини қояга урармиш... Бу у учун ягона йўл эмиш. Бўлмаган гап. Жамики яратикларда – инсондан тортиб қумурсқагача ҳамиша иккита йўл бўлган. Яратиклар орасида фақат бургутгина инсон умрига яқинроқ ҳаёт кечиради. Қирқ йилда бир йигит вояга етади, деган гап бор. Бургут ҳам айнан шу ёшда КАТТА имтиҳон топширади. Бургут 40 ёшга тўлганида қарийди. Худди 70 ёшли одам сингари куч-қувватдан қолади, кўзи хиралашади, тирноғию тумшуғи ўсиб кетади. Тумшуғи буралиб бўйнига тегиш даражасига келади. Шунда... ягона йўл – ўзини қояга уради, лекин унга иккинчи йўл ҳам бор. Иккинчи йўл: энг баланд чўққига чиқиб 150 кун (беш ой) тумшуғию тирноғини тошга уради. Ураверади. Буни машқ дейдими, қайта туғилиш дейдими, майли, нима деса-да, айнан шу беш ой давомида бургут аслига – куч-қувватга қайтади. Унинг ёғи, танасининг қуввати, очлиги 150 кунга етади



холос. Сўнг яна осмонни тўлдириб, осмон шоҳи бўлиб учиб юраверади. Биринчи йўлини танлаганлар эса... парча-парча бўлиб кетади. Қизиги, ҳамма бургут ҳам иккинчи йўлга юраги дов бермас экан. Бунда хулоса йўқ, фақат нимадир бор...

– Бу-ку майли, – деб гап жilовини – кейинчалик билишимча физика ўқитувчиси экан, у ҳам шаҳардан ўша ёққа иш излаб борганмиш. Зўр малим бўлса шу ёқларга келармиди, деди эртаси куни қўшни амаки – қўлига олди, – сан тенгилар дунё кўраяпти, тил ўрган, мактабимизнинг барча хонасида компьютерлар бор десам, сиз кўнгил тилини биласизми, муҳаббат тилини-чи, ҳа сиз физиксиз-а, сизлар фақат бомба яратасизларми ё шунақа маслаҳат берасизларми, деб одамнинг устидан аския қилади, – деб атрофга бир қараб совиб қолган чойдан ҳўплади-да, жойига ўтирди нотиқ.

– Энди буям бир омади гапмас, ўзларинг кўриб юрибсанлар, ҳозир киши нимани истаса, орзу қилса бўлди, узоғи билан бир йилда амалга ошади. Мани ўғлим коллежни битириб ишга кирди, бизнес режа қилиб банкдан кредит олди, дўкон очди, мана, энди кузга етиб машинага тўлов қилмоқчи, омадини берсин, замонамиз шундай имкониятлар яратаётган бир пайтда, сани уканг, нима дейди де: кийим, машина бу – ўзгаради, лекин инсоннинг қалби ўзгармаслиги керак, кимнидир севмаган юрак тишлаб балчиққа ташлаб кетилган олма дейди, ширин олма эмас, Қурбон бобонинг эшак олмаси бор-ку, кўриниши чиройли, мазза-матраси йўқ, худди ўшанақа олма дейди. Ҳозирги кунда замондан орқага қолиб



бўладими? Отам деҳқон эди, кўз очиб кўрганиям, кўз юмганиям дала-дашт бўлди. Шунини бир гапи бор эди: агар уруғ бир кун кеч ерга сепилса, бир ой кечикади. Табиат шунақа ҳисоб-китобни яхши кўради. Шундай, бир кун кечиксанг, ғафлатда қолсанг, вақтида малим айтганидай тил, кампитир ўрганмасанг, дунёвий билимларни эгалламасанг бир оймас, бутун умр ғафлатда қоласан. Мана, ўзингдан қиёс, Шаҳри азимда ўқидинг, ўша ёқда ишга қолдинг, омадингни берсин, яхши-ёмонми уйландинг, уй ҳам олдинг-а, яна омадингни берсин, халққа зиё тарқатаяпсан, бу-чи, қани ўзи?..

Шунча гап-сўз, фикр ва мулоҳаза, дашному танбеҳлар кимга айтилаётганини билиш мумкин, лекин укамизнинг айтиши пайтда қаердалигини биров билмас экан. Қаерда бўлиши мумкин у... Болалик хотиралари хаёлимга бостириб келди.

– Ака нега ҳамма катта бўлай, дейди, улғайгач болаликка қайтсам, деб оҳ уришади, нега шундай-а, – деганди укам саратоннинг кунда ялангликда қушлардан арпани қўриб ётганимизда. Унинг бу бемаъни саволига тушунмаган бўлсам-да, ҳар ҳолда акалим, ундан кўра кўп нарсани билишимни эслатиб қўйиш мақсадида жавоб берган эдим:

– Одам катта бўлиши, яқинларига ёрдам бериши керак. Ерга уруғ қадаган одам эрта кўп ҳосил олишни орзу қилади. Мана, тоғам арпа экди, нега? Чунки, ем сотиб олишга ортиқча пули йўқ. Шунинг учун экади. Бизлар шу арпани қўриб, хирмон кўтаришига ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Қурбон



бобоям бог қилди-я. Нима учун? Эрта кўп ҳосил олса, янада тўқ яшайди. Болаликка қайтишга келсак, бу энди шоирларнинг гапи...

– Лекин бизлар дарахт эмас-ку, кейин бизларни тоғам эккани йўқ...

– Жим... Қара, қуш келди сатилни тақиллат...

Тақ-тақ овози бутун далани босиб кетар, укам арпа майдони атрофида айланар, қандайдир мунгли қўшиқниям айтар эди.

Бир куни, адашмасам ўшанда қиш эди. Укам сўраб қолди:

– Ака сиз ҳайвонлардан тулкини яхши кўрасиз-а?..

– Нега ундай дейсан... Улар ҳайвон бўлса, ҳайвонниям одам яхши кўрадимиз?

– Менга эса йўлбарс ёқади – деди гапимни эшитмай.

– Нега?

– Билмайман.

– Билмасданам яхши кўриш... бу қанақа гап...

– Нима учунлигини билсам, ўшанда айтаман...

Укам юзимга бироз тикилиб турди-да, моллар ахлатини курашда давом этди. Мен эса унинг гапини ўша кундан буён унутган эканман, мана, ҳозир негадир эсимга тушди. Қизиқ, ҳозир у қаерда экан-а?.. Эсла, эсла... Қаерга кўпроқ борардинглар... Қизиқ, бизлар бирор жойга – Ялангликни айтмаганда – бирга бормаган эканмиз. У ҳозир қаерларда экан?..

– Тошбой мани ёқамдан олди, биров йўлимни тўсмас эди, бу ёқамга қўл чўзди, янги дўппим ерга



тушиб кетди, эгилиб олишга ор қилдим... – дея тоғам мени хаёл дунёсидан ҳовлимиз супасига олиб келтирди. – Хотинлардан авлиё чикмайди, лекин шу янганг авлиё, айтган эди, кичиги ҳали бошимизни ёриб, бурнимизни қора қонга тўлдиради. Мана, қилди, номимизни қора қилди бу...

– Э, қўшни манга бир кун нима дейди денг: ҳа Ўлжабой ака, нималарни ўлжа қилаяпсиз, уялийсизми, Шамсия момонинг боғига яшаб, битта кўчат экмай, бор дарахтнини кесиб ўтин қилаяпсиз, уят-е, уят. Исм ярим тақдир, бир кун сизам кимгадир ўлжа бўлиб кетасиз, қалбингизни қурт кемирган, дейди. Боплаб таъзирини бермоқчийдиму дарахт шохида эдим-да... Бўлмаса-ку...

– Дарахт шохида нима бор экан? – деди кимдир, афтида укамга хайрихоҳ бўлса керак...

– Шу.. Ўзим...

– Чиранманг, яна ўв бир замонлардагидек нок шохидагидек учиб тушманг, сиздан қувват кетган ҳозир, қўйинг қушларнинг ризқини қийманг, – деган йигитни энди танидим, қишлоқ этагида яшайдиган Шодмон кампирнинг набираси экан. Бир-икки марта биз билан ялангликка бориб арпа қўриқлаган эди. Ҳа, укам шу билан апоқ-чапоқ гаплашарди.

– Ана, – деди яқинда маҳалла оқсоқоли бўлган, – тоғам телефон қилиб айтганди, – Тургун устунни раис қилдик деб, – ҳамманинг миясини захарлаган бу. Атрофига тўрт-бешта болани тўплаб олиб, нималарнидир гапириб юради. Мангу руҳлар, яшил руҳлар, озор ва озурда руҳлар бўлади, деб гапираётганини устидан чиқиб қолдим.



Э, бейймон бу қанақа гап бўлди, ундан кўра, қара, ҳамма Нуриддинбойнинг боғига беда ўришга – ҳашарга кетди, борсанг бўлмасмиди десам, Кўк-соқол бобо, у ерга озурда руҳлар боради, мени руҳим муҳаббат дардига мубтало бўлган ям-яшил руҳдир, қизиқ сизнинг руҳингиз қанақа экан-а, манимча сарғиш бўлса керак, деб бир түп ёш-яланг ичида мани шарманда қилди. Урардим у лекин уриш билан тарбия қилиб бўлармиди, буни ҳозироқ қишлоқдан олиб кетиш керак. Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас эрмиш, дейди доноларимиз. Гапга келса қоп-қоп, иш бўлса Боғи тентакдан топ...

Эҳ... Бўлди. Боғи тентак. Ҳа, у ўша ерга кўп кетиб қолар эди. Боғи тентак... Нега эсимга келмади-я... аниқ-тиниқ хотирамда-ку, янгам билан уришиб қолса, ўша ёққа қочиб кетарди. Деярли ҳар оқшом богдан топиб келардим. Бир марта кеч бўлиб қолди. Борсам, ҳулулнинг тиканигаям парво қилмай остига кириб олибди. Кеч бўлди юр кетамиз, нега тиканлар ичига кириб олдинг, баданингга киради ахир, десам, эҳ, акабой, бир ҳафтада бу тиканлар кирган жойнинг изиям қолмайди, лекин янганинг ҳар гапи юрагимга тикандай қадалаяпти, мана сизга савол, нега тиш яратилган? Билмайсиз, билмайсиз, чунки ўша гап: билмайсиз. Тоғамгаям қойилмасман, нега янгани вақтида урган экан-а... нега тишини қоқиб олган экан-а... Агар билсангиз тиш – тилни ушлаб туради. Янгани тиши йўқ, олд тиши қоқиб олинган, бир муштга тоб беролмай тутдай тўкилган. Шунинг учун илонни пўст ташлатадиган гаплар сирға-



либ худди мордай сирпаниб чиқаверади, акабой...
Юринг кетдик, бошқа борадиган жойимиз бўлма-
гандан кейин нима қиламиз, Худонинг дунёсида
бизларга шу уйдан бошқа макон йўқ...

Ушанда укам 12 ёшда эди...

Йўлда Боги тентак ҳақида гапириб қолди, ким-
дан қачон эшитганини билмайман, балки ўзи тўқиб
чиқаргандир, бунга ўша пайт ҳам ҳозир ҳам ишон-
масман, шундай экан эслаб ўтиришга ҳожат йўқ.

– Ҳозир Боги тентакдами, – дедим тоғамнинг
қорайиб кетган юзига тик қаролмай. Афтидан тоғам
юзини терс бурди, янга жавоб берди:

– Қанжиқчаси билан ўша ерда ўтиргандир-да...
Бошқа қаердаям бўларди...

– Ким у, – дедиму бу сўров оғзимдан чиққани-
дан сўнг бошимда ёнгоқ чақилишини тушундим,
аммо айтиб бўлинган эди.

– Ана, нима бало булар оилавий меровми, шун-
ча гапни кимга айтдик, ўв шаҳарлик акаси, укангиз
Дониёр пайнетни қизини севиб қолган. Тушундин-
гизми, севиб қолган деяпман. Иккиси ҳар куни ўша
богда гул териб, капалак қувиб юрар эмиш, буям
ўша укачангизни гапи... – деб янга устимгача энга-
шиб келди. Ундан тернинг ёқимсиз ҳиди димогимга
урилди... Битта атир олса ўлиб қоладими, деган ўй
биринчи бор миямга келди ва янгага шунча йилдан
бери қандай тоқат қилганимни, у билан қандай гап-
лашганимни ва бу ҳид аввалам бор эдимиз, ёки ёши
ўтгач кишидан шунақа ҳид келадими, билмадим,
биллолмадим. Ёки неча йиллардан бери ухлаб ётган,
эхтимол умуман шаклланмаган туйғуларим уйго-



ниб, ўзини борлигини эслатиб қўймоқчи бўлишди-ми ё бу шунчаки лаҳзалик ҳолатми... Янга гапини бу жумлалар билан тугатди:

– Етим қўзи боқсайдим, агар у ургочи бўлса, ҳозир қўтоним тўла қўй бўлар эди... Мен етим бола боқдим, яна у эркак, оғзи бурним қон бўлди-ку... Ахир, менинг ҳам уйда бўй етган қизларим бор, девонада ақл бўладими, бир бало қилиб қўйсачи...

Тоғам илкис бир қимирлаб қўйди, чакка томирлари бўртиб чиқди. Тушундимки, бу ерларда укам учун ҳеч қанақа жой йўқ, уни олиб кетишим керак, ҳа олиб кетиш керак уни. Лекин қандай қилиб, ўзим бир хонали уйда турсам, бунинг устига фақат ойлик билан кун кўриб келаётган одамман, эҳ-эҳ нима қилиш керак? Укамни ташлаб кетишнинг имкони йўқ бўлса-да, олиб кетишнинг ҳам ёруғ томонларини кўролмаётгандим. Хотиним... У сиғдирмаслиги аниқ, бирор дўстим келса қовоқ-тумшук қиладию укам борса, тамом. Ота-она йўқ. Суянганимиз битта тоға бўлса, униям мана ҳозир кўз ўнгимизда янга вайрон қилди. Етим қўзи, етим... Бу калом бир умр тамғадай пешонамизга ёпиштирилган, бу ёзувни на кетказиб, на йўқотиб бўлади. Эҳтимол маълум муддат, худди чанг остида қолгандай кўринмаслиги мумкин, аммо ғубор артиб ташланса ярқ этиб пайдо бўлаверади бу тамга.

Бахтиқаро болалагим ўтган ҳовлига қарар эканман, негадир ўзимни ниҳоятда ғариб сезардим. Ҳа, мен ғариб эдим. Гарчи шу ҳовлида қишин-ёзин ишласам-да, қорним тўймаса-да, бирор ширин гап эшитмаган эсам-да, барибир бу ерда менинг бола-



лигим, кам, ожиз, заиф бўлса-да орзуларим бор эди. Бугун нимага эришган бўлсам (ҳар ҳолда республикага машҳур ташкилотда ишляпман) шу хонадоннинг ҳиссаси борлигини унутолмайман-ку. Демак, мен бу ерлардан жисман узоқлашсам-да, руҳан мудар талпинавераман...

Боғи тентакка борганимда қуёшнинг нурлари тоғнинг баланд чўққиларига урилаётган, кеч тушаётган эди.



Боғда ҳеч ким йўқ экан. Қушларнинг чийиллашию ва дарёнинг шовуллаб оқаётган овози эшитилиб турарди холос. Қаердандир, кимнингдир қурейт, қурейт деб қўй боқаётгани, ғажирнингми, калхатнингми чур-чури ҳам эшитилиб турарди. Бироз муддат боғни айландим, ўзи ҳозирги ҳолатимда юракка қил сиғмаса-да, ўтларга, дарахтларга боқиб ва ерга сочилиб ётган меваларни анча вақтгача босиб, бемақсад у ёқдан бу ёққа ўтиб турдим. Кекса тут дарахтининг шохида бир қуш – тумшугининг сариқлигидан майнага ўхшайди – инидан бошини чиқариб атрофга аланглай ва чийиллаб қўярди. Ҳуваридидаги олма дарахтининг остида бир кучуквачча гингшияпти. Ўша томон юрдим. Тўпикдан сал баланд келадиган майса устида икки кишининг узоқ вақт ўтиргани билиниб турибди, демак, укам шу ерда, мени кўрган, айтайин беркиниб турибди...

– Қўлга тушдингми, аждар, – деган овоздан кўрқиб илкис ортга ўгирилдим. Бир қиз... Айнан қиз бола, чўпон арғамчисидай илонни бўйнидан бўғиб, бояги майна турган дарахтнинг танасига

тортиб-тортиб ураяпти. Демак, укам шу қизни се-
вар экан-да... Ҳа, янга айтгандай қанжиқ эмас, би-
нойидай чиройли экан-ку... Қиз томон яқинлаш-
дим. Вожаб, қиз бениҳоя гўзал эди. Қизғиш лаби,
қора кўзлари, узун сочию, сал қизаринқираган юзи
ярашиқли турган эди... Қиз мендан заррача бўлсин
хайиқмай ўрнидан жилмай турар эди. Яқинлашиб
салом беришини кутиб турдим, аммо қиздан садо
чиқмагач:

– Салом, – дедим.

Қиз ҳамон ўша ҳолатда, лекин кўзлари мени кўз-
ларимга шунақанги қаттиқ қадалгандики, беихтиёр
нигоҳимни боя илонни урган дарахтга қададим. Аф-
тидан қиз кўнглимдаги барча гапларни билиб олди,
чунки унинг тийрак нигоҳини алдаш у ёқда турсин,
чап бериб ҳам бўлмас эди. Хўш, нима қилдим, мен
акасиман, у энди севаётган бўлса, мен уни туғил-
ганидан бери танийман, демак, укамга ундан кўра
менинг ҳаққим кўп. Ҳа, менинг ҳаққим кўпроқ экан.

– Қани у? – дедим қизга тикилиб.

Қиз жавоб бермай ҳамон ўша ҳолатда тикилиб
турар эди. Ундан жўяли жавоб олишимга кўзим
етмай атрофга аланглаб укамни чақирдим:

– Ботир, ҳой Ботир, қаердасан, сенга айтаяп-
ман, қаердасан Ботир...

Укамдан садо чиқмади. Овозим дарахтларга
урилиб, кейин тоғларда аксланди: Боо-тии-иир-
р-р. Йўқ укадан ҳеч қандай хабар бўлмади. Нима
қилмоқ керак? Ҳали-ҳамон шу савол бошимда
айланиб турар эди. Олиб кетайми ёки ўз ҳаётини
ўзи истаганча қураверсинми? Ҳозир ёз, кун ва тун



бир-биридан иссиқ, боғдами, тоғдами ётаверади, куз, қиш келса-чи, унда нима қилади? Бу қиз-чи... Бунинг отаси бор эди-ку, нега қизига индамаяпти, нега бир оғиз гапирмайди, қўл-оёғидан боғлаб омборга қамаб қўймайди... Тўхта... Маҳалла оқсоқоли нима деган эди: ҳа, ҳа, демак, қизни уйдагилар оқ қилган, ҳайдаб юборган, шунга... Эҳ, ука, нималар қилиб қўйдинг-а, ахир отаси қарғаган қиз билан оила қуриб бўладими? Бунақа қизлар бахтсизлик олиб келади. Ҳаётни ўйин билаяпсанми, ука. Агар билсанг, ҳаёт бешафқат, даҳшатли ҳаёт. Шу талотўпда тўрт мучанг соғ, бировдан тўрт сўм қарз бўлмай, бошинг омон юрганини ўзи қанча катта бахт эканлигини қачон биласан-а, ука. Улғайсанг-чи, улғаяқол ука... Мен сени деб ишни ташлаб келдим, ҳозир у ёқларда мени тоза сўкишаётган бўлса керак, ахир катта байрамни ташлаб келдим. Китоб байрамини ташлаб келдим-а...

Рости энди газабим қўзиётганди. Негадир қизга янгамни таърифи кўпроқ мос келаётганди. Ҳа, укамни шу бошини айлантириб олган. Мен биламан, ўзимдан қиёс: шу ёшгача бунақа бемаънигарчилик қилган эмасман, севгига яқин ҳам йўламаганман, бошидан охиригача азобни кимга кераги бор, ўзи ҳаёт, яшаш изтиробдан иборат бўлиб турган бир пайтда... Қизга бақирдим:

– Наҳотки, тоғлар орасида яшаб шунчалик енгил-так бўласанми? Укамни нима қилдинг, қани у, топ...

Вожаб!!! Нима бало, карми бу? Ё ўзини ме-ровликка олаяптими?

– Нима, гунг, ё кармисан? Сендан сўраяпман, жавоб бер... Жавоб бермайсанми, гапирмайсанми,



унда эшитиб ол, эшит: укамга, севгилингга айт, мен уни кўришни истамайман, истамайман, ўлиб кетсин, йўқ бўлиб кетсин!!! Эй, она, ўлар экансан, нега тугдинг бизларни, нега мени шу ярамас итбаччага ака қилдинг, нега?!

Жаҳд билан ортга ўгирилиб кета бошладим. Оёгим остида топталиб қолаётган ўт-ўланлар ҳам гашимни келтирар эди. Богдан чиқаётганимда, қизнинг тўхтанг, деган овозини эшитдим. У ҳал-соллаб югуриб келди ва йўлимни тўсди:

– Тўхтанг... Мен... Мен... Биз сизни кутаётгандик, укангиз: акам келади, мана кўрасан, бизга бутун дунё қарши турсаям, акам мени ҳимоя қилади, ахир у зиёли, шаҳар кўрган, одам танийди, бизни қаноти остига олади, ишон менга, шундай бўлади, дегани учун ҳам сизни – одамни – акани кутаётган эдик.

Шодмон кампирнинг набираси айтганида укангиз ишонмади, йўқ, деди, акам унақа эмас, мени – бизни ҳимоя қилади, деди. Лекин сиз шалвираб боққа кириб келганингизда, укангиз сиз яхши кўрадиган ўрикни ёнгоқ дарахти остига тўкиб қўйганди, акам келади, аввал ўрикни ҳаммасини ейди, тўймайди, айтишича сиз жуда кўп ўрик ер экансиз, кейин дарахтни силкитаман деб тепага қарайди, қараса ёнгоқ... Кейин қаҳқаҳа отиб кулади, сўнг мен чиқиб акамни қучоғига отиламан деганди. Сиз... Ўрикларни топтаб, босиб, дарахт шохига бир мартаям қарамадингиз... Шунда укангиз, эҳ акам ўлиб кетган экан-да, деб сизга кўриниш бермади, лекин мен сизга гапириб олишим керак. Мени отам оқ қилмаган!!! Отам мени сиздан, ҳаммадан кўра



кўпроқ тушунади. Қизим, шу етимни пайтавасини ювиб, хизматини қил, мен бутун дунёнинг миннатини кўтаришга розиман, деди.

Мен айтганингиздай тоғ орасидан ташқарига чиқмаганман. Дунёни тоғ, дарё, қушлар, китоблар ва укангиз, деб тасаввур қиламан. Ўша қорасоқол, кўксоқол амакиларингиз айтгандай давр ўзгаргандир, тил билиш, кампьютер ўрганиш урф бўлгандир, бунга қаршилигим йўқ, майли сиз айтаётгандай тараққиёт ҳам бўлсин, лекин ўша ривожланиш аввало кўнгилда бўй кўрсатади, рўй беради. Кўнгил – барча кашфиётларнинг онаси. Ҳайрон қолаётгандирсиз, қиз бу гапларни қаёқдан олди деб, гар билсангиз укангиз иккимиз ҳозир дунёни бошқаряпмиз... Ҳай шундай қилаяпмиз.

Укангизни айтишича, болалигингизда сиз тулки ниқобини яхши кўрган экансиз. Ҳозир бошқа бўлса керак деди, мана болаликдаги қизиқиш ҳамон сизни тарк этмаган экан. Опамнинг учта ўғли бор. Бири фақат тулки ниқобини яхши кўради, иккинчисига фарқи йўқ: айикми, қуёнми, аммо учинчиси эса укангиз сингари йўлбарсни ёқтиради. Сизда бошқа гапим йўқ.

Қиз йўлимдан қочди. Марҳамат шу йўл сизники дегандай бироз эгилди ва боғ томон одимларкан:

– Ҳа, укангиз бир гапни омонат деган эди, эшитиб кетинг: йўлбарслар ўз жуфтини ҳеч қачон ташлаб кетмас эканлар.

Қиз лип этиб боғ ичкарисига кириб кетди.

Мен эса...

...етим эдим...



КОПТОК

Бола йиғламасин экан, йиғладими тамом, на гапга кўнади, на дўқ-пўписага. Ширин гапирсанг ҳиқиллайди, жаҳл қилсанг баттар қилади: оёғини тапиллатиб ерга ургани-урган. Бир елкангдаги шайтон: сол, башарасига тушир, болаям шунақа рўдапо бўладими, деса, бу елкангдаги Раҳмон, шуни урасанми, шуни-я, фаришта-ку бу, увол, ура кўрма, осмоннинг устунлари зирқираб кетади-я, дейди. Худодан қўрқмасангу кўтариб ерга урсанг, қурбақадай вақиллаб қолса-да, кейин нима бўлса бўлсин, деб кетаверсанг. Буни қаранг, бурнидан оққан сувини-чи? И-й-й, ҳа десанг йиғласа, қанд, шоколад десанг яна йиғласа, нима деб овутиш мумкин, дунёнинг бу маҳмадонасини...

Олти соатдирки, Қосимнинг тилидаям, дилидаям шу гап. Болаям шунақа бўладими? Бу дардисарга қаёқдан йўлиқди. Шундоқ кетаверса бўларди-ку. Ўша, теракдай адл юришингни ҳозир биров кўрса борми: ҳа, Қосимбой, чи гап? Олам ба тинчликми, демайдими? Дейди. Кулиб, мазах қилиб, ўл-а, дейди. Сенинг бир вақтлар бурро бўлган тилинг, нималар деб жавоб бераркан-а? Ҳа, шундай кетаётувдим, бундай ўтсам, қандай қараганимни билмайман, кейин мундай, сўнг жиндай, оқибатда шундай бўлиб қолди дейсанми? Мана. Айтиб бўлсан. Хўш, айтдинг



ҳам дейлик, ким ишонади? Бўлмаган гап, яна бир ҳангомани етаклаб кетасан. То бу дунёдан насибанг кесилгунча. Бу ёғи энди, Одам Ато жаннатда ўғирлик қилиб қўлга тушган бугдойи бор-ку, ҳа, шу томоғингдаги ёнгоқдай нарса, ўшани яна қатталаштириб, ютиниб юравер. Ҳа, яшамагур пандавақи. Сени учратган кунларига минг лаънатлар бўлсин, тавба қилгани бўлсин. Қандай юрарди-я: икки қўл орқада, бош бироз осмонга қараган, йўқ, бу манманлик эмас, болалигида отаси, эгилиб юрма, букри бўлиб қоласан, деса, бу киши сал осмонга қарагану кейин ерга боққиси келмай қолган-да. Шу-шу одамлар уни гоҳ “раис” деб эркаласа, гоҳи “раҳбар” деб ардоқлашади. Ҳа, ўша осмонга бироз қараган бошингизни энди ерга эгишга тўғри келади. Йўқ дейсизми? Унда боланинг отаси итдай отиб ташлайди. Сиз тўю маъракасида хизматини қилган одамларнинг кўз олдида, балки тегирмон орқасидаги ёнгоққа боғлар, Отчопардаги янги қилган богингизга, эҳтимол, сал раҳм қилса, (раҳмга бало борми) тунда ҳамма ухлагач чақирару, остонангизга етар-етмас кўксингизга бир нарса тегар, аввал музлаб кейин қизиб, ачишиб... у ёғи энди болани отасининг иши. Нимани лозим кўрса, шуни қилади. Истаса отади, истаса қаматади, истаса қишлоқдан кўчириб юборади. Рад этмоқчимисиз, бекорга овора бўлманг, ўзингиз ҳам шундай қилардингиз. Эсингиздан чиқдими? Кичкинангизни опангизни тўнгич ўғли урганда нима қилгандингиз. Ҳа, шунақа гап. Бир йўлини топинг-да, болани отасига етказинг. Кейин осмонга қараган бошни топширинг... ота қўлига...



Қосимни ҳамма танийди. Тўрғай тургандан то укки ухлагунча кўчада. Утганни гапга солади, кетганни вақтини олиб ўтиради. Одамлар уни раис, раҳбар деганини айтдик, нариги қишлоқдагилар уни терговчи ҳам дейдилар. Бунга сабаб бор: қайси бир йили Қосим нарига қишлоққа тўйга борадию фалокат босиб шу борган куни Анвар бобони оти йўқолади. Унинг айби – отни қанақалигини айтиб бергани: бўйи биру етмиш см, йўрға, қора, думининг узунлиги бир метрдан сал ортиқ. Бор гап шу. Бобонинг тили ҳам анча қариб қолган эканми, қишлоқнинг бор бўйдоғию сўйлоғини йигиб ҳаммасини тоза бошини қотиради. Ушанда хотин-халаж ҳам отни излашга тушганди. Эр бериш осон эканми? Қамалиб кетса чапак чалиб қолаверади-да. Ниҳоят от топилди. Говчўл деган сайхонликда экан. Шу билан ёпиқлик қозон ёпиқлиғича қолди дерсиз, қайдан энди Қосимнинг куни қора бўлди. Ҳали у ёққа олиб кетадилар, ҳали бу ёққа. Бир хил савол-жавоб: сен қаердан биласан? Отни кўрганим йўқ. Ҳа, кўрмайсан, сен ўғирлаб кетмоқчи бўлгансан, кейин фикрингдан қайтдинг, нега? Эй, одам бола-си, мен қирдан ошаётганимда, отнинг изини кўрдим: уни бўйи бир метру етмиш сантиметр, йўрға, қора, думи бир метрдан сал ортиқ эди. Майли, сен сари борайлик, кўрмаган бўлсанг, бўйию думини қаердан билдинг? Юринглар, деб уларни ўша қирга етаклаб боради. Мана, дарахтни кўрсатади, қаранглар мана бу отнинг юнги шундайми? Менинг бўйим 180. Юнг илиниб қолган жой менинг бўйимдан ўн сантиметр паст. Изига келсак, бир-бирига яқин



тушган. Отам раҳматлининг оти ҳам йўрга эди. Йўрга отнинг изи шундай бир-бирига яқин тушади. Кейин думи. Мана бу ўт-ўланлар йўлдан бир метрдан сал олисда, шундайми, от ўтганда думини икки томонга супурги қилган, мана қаранг, мана бу майса, сал эгилган, бу гул эса синиб қолган. Сизларга яна қанақа исбот керак.

Шу билан уни тинч қўйишади...

Шундай синчков одам келиб-келиб бир боланинг олдида, чорасиз бўлиб турса, уят эмасми? Уят, уят. Бунинг башарасини қаранг. Кўз писка, лаб-лунжи осилган. Бети қоп-қора – кир. Кийимлари ҳам алламбало.

Ўша кун и эрталаб Қосимни Шавкат чақириб қолди: Суннат аканинг уйида ош бор экан, шу-шу, у-бу ошнинг бутун тафсилотию миридан-сиригача айтиб ва сизни тайинлаб юборди, деб гапини тугатди. Борди. Хизматни қилди. Қуёш ботишидан бир соатлар олдин маъракадан бир лаган ошни олиб қайтаётганди, шу фалокат босиб олдидан бир бало чиқиб қолди. Тепди. Боплаб тепди. Кейин пақ этди. Ёрилди. Ва йиғи-сиғи. Қани энди болани овутиб бўлса. Ошнинг ичидан майизларни териб берди, тупроқ билан битта бўлди. Гўштни берганди уни ҳам улоқтирди. Чўнтагидан тўйдан олган қандни тутқазди. Олдию лекин йиғи тугамади. Бекорга қанд эриб қўлига ёпишиб қолди. Нима қилишни билмайди. Аксига олиб кўчада одам ҳам йўқ. У-бу деб кўрди бўлмади, алдади, сал тинчидию икки қадам босар-босмас яна йиглади. Сўкиб берганди кетини ерга ишқаб, оёғи билан ерни тепиб чунонам йиглаб берди-ки, Қосимни ўзи қўрқиб кетди: бир



қарич тирмизакдаям шунча овоз бўладими? Кейин даст кўтарди-да, уйига югурди. Кела солиб хотинига машинани калитини олиб чиқ, деб ўдагайлади:

– Агар бу ярамасни ота-онаси сўраб келса, шаҳарга копток олгани кетди дегин, – деди-да машинага газ босди. Ортидан боласи ҳам йиглади. Машинани тўхтатиб, яна хотинига ўшқирди: – Ана-вунингни огзини ёп, ҳозир уриб ўлдираман. – Бола тинчиди. Машина жойидан жилди.

Мана, икки соатдирки, Қосим кўчада. Бола аввалига бироз тинди, машинага овундими, копток келишидан умидландими, энди машина бир жойда қотиб қолганини кўриб, яна йиглади. Дадамга кетаман, дадам мени йиглатмасдилар, деб хархаша қилгани-қилган. Ўчир овозингни, ҳозир бўрини олдига ташлаб кетаман. Дадалайсан, даданг суягингни ҳам топиб бўпти. Торт бурнингни, болаям шунақа расвойи олам бўладими?

Бола кўркувдан дир-дир титрар, бироз вақт ўтиб яна йиғига зўр берарди. Қосим умрида ёш бола билан биринчи бор юзма-юз келгандай, анграйганча тикиларкан, беихтиёр боласи эсига тушди. Ҳа, ўшанда кичик ўғли худди шу болакай сингари йиглаб келганди, ўз жияни урганини эшитиб жаҳлдан тушган, лекин вақти келганда албатта, ҳисоб-китоб қилишни дилига тутганди. Кутилаган вақт бўлганда эса, фойдаланишни ҳам эплаганига шу дамгача, бола билан юзма-юз қолгунгача фахрланиб юрарди, лекин ҳозир ўша ишидан афсусланди, унинг ҳам ота-онаси борлигини эслади, агар бир гап бўлганда опаси қандай ҳолга тушишини ич-ичидан ҳис этди.



Баҳорнинг сунгги ойининг иккинчи ҳафтасини тўртинчи куни эди, жиянни холи учратди. Юр, жиян боғга ток улайлик, биласан, тепаликдан қўрқаман деб, энди мўйлаби сабза ура бошлаган жиянини боққа етаклади. Массадан ток олишини айтиб дарахтга нарвон қўйди-да, жиянни тепага чиқарди. Қўлида сим тутган жиян юқорилар экан, ҳам қизиқар, ҳам тоғасига ёрдами тегаётганидан фахрланар, шунда кутилмаганда жиян учиб кетди. Кетди. Чалқанча бориб тушди. Тоға... ҳаммасини билар, билиб туриб шу ишни қилди-ку. Секин у сари одимлади. Қулоғининг остида ўғлининг шодон кулгуси жаранглагандай туюлди. Қилган ишидан мамнун бўлиб, жиянни қўшнининг боғига қараб судради. Зах, нам тортиб қолган бир хонага жойлаштириб, пайҳон бўлган ўт-ўланни тўғирлаб уйига равона бўлди. Кўчада утираркан, хаёли боғ томон – опасининг уйида. Йиғи-сиги бўлиб қолса югуриб бормоқчи, маъракада бош бўлиб, гўё шу билан биров билмаса-да дилидаги чигалликни ёзмоқчи бўларди. Ўша оқшом ҳеч қанақа йиғи-сиги бўлмади. Юрак ютиб опасининг уйига борди. Опа кўк сомса қилган экан, тўйиб еди. Туннинг ярмида жиян кириб келди. Афтангори бир ҳолатда. Она атрофида гирдикапалагу парвона. Бола бўлса нима бўлганини айтмайди. Нукул тоғага қарайди. Тоға бўлса кўзини яширгани жой тополмайди. Опа тоғага арз-дод қилди: бунинг одам бўлмади, на каттани, на кичикни билади. Қара, ярим тунда қаёқларда сангиб юрибди. Отам ўрнида отамсан, гапир, тергаб қўй, деди. Ҳа, бунингиз ҳаддини билмайди, қайси гўрда бўлсанг ётавермайсанми,



кеч бўлганда нима зарил, деб барчани ажаблантирганча чиқиб кетганди. Жияни зах ерга ётиб, токни намлик тортиб олганди, бахти кулиб тирик қолганди, бўлмаса...

Ҳозир негадир, жиянини ич-ичидан яхши кўришини, бағрига босиб кечирим сураш кераклигини ўйлади. Ҳа, гофил банда-я. Энди ақлинг кирдимидея, дейдиган марди-мардумни топиб бўлмасиз. Чексиз йўл, тун бостириб келаяпти, ёнида коптокдан бошқа дарди бўлмаган болакаю, бир замонлар отаси миниб юргич шалақ арава ва ўзи далли девонаю кўнгли билан. Бензин тугади, буям камдай уловнинг ҳам тоби йўқ. Ўн қадам юрса тиртирлаб қолади. Яна дунёнинг рўдапо боласидея билан қаёққаям борадию коптокни қаердан топади. Бу томонларда одамлар қуёш ботар-ботмас уйига етиб келади. Ярим кечаси катта кўчада танга йўқотгани йўқ. Энди нима қилдингиз, Қосимбой. Шу коптокни тепган оёғингизни кесиб ташласангиз авломасмиди? Қайданам, шу ошга бордингиз: ўл-а, бу кунингдан баттар бўл, нафсига қул мавжудот, дейдиган одам қани?

Туннинг кўриқчиси Укки сайради. Қаёқдандир бўрими, тулкими ниманингдир овози эшитилди. Қўрқмайсан-а? Юрагинг лўкиллаб турибди-ку. Кирасан, шалоқ арава бўлса ҳам машинага кириб оласан.

– Тур, эй, бола кетамиз.

– Қаёққа?..

– Йиғлама... – ҳозир шақолларни олдига отиб юбораман дегиси келдию, худди ўз боласини опичлаб олгандай оҳиста... – ўғлим, озроқ юрсак,



Аҳмад деган одамнинг сув тегирмони бор, ўша ерга етиб оламиз. Кейин бирорта йўловчи машина топиб шаҳарга борамиз, сенга зўр копток оламиз, хўпми?

– Онамга кетаман, уйимизга кетаман. Керакмас, ҳеч қанақа копток керакмас, кетаман... – деб бола яна йиғи бошлади.

– Оббо, боя копток, деб йиғлаб ётувдинг-ку...

– Керакмас...

Энди нима қилди. На у ёққа на бу ёққа юриб бўлади. Ортга қайтай деса, тонг отгунча ҳам қишлоққа етиб келмас, аввали кучи кейин юраги ҳам дов бермайди. Оч бўрилар изғиб юрган бўлса керак. Билади, ҳозир куз, жондор бу вақтда катта кўчадан юради. Тиканлар қотган – оёғига ботади, барглар шитирлайди – сездириб қўяди. Жондорнинг йўли – катта йўл. Демак, ҳозир лоп этиб олдиндан чиқиб қолиши мумкин. Олдинга юриш керак. Фақат олдинга. Жондор юраётган одамни олмайди: инсоннинг кўзида нур бўлади, бу нур ҳар қандай йиртқични қўрқитади. Бир вақтлар шу гапни эшитганди. Э, аттанг, битта гугурт бўлганида эди, латта-лутта ёқиб машъала қилиб кетаверардинг-да. Э, пишмаган калла.

Улар туннинг қора пардасини ёриб илгарилар, совуқ худди ўчакишгандай қаршилиқ қилар, бола совуқда пиқиллар, Қосимнинг эса дарди дунёси зимистон. Энди нима қилди? Аҳмад отанинг уйигача бир соатлик йўл. Хўш, борди дейлик, машина бўларканми? Копток-чи? Оёгим чўрт синсин мени... На-чора ҳамма ниятлар ҳам амалга ошавермайди. Ярим соатлар юрилганда бола яна йиғлади:



– Дадамга кетаман...

– Ҳозир борамиз, ўғлим. Сабр қилгин, мана етиб келдик... Копток ҳам оламиз. Кейин ўртоқларингга мақтаниб юрасан.

– Йўқ, сиз мени бўрининг олдига оборапсиз...

– Бу нима деганинг, ўғлим?

– Ўзингиз айтдингиз-ку...

– Сени бўрига бериб бўладими? Бўлмаган гап. Жаҳл устида деган бўлсам бордир, сен бунга парво қилма, хўпми ўғлим?

– Мени дадам бошқа... ўғлим деманг. Дадамга кетаман.

Қани энди буни овутиб бўлса. Ярим тун. Совуқ. Дарёнинг шовуллаб оқиши ҳам танга титроқ солар, азим дарахтларнинг шамолда чайқалиши худди қайси бир эртақлардаги манзарани эслатарди. Боладан совуқ ўтди. Йиғлаганда жағи бир-бирига тегиб галати овоз чиқарар, Қосимнинг юраги товонига тушгандай атрофга олазарак боқарди. Олифталика бало бормиди, битта тўнми, желакми кийсанг ўлармидинг? Ўзингга бало ҳам урмас, аммо бу норасида-чи? Агар бир гап бўлса, отасига нима дейсан? Копток деб еру кўкни бир қилганди, энди бўлса, уйга кетаман. Яна болани алдаб кўришга уринди:

– Ҳозир уйга қайтсак, кейин коптогинг бўлмайди. Ўртоқларинг ўйнаса, бир чеккадан қараб тура-санми?

Бола коптоксиз қолишни ўйладими, жим бўлди. Бундан авжи келган Қосим яна гап бошлади:

– Сенга қайси рангидан ёқади? Оқ бўлсинми ё қип-қизили яхшими? Ёки ола-була-чи? Шуниси



зўр-а? Менга шу ранги ёқади. Қизилини қизлар тепади, оқи лой тегса қоп-қора бўлиб қолади...

Бола тинчиди. Агар коптоги ола-була бўлса мазза. Ўртоқларига мақтаниб юради. Бунақаси Нодирда ҳам йўқ. Кейин... эртадан кечгача ўйнайди. Отаси... яна отаси эсига тушиб йиғлади:

– Дадамга кетаман...

Янами? Нега ахир? Нега? Нима учун?

– Ахир ҳозир келишдик-ку...

Бола баттар йигига зўр берди. Сирғалиб қучоғидан тушди-да, ерга ётиб олиб бақира бошлади. Кетаман...

– Майли, майли кетамиз... Бўлди, йиғлама, фақат йиғламасанг бўлди, кетамиз... Кетамиз, ўғлим, бўпти. Тур ўрнингдан, қара, ниманингдир овозини эшитяпсанми? Йиғласанг, иккимизни ҳам ғажиб ташлайди. Турақол энди, асфальт совуқ, тур ўғлим.

Болани яна бағрига босаркан, одимлади. Кам қолди. Озроқ юрса, Аҳмад отанинг тегирмони. Бирорта машина топилиб қолар. Боланинг отаси нима дейди? Гапирса ўзига, сўкса ҳам майли. Қайтанга ўғлига янги копток олиб боради. Шу хаёллар билан кетар экан, бола қучоғидан сирғалиб тушди-да, ортга қараб югурди:

– Сиз мени уйга обормаяпсиз...

– Тўхта, ҳой бола тўхтасанг-чи?

Юз метрлар югургач болага етиб олди. Бола типирчилар, қўлидан чиқишга уринар, мени алдаяпсиз, деб ғингшир, хуллас, Қосимга бўйсунмай қўйди. Болани маҳкам бағрига босаркан, ўзи ҳам йиғлаб юборди:



– Болам... Майли, чин сўзим, уйга кетамиз... Кетамиз.

Бола бироз тинчланди.

– Бир кун, катта одам бўлсанг мени англаб етарсан. Мен халқ ичида бировга гапини бермаган одамман. Ҳамиша, ҳар доим гапимнинг устидан чиқиб келганман. Фақат... Копток... Шуни сенга оборолмасам... ким деган одам бўламан... Майли, сени истагинг олдида, битта копток нима бўпти, бутун дунё арзийди-ку, полвон бола. Наҳотки, бир арзимас копток билан бутун бошли ҳаёт қадрини йўқотса... Кичкина болага гапинг ўтмас экан, керилмоққа йўл бўлсин. Йўқ, боланинг ҳаёти олдинда, у ҳали нурли манзилларни босиб ўтиши, бунинг учун ҳозироқ қалбида ишонч бўлмоғи керак. Шундай экан, бу мақсад олдида унинг раислигию раҳбарлиги бир чақа. Шундай. Ортга қайтиш даркор. – Қосим шуларни ўйлаб болага – Кетдик... – деди.

Қосим... болалари тоғдан олиб келган икки қучоқ ўтинни тўрт қучоқ, тўрт боғлам бедани олти боғлам қилар, қиш кунларидан кимнингдир ўтиними, бедасими тугаб қолса, уч баравар қимматга пуллар, одамлар бу худодан қайтган, у дунёси йўқ бунинг, деб маломат қилар, у бўлса, баттар бўлларинг, ёзда ётасанлар, қишда зўр келгач югурасан, ундан кўра ғамингни егин-да, дейди. Ҳозир шулар эсига тушди. Мен халқим учун қилардим, қадрига етсин, жони ачисин, кейин ёзда ётмасин, ишласин деб шундай қилардим, наҳотки, ҳаммасига шу бола сабаб жавоб берсам-а. Ахир ким деган одам бўлдим?



Ким бўлдим энди? Қани эди шу болакай тушун-
сайди...

Оқибатда... улар қишлоққа тонгга яқин кириб
келишди. Боланинг отаси сен билан эрталаб гапла-
шаман, деди. Қишлоқ бўлгандан кейин ҳар хил гап
бўлади-да. Начора, шу сабаб Қосим яна бошқа бир
лақаб олса не ажаб?

Тўрғай турмасдан олдин кўчага отланадиган
Қосим ўша саҳар чиқмади. Бир ҳафтадан кейин ҳам,
то умрининг охиригача. Болага отаси копток олиб
берди. Бола барини унутди, ахир у бола бўлса Қо-
сим эса, даврада гапини бермаган одам... кўп ўтмай
дунёдан ўтди...

Ўша йили қиш қаттиқ келди. Кимгадир ўтин,
кимгадир беда етмади...



ОТА

Пайшанба куни эди – буни ошхонада янгасига ёрдам бераётган тўққиз ёшли набира – Мардона айтди ва қайнона Рисолат момо бугун кечга синг-лиси Ҳикоятнинг келиши эсига тушиб, фило-остиди супурги боғлаётган Муродбой бобо то-мон одимлади. Ҳа, бугун пайшанба-я, деб хаёлга толди у, унга ҳозир пайшанбанинг сира аҳамияти йўқ, пайшанба муҳим кун эмас, аксинча, эрта жума эканлигини эслаб қолди ва Фурқат дўкончи билан учрашиш керак, дея ўрнидан туриб, дарвоза то-монга йўналди.

Дўконда одам кўп экан. Бугун пайшанба, эрта жума, бу икки кун ҳамманинг уйида тансиқ таом бўлади, меҳмон келади, эски дўст, жўралар йиғи-лади. Муродбой бобо шуларни ўйлар экан, кутиш кераклигини тушунди ва дўкон олдидаги тошни йўниб қилинган ўриндиққа ўтирди. Фурқат дўкон-чи отани кўриб каловланди: Жин урсин, эсимдан чиқибди-ку, энди нима дейман, э, яхши иш бўлма-ди-да, каллам қурсин менинг...

Отанинг олдига бориб кўришди. Бошини эгиб пулни узатди:

– Кечиринг ота, эсимдан чиқибди. Жуда-жуда афсусдаман, хаёлимда бор эди, кейин чалғиб кетиб-ман, ҳатто ўлчамиям эсимда эди-я...



– Биламан, ўғлим, бозор – ўз оти билан бозор. У
ғала-говурда хаёлдан кўтарилади-да...

– Эрта олиб келаман, ота...

– Хўп, хўп, сиз бемалол савдонгизни қилаве-
ринг, мен шу ерда пича ўтирай...

Муродбой бобо дўкончи кетгач кавушига қара-
ди: олмосдай йиртилган, нега бундай бўлди, у қан-
дай йиртилди, ҳеч ақли етмади. Эрта жума – намоз-
га бориш керак. Бу ёқда кавуши йиртилган...

Нишабликдан тўнининг узун барини қатлаб
олган Хидир калтанинг боши кўринди. У илдамлаб
Муродбой бобо томонга ошиқди. Қўшқўллаб кў-
ришаркан, лабини бир-икки қимирлатиб гап бош-
лади:

– Бугун районга тушувдим денг, кичкинанинг
шартнома пулини озроқ қисми қолувди, телпон қи-
либ, дада эртадан қолмасин, мени дарсга киритма-
япти, курсдошларимдан уяляпман, деди. Ола буқа-
ни етаклаб Турди даллолнинг уйига бордим-да, ма,
буни бозорга обориб сот, лекин, ҳозир менга шунча
пул керак, деб, ўғлим айтган суммани айтдим. Ўзи-
ни кўп тарозига солди, ҳе, дедим, ўлсанг сени ўзим
кўмаман, қанақа тобуткашсан, бўл тез, дегандим,
дарров чиқариб берди. Унинг феълини биламан-да,
ялинсангиз кетини тилла лаълига солади. Шу денг,
пулни қандай тўлайман, деб район марказида ту-
рувдим ўғлингиз келиб қолди. Ассалому алайкум,
тинчликми, нима қилиб турибсиз, дейди. Дардимни
эшитиб, қани машинага ўтиринг-чи, деди. Ўтирдим.
Банкка олиб борди. Ишимни битириб чойхонага
ўтирғизиб, қорнимни тўйдириб, таксига минди-



риб юборди. Зап, азамат ўглингиз бор-да. Илойим умридан барака топсин, яхши тарбия бергансиз-да, отахон. Илойим умрингиз узоқ бўлсин, деб яна бир бор Муродбой бобонинг қўлини икки қўлаб ушлаб нариги маҳаллага ўтиб кетди.

Ҳа, Хидирнинг гапи рост, ўғлим азамат йигит, дея ўйлади бобо. Болалигидан меҳрибон, камсуқум, танти бўлиб улғайди. Бир гал қаноти шикастанган мусичани тузатаман, деб бир неча кун дўхтирнинг ёнига қатнаганди. Қушчанинг тузалганида қанчалик шодланганди-я. Йигитлик даврида бир-икки ўртоғи билан тоққа бориб ўтин олиб келгани, боболар нега совуқ ҳужрада ўтирибсизлар, деб печка ўрнатиб ўтин ёқиб, хонани қизитиб бергани эсига тушди. Ўшанда Асомиддин мулланинг кўзи ёшланиб, илоё умрингдан барака топ болам, чин ота ўғил экансан, деб узундан-узун дуо қилганди. Шундан кейин бўз йигитларнинг ҳар бири масжидга ўтин олиб келишганди. Муродбой бобо шуларни ўйларкан, ўғлининг чин фарзанд бўлиб етишишига ўзининг астойдил машаққати, узун кечалар эртақлар, дostonлар ўқиб бергани, араб тилини мукаммал ўргатгани ва ҳикматлардан ёд олдирганини ҳозир тушуниб етди ва бу унга завқ бағишлади. Илоҳим, саломат бўлишсин, деб пичирлаб қўйди.

– Ассалому алайкум ҳожи ота, – деган овоздан хаёли бўлинган Муродбой бобо қаршисида болалигидан кўзойнак тақиб юрадиган, шоир бўламан, деб Тошкентнинг тупроғини кўп ялаган, ҳатто бир-икки шеъри газетадаям чиққан, кейин ёлғиз ўғиллигидан ўқиниб, ота-онасини кўзи қиймай қишлоққа



қайтган – ҳозир мактаб директори лавозимида ишлайдиган Собировни кўрди.

– Ассалому алайкум, устоз, – деди ота. Бобо ҳеч кимнинг саломига алик олмас, аксинча ўзи аввал салом берар, буни билган қишлоқдошлар отани кўрди дегунча салом беришга ошиқар, кўпинча олдин ота салом бериб қоларди. Ота Собировни яхши кўрарди, бунинг сабаби у бирор сўзни ярим-ёрти айтмас, тўғри талаффуз қилар, ўзининг таъбирича, сўзга жон ато этарди.

– Сизга ҳавас қиламан-да, ота, – деди муаллим оғзини тўлдириб, – бойсиз, ҳожисиз, ўқимишли, зиёли фарзандларингиз бор. Одамга яна нима керак? Фарзанд камоли – энг катта бойлик, шундай эмасми? Сизга бир гап айтсам ота, бу йил иккинчи ўғлингиз бор-ку, тадбиркор Нодир ака, ўша фарзандингиз мактабимизга мингта китоб ҳадя қилди. Улар орасида халқ оғзаки ижодиям бор, бадийий, илмий, фалсафий, жаҳон адабиёти, луғатларни санаб адогига етолмайсан киши. Ёғи-ғиҳ хазина. Эрта катта йиғилиш қилмоқчиман: ота-оналар, бобо-момолар, борингки, бутун қишлоқни йиғиб кўз-кўз қилмоқчиман, мана, кўринглар, орамизда шундай инсонлар бор, деб айтмоқчиман. Зарур, жуда зарур-да, деди, отанинг шу зарурмикан, деган эътирозига қарата, ўғлингиз шу мактабда таълим олган, мана шу ўқитувчилардан билим олган, у бизга бегонамас, мен сизга айтсам ота, китоб – энг зўр совға, ҳа бундай қиммат совғани топиб бўпсиз. Бунинг яна бир яхши томониям бор: болалар билимли бўлади, жаҳон адабиёти, санъати, борингки,



барча соҳалардан хабардор бўлади, энг муҳими уларда шу тупроққа муҳаббат уйғонади, эрта улар ҳам улғайиб, мактабига кўп ҳадялар қилишади, эшитяпсизми, ҳамма гап мана шунда. Яхшилик юқумли бўлади, ҳа, ота, жуда юқумли бўлади яхшилик деганлари. Энди менга рухсат, кечқурун ўқитувчиларни чақирганман, янгиликдан хабардор бўлишсин-да...

Собиров кетгач, отани яна хаёл олиб қочди. Ўғлининг қиқирлаб кулиши, ота кўрасиз, эҳ-ҳе, мен ҳали шунақанги катта агроном бўламанки, ўшанда сизни ўзим барпо қилган пахтазорларни, баргидан ҳосили кўп оламларни кўриб ҳайратдан ёқа ушлайсиз, ана ўшанда, ота, сизга катта раҳмат, менинг барча ютуғимнинг бош сабабчиси сизсиз, дейман. Тенгдошларимдан кам қилмадингиз, акамнинг эскисини кийсам нима бўпти, куткам бўлмаса бунинг нимаси ёмон, қишда туфлимдан сув кирса хафа бўлмайман, чунки сиз энг яхши отасиз. Фақат сизгина қаноат, сабр, меҳнат, билим, иймон асл бойлик эканлигини ўқтирдингиз. Мен шу эътиқод билан улғайяпман, насиб этса шундай яшайман, деганлари эсига тушиб отанинг юраги фахрга тўлди, ўғлини кўргиси келди...

– Мурод, бу ерда нима қилиб ўтирибсан, – деб кимдир ёнига ўтирди. Қараса, дўсти Жумабой экан...

– Шу ўзим...

– Эрта жумага бирга борамизми?

Муродбой бобо енгилгина қизарди.

– Албатта, насиб этса...



– Буни қара, – дея Жумабой қора пакетдан кавуш чиқарди, – ўғлим олиб кепти, курашдан. Ҳа, айтганча ўғлинг билан бизнинг Шокир – иккови бирга экан, мен қайтаман, хотиним туғиб қўйган бўлса керак, деб ўғлим қайтибди. Айтишича улар Деҳқонободга кетган, ҳа, ўшақдаям катта кураш бор экан.

– Ҳа, декабрь тўй мавсуми-да, – деди Муродбой бобо.

– Шу-шу... ҳа мана бу кавуш, оёғимга катта. Маҳси билан ҳам кийиб кўрдим, катта экан. Шуни дўконга бериб кетай, эрта ўғлимга дуо олмоқчиман. Пулим бор, барибир ўзининг пули ўзига бўлса яхши-да..., – деди андак сирли оҳангда ва бобонинг оёғига билдирмай кўз қирини ташлаб қўйди.

Муродбой бобо Жумавойнинг қўлида ялтираб турган кавушга тикилди: менга мос келса керак... лекин қандай қилиб... йўқ олмайман...

Жумабой дўконга киргач Муродбой бобо ўрнидан туриб уйига йўл олди.

Кенжаси полвон. Болалигидан шу касбга меҳр қўйди. Ўқимади. Мен полвон бўламан, деди. Мана, полвон ҳам бўлди. Сувқайнарликлар уни фахримиз дейишади, Қодир полвон бор экан, бошимиз баланд, қаддимиз тик дейишади. Бироқ эрта жума... Ота жумага бориши керак... Эсини танибдики, беш маҳал намозни қанда қилмади: бетоблигидаям, сафардаям, хатардаям ўқиди. Худо йўқ, деб айюҳаннос солинган дамлардаям ўқиди, айниқса, у жума намозга ҳар доим ўз масжидларига боради. Меҳмонда, олис шаҳарда бўлсаям етиб келди, фақат муборак



Ҳаж зиёратида етиб келолмади. Кўзининг ёши оқиб Маккада ўқиди. У жумани жуда яхши кўради: шу кун обдан покланади, бир тун олдин ухламайди, тонггача китоб ўқийди, бу кун дейди, одамнинг кўнгли-даям, кийимидаям нинча тешик бўлмаслиги керак, дейди ўзига ўзи. У ҳамма кунни яхши кўради, бироқ жумани... ахир эрта жума. У жума намозига бориши керак. Олтмиш йилдан ошибдики, шу куни болаларига, халқига, Ватанига, жамики одамларга дуо олади. Қишлоқдошлар эса буни билади. У эртага жумага бориши керак, бироқ кавуш йўқ – йиртилган. Кўнгилдаям, кийимдаям нинадек тешик бўлмаслик керак, бу унинг эътиқоди ахир... Бу ёқда болалари катта одамлар – қишлоқнинг қоялари... Лекин отанинг кавуши йиртилган. Агар, дерди ота хаёлан, эрта шу кавушни кийиб борсам... йўқ дерди хаёлидаги фикрдан кўрқиб, лекин жуманиям қолдиролмайди-да...

Эрта жума, дея такрорлашдан олдин менга қолса-ку ялангоёқ ҳам кетаверардим, лекин болаларим катта одамлар-да, деди ҳовлига кираркан.

Декабрнинг туни бениҳоя узун бўлади. Осмон кимдандир қаттиқ хафа бўлгандай тунд, биттаям юлдуз кўринмайди, қора совуқ шамол деразага урилар, гув-гув этган овоз кўнгилга ваҳм солар, бундай кечаларда уйқуям қочиб кетади, деди бобо пичирлаб.

Бобонинг уйқуси келмади: у ёнга ағдарилди бўлмади, бу ёнга ағдарилди яна бўлмади. Хаёли-



да бундан бир неча йил, отам кимга ўхшарди, деб онасига берган саволи ёдига тушди. Ўшанда шўрлик она: ота ўғилга ўхшайди, худди сени ўзгинанг эди, деб ўғлини бағрига босиб йиглаганди. Мана, ўша воқеага ҳам эллик йилдан ўтибди-я. Эллик йил, ярим аср.

У отасини кўрмаган. Онасининг айтишича у олти ойлик чақалоқ пайтида отасини урушга чақиради. Сени отга миндириб, ҳовлини уч марта айлантирган-да, сўнг ўғлим мен қайтаман, ўшанда яна отга минамиз, дея жўнаб кетган. Орадан бир йилдан ортиқ вақт ўтиб “Қора хат” келган. Ўша хатни ўзиям, кейинчалик мактабга бориб, саводи чиққач ўқиган, эсида қолгани: қаҳрамонларча ҳалок бўлди... ўшанда ўзининг қаҳрамон бўлгиси келган, эҳ-ҳе, хаёлида нима ишларни қилмаган эди-я. Шукрки, унинг замони тинч бўлди: оч қолди, бир парча нон учун тонгдан шомгача ишлади, лекин, уруш бўлмади, урушга бориб ўлмади. Барибир шунисигаям шукр қилиши керак... Шукр қилади. Отанинг бир номи қиблагоҳ, дерди онаси, узун тунлари эртақлар, дostonлар айтаркан. Ота рози – Худо рози, Ота ўтирган уйнинг томига чиқиб бўлмайди, деб гамгин бўлиб қоларди. Орадан йиллар ўтиб тушундики, у отасини ҳеч қачон кўрмайди, бир дастурхон атрофида ўтиролмайди, хизматини қилиб розилигини ололмайди, энг ёмони отаси уйини тўлдириб, ёстиқларга ёнбошлолмайди ва у ҳиссиз, шуурсиз қалин қор ёққанда томни бемалол кураб тушади. Энг ёмони шу... У шуни англадики, фақат қиблагоҳим,



деб хизматини қилиш, имонли инсон бўлиб, то-
ат-ибодатни бажариши мумкин экан. Ва йигирма
ёшлигида, ўша олатасир замондан бошлаб намоз
ўқиди. Ҳар сафар жойнамозга бош эгар экан,
қиблагоҳим, деб кўзидан оқаётган ёшларни тўхта-
толмайди. У то шу кунгача қиблага қараб, қибла-
гоҳини эслаб яшади...

Бугун эса... кавуши йиртилибди...

Битта кавуш-а...

Ўғиллари истаса қишлоқда кавуш заводи қу-
ради...

Лекин ҳозир отага бир жуфт кавуш керак, бир
жуфтгина...

Нима бу, деди ота ўйчан оҳангда, умрим шом
яқинлашаётган он Яратганнинг синовими?..

Обру мисқоллаб йигилади, ботмонлаб тўки-
лади.

Фарзандлари катта, жудда катта одамлар...

Ота тавба қилдим, тавба қилдим, дея йиғлаб
юборди. Баридан Сен буюксан, Сен улугсан, о,
Яратган танграм, мени кечир...Кечир мени...

* * *

Эртаси жумадан бир соат олдин Жумабой эшик
қоқди. Муродбой бобонинг қораси кўрингач, то-
моқ қираркан:

– Кетдикми? – деди.

– Ҳозир, таҳорат олайин, – деб ихтиёрсиз мус-
таҳабхонага бурилди.

Жумабой мийиғида кулиб, кайвони қаердасан,
дея хонадон томон юрди.



... Улар жума намозидан чиқишганда, кўчада кўприк олдидаги машинадан бир йигит:

– Кавуш келди, маҳси-кавуш келди, кеп қолинг, оп қолинг, – деб овозини борича бақириб харидор чақирарди.

Шу томонга иддамлаётган Муродбой бобога етиб олган Жумабой:

– Ахир ҳазиллашдим, деяпман-ку, ўшанда кавушнингни йиртигини кўриб, бир қитиғингга тегай, дея ўглинг бериб юборганини айтмовдим, гапим рост, аслида, сени уйингга бораётгандим, – дега-нига қарамай қадамини тезлатди ва сотувчидан бир жуфт кавушни олиб, маҳсисини ечиб, дарёга улоқтирди-да, оппоқ латтадан ҳафсала билан ўралган оёғига тўғрилади...



ТОҒЛАР ОРАСИДА

Қисса

Мен, бир неча йилки – эшитганда дostonни эслатувчи, афсонага йўғрилган, эртак сингари саргузаштларга бой ўша воқеани унутолмай яшаяпман. Ота-онамнинг ҳавойи қизиқиши, дунёни ўзгартиришга бўлган иштиёқи ва шуҳратга ўчилиги мени – саккиз ёшимда, янги йилдан бир ҳафта олдин, мактабимдан жавоб олиб, қошлари кўзларини ёпиб турган амакининг машинасига миндириб қишлоққа жўнатгани ҳали-ҳануз эсимда. То қишлоққа етгунимча, “Мен суратларимга шундай сеҳр жойлайманки, кўрганлар ҳайрат бармогини тишлаб қолишади”, – деган отамнинг дўрилоқ овозию худди шу виқорнинг акси онамнинг ҳам, “Ҳа, биз ҳали тасвирий санъат тарихида ўзгариш ясаймиз”, – дейиши қулоғим остида жаранглаб турганди. Ўшанда, уларнинг – уч кун ўтиб бу орзулари амалга ошаётган, чет эл сафарига кетаётган бир пайтда – аэропортга хабар бориб – менинг йўқолиб қолишимни – изимдан тоққа боришини билишмаган эди. Мактабда янги йил учун тайёрлаган саҳна кўринишимиз, менинг йўлбарс тимсолида саҳнага чиқишим, синфдошим оппоқ кийиниб юрадиган Лазиза билан дўстлашолмай қолишим, алам қилиб йўл-йўлакай йиғлаб борганим, қайтиб келганда ўша оппоқ – қорқизни эслатувчи



қизалоқнинг бошқа туманга кўчиб кетганини, бир неча кун гарангсиб, кейин унутиб юборишимни, олийгоҳга киргач биз тасодифан учрашиб қолишимизу ва бир умрга тақдир ипимиз боғланишини билмаганман ўшанда. Мен санъатшуносларнинг таъбирича – келажаги порлоқ ёш рассомларнинг кичкина арзандаси эдим.

Улғайган саринг, жисм билан қўрқув ҳам улғаяр экан, кўзи беркилиб қолган айрим туйғуларинг ниш ураркану лоп этиб юрагинг сатҳига қалқиб чиқаркан ва ўша олис йиллар сени қамраб олган қўрқувни етаклаб келаркан. Энди-энди ўйлаб қоламан: болаликда қўрқув бўлмас экан-да, ёки ақл нишона бермасмикан. Агар шундай бўлса, нега одамлар ақлли, доно бўлай, деб бир умр ўқишади. Билимдон қўрқоқ бўлгандан кўра, нодон ботир бўлган афзалмасми? Одам диёнатсиз ақлли бўлса кўп бало-қазолар ёғилиши, инсоният бошига минглаб кулфатлар солиши мумкин-ку ахир. Ҳа, диёнатсиз ақлли бўлиш – бу ёмон. Бомба, қирувчи самолётлар, ўқ, милтиқ – буларнинг бари ўша ақлли кишиларнинг ихтиролари эмасми? Эҳ-ҳе, буларни санаб адогига етолмайсан. Оламнинг, одамнинг тақдирини ўзгартириб юборган, Биринчи, Иккинчи жаҳон урушларини, тинч-осойишта кунларга чанг солаётганлар – ўша ақлли кишиларнинг тафаккур мевалари эмасми? Кўз ўнгингда тоғдан қулаб тушаётганми, машина остида қолиб кетганми, ёки бир гала бўрилар орасида талош бўлаётган кишига ёрдам – бу нодонлик эмас. Бу – ботирлик, мардлик ҳам дейилади. Лекин бу



ҳаракатни тентаклик, хўжакўрсинга қилинган иш, ўзини кўрсатиш дейдиганлар ҳам, афсуски, талайгина. Рост, ўша пайт бу қадар мулоҳазаларга бормаганман, ўйлашга вақтим ҳам, ақлим ҳам етмаган, фақат қандайдир куч мени муқаррар ўлим чангалидан қутқариб қолган. Унинг кимлиги, зўрми, нотапоним, кўрми, калми ё чўлоқми, буни билмаганман, тушунганим – у қаҳрамон, тамом. Мени бўрилар чангалидан қутқариб қолган қаҳрамонни бир вақтлар одамлар қишлоқдан ҳайдаб юборганиниям билмаганман.

Осмонга елкасини тираб турган тоғлар, шовуллаган шамолларга бош тебратиб қолаётган боғлар, камар бағрини ёриб кириб бораётган йўлда олдинга ҳаракат қилаётган машинада кетарканман, “Нега ўшанда йигирма беш йил олдин келганимда буларга эътибор бермадим”, дея ажабланганимда, хотиним, “Саккиз ёшли бола йигидан бошқа нимани биларди?”, деб кулиб юборди. Э, рост, ўшанда бу йўللardan йиглаб ўтгандим-ку... Ҳаҳ, болалик, болалик, йигидан бошқа ниманиям биласан?..

Машина тезлашар, отам тинмай табиат ҳақида кимдандир эшитган гапларини айтар, лайлақлар баланд учса қимматчилик бўлармиш, бургут ўзини қояга урармишми-ей... кулиб қўяман ва ширингина бўлиб ухлаб ётган етти ёшли ўғлимни бошини силайман.

Чамаса беш чақиримлар юргач отам машина ойнасини очди ва Сувқайнарнинг майин шабадаси юзимга урилди...



Тоғ...

Шу биргина сўз мени йигирма икки йил багрига чорлади, тушларимга кирди, оромимни ўғирлаб, бутун вужудимни қамраб олди. Гоҳ бобом бўлиб жилмайиб бошимни силар, гоҳи урчуғ йигираётган момомдай маъюс термилади, бўрилардай увилайди, Йўлчи мерган бўлиб кўзимга қаттиқ тикилади, Каромат опа бўлиб таёғини сермайди, Камол дарозга ўхшаб кафтини оғзига қарнай қилиб бақиради, Шокир бободай пичирлайди ва энг даҳшатлиси гордаги одам бўлиб қучоғини катта очади-да, булар – менинг болаларим, дея виқор билан гапирди. Кейин еру осмонни ўқ садоси босиб кетади. Итлар югуриб ҳуриб қолишади, бўрилар узундан-уzun увилайверади. Мен совқотиб кетаман...

Йигирма икки йил муқаддам саккиз ёшли болакай шу тоққа келган эди ва ҳалигача давом этаётган афсона, айнан ўша бола келган куннинг учинчи тунида содир бўлиб ўтганди.

Ушандан кейин бўрилар хоҳ чилла бўлсин, хоҳ бошқа пайт қишлоққа яқин йўламади, дейишаркан тоғликлар.

Қишлоққа кираверишда ясси камар олдида тўп-ланиб турган одамларни кўриб машинани тўхтатдик...

“Йўлчи мерган оламдан ўтибди”, – деди отам одамлар билан кўришиб, нима гаплигини суриштириб қайта машинага ўтираркан...

Йўлчи мерган оламдан ўтибди...



Йигирма икки йил нега қишлоққа келмадим? Мерганнинг ўлимини кутибми ё... Нега менга ҳеч ким айтмади: менга нима бўлган? Нега мени шунча йил тоққа юборишмади. Болалигимдан отам ҳам, онам ҳам бир гапни кўп такрорларди: сени бўрилар огзидан тортиб олганмиз... Тамом. Буни билардим, қоронғи хонада кимдир менга сув берган, икки болакай ҳам бор эди. Кейин бир киши кириб келган. Дехқончилик ҳақидаям гапирганди, сўнг бизлар ҳам одам, бегона эмасмиз, ухлайвер, дея, болаларини бағрига босганиям эсимда. Бироқ мен у ерга қандай келдим ва уйга ким олиб келди мени? Мана, шу савол мени йигирма икки йил ҳамроҳим бўлди. Отам билан онам мени ўша мудҳиш воқеани унутсин, деб қилмаган ишлари қолмади: спортга берди, чалғир эканман, муסיқадан муаллим ёллади, санъат ўша кунни унутишга ёрдам бераркан, турли-туман ўйинчоқлар билан хонамни тўлдирди: зора чалғисам, тил билган хор бўлмас, деб хориж тилларини ўргатди, ҳатто ёзги таътилларда ҳам иложини қилиб чет элга жўнатишарди. Ўзим истаган ўқишимни тамомлагач, севган қизимга уйлантиришди-да, чет элга ўқишга жўнатишди. Уларнинг ягона мақсади – мени тоққа бошқа юбормаслик. Тамом. Нима қилиб бўлсаям, тоғдан йироқ юрсам, хаёлимга келтирмасам, ўйламасам ва тоққа бораман, деб оёқ тираб олмасам бўлди. Отам билан орамизда шундай суҳбат бўлиб ўтди: Мен сени XXI асрнинг одами бўлишингни истайман, замонавий, ўқимишли, бир сўз билан айтганда интеллектуал. Тоғ, деб гапида давом этди, кенглик, улуғворлик, юракни ўстирадиган



жой, сен унга мафтун бўлсанг, барини унутасан, ўша ёқда қолиб кетасан. Ўзингиз айтганингиздек, менга ўша бағрикенглик керак, юрагимнинг торлиги, ўзимга ишончимнинг йўқлиги учун ҳам тоққа боришим керак, ахир менинг аждодларимни қадами ўша томонларда, сўнг улар яшаган жойларни ўз кўзим билан кўришни истайман, дедим мен. Отамнинг ёнига ҳар доимгидек маслакдоши – онам қўшилиб, мени фикримдан қайтармоқчи бўлди. Ўзининг тоққа бориб унинг расмини чизаман дегани, лекин, шаҳарни акс эттирганини, отам, шаҳар бўлибди-ку, деб кулганини айтиб, у ер ҳеч қизиқ эмас, ундан кўра, мана, фарзандлик бўлдинг, хотининг билан бирор мамлакатга саёҳатга бор, деди уч кун туғилиб ҳали исмиям қўйилмаган боламини эслатиб. Зўр, дедим, болам тоғни кўриши керак, биринчи фарзандим кўрмади, лекин буниси бориши шарт, деб қатъий қароримни айтдим. Узоқ тортишувдан сўнг, оқибат, қор ёғди, излар босилди, орадан шунча йил ўтди, эсидан чиққан деган ўй билан, мана ўттизга кирганимда мени тоққа олиб келишди.

Бироқ мен биринчи кунданоқ ўша воқеа билан қизиқдим...

Хўш, менга нима бўлган?..

* * *

Ўша кеча бўрилар узоқ улаган: эшакларнинг ханграшию итларнинг ҳуриши шундай ваҳима солганки, одамлар бир муддат қўрқиб ҳам қолишган. Кимдир милтиғини, бирови кетмон, таёқ олиб кўчага чиқишган. Бўрилар ҳамон қияликнинг қирра-



сида турар, қочишни хаёлига ҳам келтирмас, аксинча яна узундан-узун увлаганда, кимдир огилидан боқимга боглаган ҳукизини чиқариб суйган-да, бир путини дарёга улоқтирган, келган бало шунга урсин, деб одамларни тинчлантирмоқчи ҳам бўлган. Кўчага барча эркаклар йиғилган, осмонга ўқ отишган, кимдир тогорани доира қилиб чалган, бошқалари бақирган.

Орадан бироз вақт ўтиб, ниҳоят бўрилар азалий макони – тоққа қараб қочишади. Қочмади, аста-секин кетди, деган экан кейинчалик Шониёз танти. Шундан сўнг, одамлар бирин-кетин уйларига тарқалган ва бўлиб ўтган воқеаларга бироз қўшиб-чатиб, гапирган, албатта, ўзларини қаҳрамон қилиб, аёлларининг ҳавасини келтирмоқчи бўлишган. Бобом ҳам ўша мақтанган одамларнинг бири бўлиб, остона ҳатлаб уйига киришиданоқ момомга, ҳалиям зўр эканман, одамларни ўша томонга ўзим бошлаб бордим, чиқсам бари бошини эгиб турган экан, ҳой, бандалар нимадан қўрқасизлар, қани ортимдан, деб қияликка қараб юрувдимки, бўрилар қоча бошлади. Ҳа, қочишди. Улар қанча оч, йиртқич бўлмасин – барибир, одамдан қўрқадди. Одамнинг кўзида нури Муҳаммад бўлади, деб Шокир қора нақл ўқиди, бўлмаган гап, агар унинг дегани рост бўлса, нега мен боргунча битта бўриям ўрнидан жилмади, деб оёғини сандалга солиб аччиқ чойни хуриллатиб ҳўплаган. Момом бобомнинг ўша эски мақтанчоқлигини билар, қаригач бу одат касалликка айланиб бораётганини ҳам зимдан кузатиб, бирор чора тополмай юрар, эртаси қўш-



ни кампирдан, – эринг ҳалиям кўрқоқ экан, бир чеккага бориб ўтирибди, – дейишини билмас, лекин чолининг мақтанчоқлигини, худди кўз қаердалигини билгандай аниқ билар экан. Яна бошланди деб, қишки машгулоти – пахта чигитлашни давом эттираверган. Бобом бу йил қимматчилик бўлади, гўштнинг нархи кўтарилиб, деҳқонларнинг экин-текинида унум бўлмайди, дея кичкина бошини қимирлатиб, мош-гуруч соқолини ҳам силаб қўйган. Маллатоб гилофдан пичогини олиб, чинни пиёлага обдан қайраган, сочиқ билан уч-тўрт марта артиб, печка остида иссиқдан бироз бужмайган олмадан олиб эринмай, иштаҳа билан артган. Кейин қайси бир йили икки ўртоғи билан овга борганини мароқ билан ҳикоя қилган. Кийикни яралаганию ортидан қувиб тутгани, осмонда учиб кетаётган какликларни сочма билан битта қолдирмай ерга тутдай тўкканини ҳам қистириб ўтган. Кейин негадир хаёли чалғибми, бўрилар оч – бу йил қимматчилик бўлади, – деб такрорлаган. Мана, кўрасан кампир, – деган бобом, олмани тишсиз милки билан чайнар экан, – бу йил бир қўй нархига битта нон беради, ҳа, худди шундай бўлади, бўрилар сезгир келади, улар бекорга мунча узоқ увламайди, дея яна бир балолар ҳақида гапирган. Эрта ким қўй сўяркан, икки кило думба олиб келинг, манти қиламиз, деган момомга, хўп, тонг отса эсимга соласан, деб ўзи ташқарига чиқмоқчи бўлган. Кеч бўлди, ётсангиз-чи, ер музлаган, йиқилиб яна бир боло бўлманг, деб момом бобомни қайтармоқчи бўлган. Қўзилардан хабар олиб келай, музлаб қол-



ган бўлмасин тагин, деб бобом осма чироқни олиб қўйхона томон йўналган. Момом унинг ортидан жавраб-жавраб қолаверган. Қаригандаям мол-ҳол дейди, бу тушмагур, деб момом анча вақт ўзига ўзи гапирган.

Қўйхонага кирган бобомнинг бақирганидан бутун қишлоқ уйғонган ва олдин-кетин, узун-қисқа, кимдир таёқ, бири милтиқ, айрими пичоқ, қўлида шам, осма чироқ, гулхан ёқиб қўйхона томонга югуришган. Худди шу пайтда момомнинг эсига тушиб қолганман – шошиб ичкари, мен ётадиган уйга югурган. Менинг осма каравотим бўш бўлган, ана шунда момом ҳам дод солгану ҳушсиз йиқилган. Одамлар бобомга ёрдамга шошилган, қўлтигидан тутиб айвонга олиб келган. Кимдир юзига сув сепган. Нима бўлди, деб сўраганларга бобом, ёш боладай жавдираб, – қўзимни бўрилар олиб кетибди, – деган. Яна шу пайт кимдир момомни излаган ва ичкари уйдан ҳушсиз ҳолда топишган. Мени келганимни биладиган одам бу қўшнимиз – Йўлчи мерган эди. У ўрним бўшлигини билган ва мени ҳам бўрилар олиб кетганини оҳиста, деярли пичирлаб, лекин қалтираб айтган. Мана шунда одамлар билишганки, уларнинг қаҳрамонликлари жуда қимматга тушган, бўрилар шунчаки кетмаган, балки, бир ҳафталик қўзичоқ билан саккиз ёшли мени олиб кетишган...

Мен ва қўзичоқнинг йўқолгани маълум бўлгач, аввалига одамлар бир қалқиб тушган: Шокир ота, қўшнини уйига чиққандир, деб тасалли бермоқчи бўлаётганда, мени излаб қўшни уйига чиққан хабарчи, йўқ, кўча бошидан тортиб бу ёғи тегирмонга



довур сўрадим, ҳеч кимнинг уйида йўқ экан, деган-
дан сўнг тарвузи қўлтигидан тушиб, ой тўлибди-я,
деб тўнгиллаган эмиш. Болани бўри олиб кетгани
аниқ, дебди Каромат опа. Индамаса, бу киши аёл
боши билан, яна таёгини судраб бўрининг кетидан
боради, деб Исмат алкаш тиржайипти. Каромат опа
таёгини сермаган экан, ўртадан ўтаётган Шокир
отанинг елкасига тегибдию гурс этиб ерга қулабди.
Ўламан-ўламан, дея оёгини қимирлатармиш. Икки
киши отани уйига олиб кетибди. Бу, тоққа бор-
маслик учун, бўридан қўрқиб, баҳона қилди дейи-
шибди одамлар. Каромат опа тишини гичирлатга-
нини ҳамма эшитибди. Йўқ, бўри одамни олмайди,
балки, аврагандир, эскиларнинг айтишича илон,
аждар, бўри одамни аврармиш, илоннинг вишил-
лагани, бўрининг улагани қулоғига худди исми-
ни айтаётгандай эшитилармиш, кейин одам эсини
йўқотиб эргашиб кетаверармиш, деган Мардон
акага, эй, лофчи, ўчир овозингни, бўлмаган гап, эл-
ликка кирган бўлсам, бунақанги тайинсиз, тутуриқ-
сиз гапни биринчи эшитишим, деб атрофга қараб,
одамлар гапини эшитаётганига ишонч ҳосил қилиб,
бола, бўрининг кетидан кетмаган, балки, қўзичоқ-
ни излаб кетгандир, дея томдан тараша тушгандай
қилиб Йўлдош лайлак жавоб берибди. Одамлар бир
муддат жимиб қолибди, кейин кимдир, ҳўш, майли,
сиз сари борайлик, қўзичоқни излайдими, бузоқни
ахтарадими, майли деяпман-ку, дея бироз асабий-
лашиб давом этибди: бола қаёққа кетган ўзи. Биз-
га унинг нимани қувиб кетганимас, қаёққа кетгани
муҳиммасми, дебди деярли бақириб. Мендан ўтиб



ким бақирар экан, дея Камол дароз бўйинини чўзиб ўша томонга қарабди, кейин қироат билан шундай дебди: ҳозир, тепаликка чиқиб ҳамма одамларни тўплайман, кейин болани сўраймиз... Сенга Худо бўйдан бериб, ақлдан қисган-да, шу вақтда одамларни уйғотиш, бу қип-қизил тентаклик-ку, ундан кўра эрталаб қидириб кўрсак-чи, деб Баҳри калта-ям маслаҳат солибди. Ҳа, тўғри айтасан, калтажон, эрталаб борамиз-да боланинг ахлати ва йиртилган кийимини йигиштириб келамиз. Ҳамма овоз келган томонга қарабди, бу киши Йўлчи мерган экан. Бўлинглар, кимки иштонини ҳўлламаса, кетдик, тоққа борамиз, мен жондорнинг инини биламан, деб дарвоза томонга юрибди. Одамлар аввалига ҳам ҳайрон, ҳам саросимада тикилиб турибди, шунда Каромат опа, юрагида ёли бор киши эргаши-син, бўлмаганлар, ётаверсин катагида, дебди дўриллаб. Одамлар, шу аёл борса, биз бормасак, эрта бирор яримта эшитса, ҳўп кулгига қоламиз-ку, деганми, ёки бобомга чиндан раҳми келганми, ё бўлмаса, томоша қилишга завқланибми, нима бўлса-да, ҳамма мерганга эргашибди. Сен, қайтавер, биламан, ботир аёлсан, лекин болаларинг ёлғиз-да, деб мерган Каромат опани йўлдан қайтармоқчи бўлибди. Шу шаҳарлик болакайнинг ўрнида менинг болам ҳам бўлиши мумкин эди-ку, деб опа аҳдидан қайтмабди. Ҳай, унда ўзинг биласан, деб мерган тоққа – оқариб ётган чўққига бургут кўз қараш қилиб ва кетдик бўлмаса, деб тезлашибди.

Ўша кеча тун сутдай ёруғ экан. Икки кун олдин ёғиб, ҳали эрмаган қорни шамол эсиб қотирган ва



туннинг ойдинлиги шундан, дейишибди йўлда бораётганлар. Кеча шунчалик совуқ эдики, аввал бурнимга нина қадалаётгандай бўлди, бора-бора тошдек қотди, кейин менда олдин бурун бўлмагандай таассурот қолдирди, деган экан, ўша кеча тоққа бориб, кейинчалик шаҳарда бир ой даволаниб чиққан Камол дароз. Мерганнинг юраги отнинг калласидай бор-ов, дейишибди совуқдан қунишиб бораётган тоғликлар. Қаранглар, худди сайри боғ этгандай кетиб бораяпти-я, юрагида ёли бор, йўлбарсга тик қарайдиган йигит, деб шуларни айтадилар-да, дея мерганнинг тоза мақтовини келтиришибди. Мерган бўлса ортга қарамас, ўша бургут нигоҳи билан тоғни кўзлаб борар, гарч-ғурч овоз пошнаси остидан қочиб чиқар, қор парчалари ортга – Каромат опага қараб отиларкан. Олмалик деб аталувчи баландликка чиқишганида, шамол кучайибди. Бу ерларда, – дебди, анчадан бери жим келаётган, вақтида илми урфон излаб Бухорою Самарқанд тупрогини ялаган Чори домла, – саратонда ҳам совқотасан. Шамол сочингни ортга қайириб, нафасингни қисиб ташлайди. Болалигимда отам билан бу ерларга ўтинга келардик. Ҳе, у пайтлар мана бу кўриниб турган нишаблик – чакалакзор эди-да, лекин, отам ишнинг кўзини биладиганлар хилидан бўлиб, икки болта урар-урмас, қани бек болам, эшакни келтиринг, қайтамиз дерди. Мен то эшакни олиб келгунимча отам – тўплаган ўтинларини тахлаб қўяр, шошилмасдан эшакка ортар, кейин биз қишлоққа қайтардик. Қаранг, ўша пайтлар серсавол эканман-да, отам, кўп гапиргандан кўра тезроқ юрсангиз-чи, деб мени



кутиб турарди. Отамдан орқада қолиб кетаверган бўлсам керак-да. Э, домла, сен ҳозирам серсаволсан, дебди юзинг-кўзинг демай, бобоси тенгиларни ҳам сенсирайдиган Ғайби путузун. (пути узун). Одамлар маза қилиб кулишибди, домла жим бўлиб қолган экан, шўрлик. Шунда кимдир, тез юринг, яна орқада қолаяпсиз, дебди. Энди сени кутиб турадиган отанг йўқ, етиб олмасанг, бўри оёгингдан тортади-да, кетади депти яна Путузун. Мени отам сенламасди, бу лайлакнинг гапини қаранг, дебди қўшниси Баҳром қассобга. Энди кўраяпсизми, довдир-совдир юрибди-да, майли кўнглингизга яқин олманг, ҳали ҳисобни тенглаштирамиз, деб далда берган бўлибди қассоб. Бунча совуқ бўлмаса, деб Камол дароз бурнини ушлаб кўрармиш. Тошдек бўлибди, деб ёнма-ён келаётган шеригига қараб кулибди. Гулхан ёқиб, бироз исиниб олсак-чи, дебди кимдир. Шунда мерган, тез-тез юрсанглар қизийсанлар, жондор гулхандан қочади, кейин болани топиб бўпмиз, деб қадамини тезлатибди. Энди унинг оёғи остидан отилган қор парчалари тўғри Каромат опанинг юзига сачраркан. Чилланинг совуғи одамни икки соатда ўлдириши ҳеч гап эмас. Агар ҳаракат қилинмаса, тана тарновдаги сумалақдай қотиб қолади, деб мерган одамларни олдинга ундабди.

Улар Олмалик дўнглигидан ўтиб Эгар кўра деган ёқалама ёлғиз оёқ йўлга тушиб олишибди. Бу йўл шунақа эканки – нариги томондан кимдир келиб қолса, албатта бири орқага қайтишар, то – кенгликка довур йўл беришар экан. Икки киши ёнма-ён сигмас экан бу йўлдан. Бу йўлни ўлим сўқмоғи ҳам



дейишаркан тоғликлар. Айтишларича бобомнини болалик йилларида икки йигит ўзаро низога бориб қолишади. Бирининг отаси Сталин деган одамнини югурдаги бўлиб, қишлоқда нима гап бўлса, ким ўлди қачон, нима учун, нега, қаерда, кимлар бор эди, ким у, деган бир қанча саволларга жавобгар шахс экан ўша одам. Иккинчи йигитнинг отаси юз чоғли одам билан буларга қарши чиқади, авлиёсифат бир одам ўлганида митингми, питингми, нутқми шунга ўхшаш нима қиласан, деб марҳумнинг ўғлини тоза тинка-мадорини қуритади. Отам бир умр тоат-ибодат қилди, қандай қилиб жанозасиз кўмаман, деб атрофдагиларга нажот кўзи билан қарайди. Бировдан садо чиқмайди. Отанг, намоз ўқигани учунам шундай қиласан, бўлмаса борса келмасларга сургун қилиб юбораман, ана ўшанда кўрасан тоат-ибодат қанақа бўлишини, сенинг бу ҳаракатинг қуёш нуридан узун ва тўғри сиёсатимизга қарши, сени боқаётган мамлакатга нонқўрлик, тузқўрлик эмасми, деб ўдагайлайди. Шунда бир одам ўрнидан туриб, сени отанг онанг билан бирга бўлиб ғусла қилмаган, валади зино деймиз, сен – ундан ўтиб тушган бир даюсан. Ўз она халқингга қилган бу ишингни қани ким кечиран экан... Кейин оломонга қараб, бугундан бошлаб кимки шу нусха билан салом-алик қилса, ош-қатиқ бўлса, бир дастурхонда нон еса – ўзим ўлдираман, минг бир қийноққа солиб ўлдираман, дейди. Ана ўшанда, ур-тўполон бўлади, марҳумни жаноза ўқиб, кўмиб, эндигина уйга қайтаётган одамлар, кўчада аскарларга дуч келади. Қишлоқни қиёматқойим қўпади, дод солган ким, ўзини тўғри келган



уйга урган ким, тавба қилган ким. Бояги жанозани ўқитган одам ёлғизланиб қолади ва халқнинг кўз ўнгида уни отиб ўлдирадилар. Кейин ҳамма даюсдан кечирим сўраб, бошимиз ҳам сиз, худомиз ҳам сиз, деб тиз чўкадилар. Ана шундан сўнг не балолар келган, ҳаммасини шу даюс етаклаб келган. Кимнидир қизини бир ўнбошига, бировнинг сулув хотинини яна бир юзбошига бераверади. Оқибатда ори бор одамлар бунга тоқат қилолмай тоққа қочиб кетадилар. Бундан руҳланган даюс ҳаракатда – баракат, деб “оламшумул” ишларни энди кенгайтириб, солиқ, йўл пули, чой пули қилиб халқнинг қайнаб турган қора қазонини остидан ўтинни олади-қўяди. Одамлар эшакдай ишлаб, итдай кун кўрадилар. Даюс давradoшлари, охурдошлари кундан-кун кўпаяр, акси урганини қонун, кекирганини буйруқ, деб оламга жар соладилар. Огилини курадик, боғини обод қилдик, деворини уриб бердик, бир камимиз оёғини ялаш қолди, деган Ахрор учқур эртасига ном-нишонсиз ғойиб бўлган экан. Шундай қора кунлар бўлган экан-да. Одамлар ҳатто хотинига ҳам ишонишмай қўйган экан, ўша кезлари.

Бир кун қишлоққа қора шарпалар оралаб қолади. Ваҳима, қий-чув, қоч-қоч бошланади. Эрталаб маълум бўлишича, даюсни чавақлаб дарахтга осиб кетган эмиш... Ана энди томошанинг зўри бўлиб ўтган: қишлоққа шунчалик кўп одам келганки, оёқ босишга жой қолмаган эди, деганди бобом, фақат ўзигагина ярашадиган лофчилигидан фойдаланиб.

Ана шу икки йигит ўша даюс ва уни чавақлаган Холиқ полвоннинг авлоди бўлган. Ўша кунги воқеа-



дан кейин уни ҳеч ким кўрмаган. Айтишларича, қариб ўз ажали билан ўлган эмиш. Уни яқиндан билганлар эса, йўқ, у ўз ажали билан ўладиган одам эмас эди, у ўзини ўтгаям, сувгаям отарди, одатларга одатланмаган бир бало бўлганини, уни ё бўри ғажиб ташлаган ёки йўлбарс ҳамла қилган, дерканлар. Негадир, мен уни йўлбарс билан олишиб, қаттиқ жароҳатлаиб, табиб тополмай, кейин ўзини қояга уриб ўлдирган, деб ўйлайман, деган экан Йўлчи мерган. Ҳа, мерган табиатни яхши билади, одам туғилиб ўсган табиатидан айро бўлиши мумкин эмас, дея унинг гапини маъқуллабди Мўмин тегирмончи.

Ўша икки йигит ўзаро низога бориб йигинларда, тўй-ҳашамларда тўполон қилар экан. Бундан безор бўлган қишлоқ, бир кун икковиниям чақирибди-да, агар зўр бўлсаларинг, ростданам уришмоқчи бўлсаларинг, ана Олмалик билан Эгар қўра орасида бир йўл қилинглар. Биринг у томондан йўл очиб кел, биринг бу томондан бор, тўқнашган жойларингни, мана биз бориб ўлчаймиз, ким кўп йўл очган бўлса, ўша голиб бўлади, деб иккисини тоққа чиқариб юборганмиш...

Орадан бир ҳафта вақт ўтиб боришсалар... йўл солинган, лекин улар йўқ эмиш. Кечгача қидириб бирор нишона ҳам топишолмабдилар. Кейин одамлар маъюс бўлиб қишлоққа келибдилар. Ким голиб бўлган экан, деган саволга жавоб бермаганлар. Маслаҳат берганлар чуқур қайғуга ботишган, виждони қийналган, икки бўз болани ўлдириб юбордик, деб тоза ич-этини ейишган, шунинг учун, ўзларича голибнинг кимлигини айтмасликка қасам



ичишган, деган хулосага келибди қизиқувчи одамлар ва бу воқеани унута бошлабдилар. Бобомнинг айтишича, улар ҳалиям тирик, бўрига айланиб кетган эмиш. Чунки, ҳар йили бир бўри қишлоқни айланади. Лекин, зиён етказмай кетади. Менимча, бу ўша Холиқ полвоннинг ўғли, ҳа-ҳа, шундай, бўлмаса, оч бўри нега молга ташланмайди. Ўзим кўрганман, шу кўзларим билан кўрганман, эсингдадир, эшакни қидириб борганимда, бир бўри энди оламан, мана, оламан деб турган экан, худди шу пайт яна бир бўри пайдо бўлди ва шериги қочиб кетди. Кейин мен эшакни ҳайдаб келавердим. Изимдан то Қўлқудуқча эргшиб келганди ўша бўри, деган экан момомга деярли бақириб...

...Одамларнинг аксарияти кўнглидан шу хаёллар келибди ажал сўқмоғидан ўтаётганларида. Қоч ўлдинг, деб бақирган Ғайби путузунни таъзирини бермоқчи бўлган қассоб сал бўлмаса жарга тушиб кетай дебди. Ҳали шошмагин, ҳаворга борай энангнинг кўзингга кўрсатаман, деб қассоб қаттиқ таҳдид қилибди. Энам ўлганига ўн йилдан ошди, агар кўзимга кўрсатсанг, бир умр хизматингни қилардим, дея Ғайби ҳаммани кулдирибди. Анави кўрииб турган арчаларнинг пастки томонида бўрининг ини бор, – дебди Мерган Эгар қўрага етганларида. Қайси бир йили дейди Йўлдош лайлак, мерганнинг моли йўқолди, шунинг орқасидан куни ўтиб турувди-да, сағирни. Излаб кетди мерган. Икки ҳафта деганда иккита бўрибачча билан келди. Айтишича, она бўрини тутиб кетини тиккан экан. Шунда у оғриққа чидолмай узоқ-узоқларга кетар экан-да,



мана шунақа, ҳар балони билади, дебди у бўрининг
инини қаердан билади, деган баъзи бир кимсаларга.
Улар бир муддат ўша томонга тикилиб қолишади
сўнг шахт билан, бир қарорга келиб, жангга отил-
ган аскардай юрадилар. Йўқ, бўлиши мумкин эмас,
деган экан мерган инга етиб боргач, бетоқат бўлиб.
Бўрилар инини ўзгартирмаслиги керак эди, нега
улар бу ерга келмаган, ё мен адашдимми, деб атроф-
га синчиклаб кўз югуртирган. Шу чоғ кимдир, ана
у томонга қаранглар, дея пичирлаган. Лекин унинг
овозини ҳамма эшитган. Гулхан ёқинглар, тез, бўл-
маса баримизни қириб ташлайди, деб бақирган
Йўлчи мерган. Биз жуда қўрқиб кетгандик, деган
экан Камол дароз касал бўлиб ётганида кўргани
борган одамларга, ишонмайсизлар, эликдан ор-
тиқ бўри, худди пайкалда юрган деҳқондай бамалол
биз томонга келишарди. Мен умримда бўри кўрган
эмасман, бироқ бу битта эмас – бир тўда эди. Агар
бизга ташланса, бир бурдадан тегсак керак, деган ўй
ўтганди хаёлимдан. Энди ўйлаб ётибман: ҳар бир
қишлоқда битта бўлсаям ботир одам бўлар экан, ҳа
бўлиши шарт экан, бўлмаса, биздек қуш юраклар,
э, нимасини айтай, Мерган акани жуда яхши кўриб
кетаяпман. У... Фақат у биринчи бўлиб осмонга ўқ
узди ва бизга қараб, кимни милтиғи бўлса, бўрига
қаратинглар, милтиқнинг оғзида ўт бўлади, деди.
Милтиғи борлар шундай қилди, йўқлар қалтираб
тураверди.

Юраётганимда билмаган эканман, биз атиги
саккиз киши эканмиз, деган экан Қассоб, ҳей бир
замонлар ўтгач, гўшт дўконининг олдида това тош-



дан қилган ўриндиқларда ўтирган одамларга қарата. Жондорлар элликдан ортиқ эди-ёв. Қирда кети билан ўтириб бизга тикилиб турарди. Ўшанда тун сутдай ёруғ эди, мен уларнинг ингичка қулоқлариниям кўриб турардим ва ёнгинамда кимнидир иштонини ҳўллаб қўйганини ҳам сездим. Ким эди у, деб сўраганларга, эй, нима қиласизлар, марҳумнинг ортидан гапириш яхши эмас, деркан. Одамлар ўша кеча тоққа ким борганию улардан қайси бири ўлганиниям яхши билишаркан ва ақллию лекин қўрқоқ эди-да, пичирлаб қўйишаркан.

Кейин мени Каромат опа ўша Эгар Қўрадан то қишлоққача кўтариб келганини айтар экан. Ҳеч кимга бермади, қўйинглар аёлнинг бағри иссиқ бўлади, бола совқотган, дебди мерган ўшанда...

* * *

Мени Каромат опа кўтариб келган экан, лекин ким қутқариб қолган? Йигирма икки йиллик саволяна қалқиб чиқди: ким у? Мени ким қутқариб қолди. Кўзимни очганимда қоронгу ертўладами, қудуқдами, бир жойда эдим. Кимдир, қоронғуда кимлигини билмасдим, эркакми, аёлми ҳис қилмасдим ўшанда. Фақат кимдир менга нимадир тутқазиб, ичиб ол, деб ишора қилганди, тангадек ёруғлик тушмайдиган қоронгулик ичида. Бу нима, деб сўраганимда, ичсанг, отдай бўлиб кетасан, деб кулиб, ҳой, бери келинглар, дея кимларнидир чақирганди. Булар – менинг болаларим, Фарҳод, Кумуш деб болаларини мен билан таништараётганда хонага қозоннинг ҳажмича келадиган ёруғлик тушиб,



юзлари қорамтир бир одам кириб келди. Қўрқиб қолган, бироз ўтиб ўзига келади, деб одамнинг саволига жавоб берди. Одам негадир менга қарамай бурчак – қоронғулик томонга ўтиб кетди, бироз фурсат ўтиб ниманидир терисини устимга ёпаркан, қўрқма, бизам одамлармиз, тўғрими, деб менга сув берган кишидан гапини тасдиқлатиб олгач, қор қалин тушди бу йил, деҳқончилик яхши бўладими, дейман, қани, бери келинлар-чи, деди тик ҳолатда турган болаларига қараб. Улар – қучоғини очган одамга қараб югуриб қолишди. Кейин ҳушимни йўқотган бўлсам керак, қолган воқеалар эсимда йўқ. Кўзимни очганимда бобомнинг уйида иссиққина сандалда ётардим. Атрофимда тизилиб турган таниш-нотаниш одамлар, бобом, момом ва бошим томонда турган отам, менга тикилиб турган онамга кўзим тушди. Яна беихтиёр кўзимни юмганман. Қизиқ, ким мени бу ерга олиб келди? Ахир мен қоп-қоронғулик ичида, устимга қанақадир тери ёпилган, иккита нотаниш одам ва икки болакай билан бирга эдим-ку...

Бобом ҳам мени Каромат опа кўтариб келганини, лекин қаерда, қандай топганини ҳеч кимга айтмаганини, биз ҳам сўрамабмиз, қара, шуни сўраш эсимга келмабди, деди. Ҳа, улар опанинг қаҳридан қўрқибми сўрамаган, муҳими топилди, қаерда, қандай ҳолда топгани муҳим эмасдек, қизиги ҳам йўқдек бўлган.

Каромат опанинг уйига кириб борганимда опанинг тоби йўқ экан, қурпа-тушак қилиб ётган, кўз-



ларидан нур қочиб, юзи беҳад оқарган ва кишини беихтиёр сескантирарди.

Мен Алпининг кимнидир севиб қолганини билардим у лекин йигит кимлигини билмай гаранг эдим, деб гап бошлади хириллаб, ўзимни таништиргач, узоқ сўраб-суриштиргач, ўтган иш ўтди, энди нима қизиғи бор, мен билишим керак, кимдандир миннатдор бўлишим, керак бўлса, яхшиликка муносиб жавоб қайтаришим керак, деганимдан сўнг гапиришга рози бўлди опа. Қиз соб бўлганди. Ўзимча кимлигини билсам, бўйнига арқон солиб бўлсаям олиб келиб, қизнинг оёғи остига улоқтираман. Керак бўлса, қамаб қўяман, кундаям, тундаям ёнидан жилмайдиган қилиб қўяман, деган ниятда эдим. Қишлоқда гап тарқалгач, тушундимки, қиз кўнгила қўйган йигит катта охурдан емиш еган, анча-мунчани менсимайдиган, кимсан Оқилбойнинг арзандаси экан. Унга бировнинг гапи ўтиши амримаҳол, айтгани-айтган, дегани-деган бир валломатнинг боласи эди у кўнгила қўйган йигит. Бир тун Алпининг деразасини тикирлашидан чўчиб тушдим. Мен хушёр ётардим. Секин ўрнимдан турдим. Уларнинг ҳовлисини қоронғулик томонидан уйга яқинлашдим. У... Одил турарди... Мен келдим, деди титраб... Алпида ҳозир тил битганда гапирарди. Тил ҳам қаёққадир гойиб бўлганди. Сўзсиз турарди у. Йигит қизни бағрига босди. Сенга уйланаман, деди дағал овоз. Қиздан садо бўлмади. Нега индамайсан? Сен чиройли куласан, илтимос, яна бир марта кул... Сени шаҳарга об кетаман... Тўғри, у ёқларда тоғ йўқ. Кейин шамол ҳам бошқача эсади. Муҳими



бирга бўламиз-ку... Шу пайт кутилган шовқин бош кўтарди. Ҳовлига Олимнинг отаси бостириб кирди. Қиз туққанга минг лаънат! У нидо абадий жазо бўлиб янграгани. Бу нидо тамга бўлиб пешонага, йўқ юракка қадалди. Она ерни шапатилаб йиғлади. Ер нега мени кўтариб юрибсан, деб оҳ урди. Ўғил туққанга минг лаънат! Тарбия беролмаган – ўзимга яна минг лаънат, деб ота ҳам кўксига муштлади.

Бироқ бу пайтда улар орқа эшикдан чиқиб, кимгадир эргашиб кетиб бўлганди. Мен уларнинг ортидан эргашдим. Юлғунзоргача изма-из бордим, улар тўхтаб қолишди. Мен ўзимни панага олдим ва кузата бошладим. Йўлбошчи тезроқ бу ердан кетишни уқтирар, Олим ҳам унинг гапини маъқуллаар, Алпи бўлса нуқул тоғ томонга ишора қиларди. Хуллас, улар тоққа қараб кетишди.

Ҳа, шундай, улар шу тоғлар орасида яшайди, деди опа менинг наҳотки одам ҳалиям тоғда яшаши мумкин, деган саволимга жавоб бераркан. Ўша кеча бўрилар чангалида қолиб кетганимизда, Мерган бизларни тўртга бўлиб, тўрт томондан ҳимоя қилишни уқтирганди. Биз кўзимизни бўрилардан узмай уларнинг ҳаркатини кузатиб турардик. Шу талотўпда кимдир Ғайбини пастликка итариб юборди, унинг додлаган овози бўриларни бизга яна ҳам яқинлаштирди. Мерган жон ҳолатда пастга отилиб Ғайбининг оёғидан тутиб қолди. Мерганнинг қаҳридан қўрқиб барча унга ёрдамга шошилди. Мен сайҳонликда ёлғиз қолдим. Бу воқеалар шунчалик тез содир бўлдики, эсласам ҳалиям ҳайратдан ёқа ушлайман. Жондор бир қадам босса, бемалол ме-



нинг бўғзимдан оларди. Бироқ шу пайт қаёқдандир бир бўри келди ва жинсдошларини тишлаб ҳар томонга ирғитди. Бўрилар чор тарафга қоча бошлади. Шу чоғ қаршимда бир аёлни кўрдим. Кўзларида мардлик уфуриб турарди. Тун сутдай ёруғмасми, унинг ҳансираётгани, қўлларининг қалтирашини ҳам аниқ кўриб турардим. Пастдан ҳа, қассоб, мен сенга қўймидим итарасан, деган овоз эшитилди. Аёл шошиб болани қучоғимга бераркан ўзи ортга тисарилди. Алпи, дебман, шоша-пиша. У оғзимни ёпди. Унинг кўзида ялиниш, ҳеч кимга айтмагин, деган хавотир зоҳир эди. Мен унинг қўлидан маҳкам тутдим, йўқ, деди у, мен ҳеч қачон одамлар орасида яшамайман, илтимос, мени қўйиб юбор, ахир болаларим, эрим мени кутиб турибди, қўйвор деди. Беихтиёр қўйиб юбордим... бу пайтда одамлар пастдан чиқиб бўлишган, бўрилар тарқалиб кетган, Алпиям кетди. Одамлар болани кўриб мени қаҳрамонга чиқарар, мақтар, алқар, бири олиб, бири осмонга кўтарарди. Мен бир огиз гапирмас, гапиролмас, кўз ўнгимдан Алпининг ялинчоқ нигоҳи кетмас ва унинг шунча вақтлардан буён тоғлар орасида яшаб юрганига бир ишониб, бир ҳайратланардим.

Йўлда қайтаётганимизда мерган менга яқин келиб, кўрганингни бировга айтма, у тоғ фарзанди, шу ерларда яшаб юраверсин, дегач англадимки, мерган билган, кўрган, ҳа, у олдиндан уларнинг шу ерда яшашини сезган экан.

Айиқ овига борганимда ўқим хато кетиб, полвоннинг қаҳрига учрадим. Айиқ сандиқдай-сандиқдай тошларни отар, мен бўлсам, ўзимни пана-



га олар, биласан, маймоқ тошни тўтри отмайди, пахмоқлиги сабабми, отган тоши ёнлаб келади. Хуллас, нима қиларимни билмай гаранг эдим: милтиқни ўқлай десам, ёмғирдай тош ёғиляпти, қочай десам, биласан, у жуда тез чопади, нима қиларимни билмай қолдим. Шу чоғ кимдир ўқ узди. Айиқ қўлидаги катта тоши билан бироз муддат ҳайкалдай қотиб турди ва гурс этиб йиқилди. Икки газ чанг кўтарилди ердан. Мен нима бўлганини англолмай, гарангсиб турдим, сўнг хўшимни йўқотдим, кўзимни очганимда бошим томонда шу ўзимизнинг Алли турарди. Қўйинг-е, мерган бова, одамни уялтирдингиз-ку, мен сизни қаҳрамон деб юардим-а, деб менга суюқ аччиқ бир нарса ичирди. Ўрнимдан турмоқчи бўлгандим, мумкин эмас, қимирламанг, қўлингиз синган, қўймичингиз чиқиб кетган экан, ўрнига солиб зирк билан боглаб қўйдим, деди. Биз турган хона беҳад қоронги – гор эди. Орадан чорак соат вақт ўтар-ўтмас бир киши кириб келди. Кўзим қоронгиликка ўрганган эмасми, келган кишини танидим бу – Олим эди. Елкасидаги кийикни ерга ағдараркан, мерган ҳушингизга келдингизми, деб бошим сари эгилди.

Биз куйган гўшт ҳидидан иштаҳамиз очилиб, анча суҳбатлашиб қолдик. Мен Алпининг ҳомиладорлигию, Олимнинг ўқишни ташлаб шу тоғларда, ўша кетган кундан буён яшаб келаётганини ўз қулогим билан эшитдим. Ёзда тоғнинг нариги томонига ўтиб кетувдик, билсангиз у томонлар кенглик, чўл, бепоён дашт. Дехқонларга ёрдамлашиб бироз рўзгор қилдик. Мана, қаранг, дея буғдой қопларини



кўрсатди. Гўштан ғам йўқ, фақат туздан бироз кий-
наляпмиз. Лекин яқиндан буниям йўлини топдик:
билсангиз теракзорнинг кета-кетиши тотимзор
эди-я. Ҳа, бу томонлардаям шунақа дарахт бор экан.
Қайси куни бор мевасини териб келдик. Эътибор
бермаган эканман, итузумдан сал кичикроқ бўлар-
кан-да, ана ўшани қайнатиб сувини овқатга соламиз.
Ростдан ҳам кийик гўшти мазали, ҳатто бироз шўр
экан. Мени бир ҳафтача даволашди, табиатда сеҳр
кўп, даво кўп, биз бўлсак аёвсиз қираяпмиз. Қара,
бир ҳафта ичида қўлим ҳам битди, оёғим ҳам асл ҳо-
лига келувди. Мен ўшандан кейин уларнинг олдига
бориб турардим. Бир борганимда Алпининг кўзи
ёриган экан, бир ўғил, бир қиз кўрибди. Йўқ, деган-
ди Алпи, юр қишлоққа қайтамиз, ўзингни ўйлама-
санг ҳам чақалоқларга раҳм қилсанг-чи деганимда,
Худо умри билан берган бўлса яшайди, бўлмаса,
қасрдаям ўлиб кетаверади. Мен у қишлоққа ҳеч қа-
чон бормайман, девди қалтираб... Шу-шу ов баҳона
уларга у-бу нарсга олиб бориб турдим. Кўпроқ бола-
ларига кийим-кечак оборардим.

Ўша тун Ғайбининг додлаганидан сўнг беихти-
ёр кўзим Алпига тушди, мени кўзлаб келарди. Мен
жон ҳолатда ўзимни пастга отдим, чунки ўшанда
ҳамманинг кўзи менда, уни кўриб қолишлари мум-
кин эди. Пастда Ғайбини тортиб олгач одамларга,
шу ерда пича кутайлик, деб тутиб турдим ўзим уни
сен билан кўрувдим, деб ҳикоясини тугатди мерган,
дея Каромат опа кўзларини юмиб жимиб қолди.
Анча вақт ўтиб, ҳа, Алпи-я, нега мен сенга ўхшама-
дим, деб афсусланди ва унга ўхшаш мумкин эмас,



ахир у Алпи эди-да, бизлар бўлсак, кечикиб, маломат қилишга устомон бўлиб кетган тўда оломонлармиз... Шўрлик онаси нима кўрди бу томонларга келиб, ўша ёқда ўлиб кетсам бўлмасмиди, деб кўп йиғлар эди, дея кўзларини юмиб олди.

Мен секин ўрнимдан турдим...

* * *

Жўралар, деган экан Йўлчи мерган, агар менинг муқаррар ўлимим яқинлашса кутиб турманглар – отиб ташланглар деркан. Мен қийналиб жон беришни эмас, осон, худди менинг дастимдан нобуд бўлган қушлар, ҳайвонлар сингари ўлишни истайман, дея кўп тайинлар эмиш. Бобомнинг айтишича, ҳар даранинг ўз бўриси бўлади, худди қишлоқнинг оқсоқоли, раҳбари бўлганидай. Мерган, деркан бобом ҳаммага таниш соқолини тутамлаб, шу қишлоқнинг энг ёлдор одами. Агар билсанглар йилқининг энг зўр отини ҳутур дейдилар, мерган шу қишлоқнинг ҳутури, деб нақл қилар экан.

Йўлчи мерган кўрмаган бало қолмаган; тоққа кийик овига бориб, ўн икки кун қолиб кетган, айиққа ўқ узиб ўлдиролмагач, етти кеча-кундуз чақмоқ уриб ғор пайдо қилган камарнинг орасига кириб жон сақлаган. (Алпининг уйида қолганини қишлоқдошлар билишмайди.) Овчиларнинг айтишича, айиқни битта ўқ билан ўлдириш керак, зинҳор унга сочмадан фойдаланиб бўлмас, нега деганда, унинг юнги бир қаричга яқин бўлармиш. Бу қалинликдан фақат ёлғиз ўқгина ўта олиши мумкин. Айиқнинг энг нозик жойлари кўзию қўлтигининг ости. Икки-



сини ҳам нишонга олиш қийин. Шунинг учун кўп овчилар айиқ ўлдиrolмай, ўзлари тилка-пора бўлиб кетганини тоғликлар бироз ваҳима билан гапириб юришади. Йўлчи мерган ўшанда, айиқнинг қўлтигининг остини нишонга олган, бироқ айиқ бир қадам босмаган, оқибатда қўлтиқ ости очилмай, мерганни доғда қолдирган. Яна қайси бир йили икки дўст тоғ ошиб – нариги қишлоққа ўтишмоқчи бўлган. Қишнинг чилласи. Бу пайтда қор қалин бўлади. Чиллада бўри одамга тик келади, дейишади кекса тоғликлар. Ўшанда икки дўст тоғдан ошолмай, қалин қор орасида қолиб кетишади. Бири эмаклаб қишлоққа қайтади ва дўстининг қолган жойини айтадию ҳушидан кетади. Кейинчалик ўша йигит чўлоқ бўлиб қолган экан. Оёгининг қаеридандир кесиб ташлаган эмиш. Тогда қолган йигитни топишга бутун қишлоқ чиқишади: қор белга доғур келар, отлар ботиб қолади, шамол бўлса, бемалол одамни кесиб кетиши мумкин эди, деган экан тоққа чиққанлар ўшанда. Одамлар айтилган манзилга етолмай чувалишиб қолганини, баъзисини боди уриб йиқилганини, айрими совуқда музлай бошлаганини, бироқ кутилмаганда, Йўлчи мерган силлиқ белбогини оёгига боглаб тепага ўрмалаганию, айтилган жойга чиқиб ёғочдай қотиб қолган йигитни топганини тоғликлар анча вақт ҳам ҳайрат, ҳам қўрқув билан гапириб юришган экан. Айрим бобомга ўхшаган лофчилар, Қоплондарада мерган қоплон билан олишган, бўйнидаги чандиқ ўшандан қолган дейишса, баъзилари, йўқ, Оқ дарада йўлбарс билан курашга тушган деса, бошқаси, бўлмаган гап, бурноғи йили, айиқ овидан қайтдию ўн



кун кўрпа-тушак қилиб ётди, сўнг яна тоққа кетди, эсларингда бўлса, айиқни оёғидан тортиб келувди, мен мерганнинг тиртиғини ўшанда кўрганман, аниқ у айиқ билан курашган, дея йиғилганларни жим қилиб қўяркан. Мерган ҳақида қишлоқда ҳар хил гаплар юради, энг қизиғи шуки, мерган уйланмаган. Нега уйлансин, бунингга ватан борми, эрта-мертан шақалми, бўрими еб кетади буни, шунга, бу уйланмайди. Сўгин бунга кимам қиз берарди, деркан Сафар кокилдор.

Мерган ўлди-кетди, лекин кейинги пайтда тоғдан бери келмай қолди, одамлар ўлдирган ҳайвонларининг қони тортаяпти, бир кун шу одам тоғда ўлади, деган экан бобом дастурхон бошида худди сигиримиз кеча келмади, ёки эшак арпасини емай қўйди оҳангида. Шу лофчи бобонгга бир гап бор, деди амаким, қара, ҳеч қанча вақт ўтмай, мерган тоғда ўлди. Яхшиям чўпонлар бор, гажир кўп айлангач келиб қарашса мерган милтиғини кўксига тираб ўлиб ётганмиш. Кимдир ўзини ўзи отган деган эди, қассоб ўрнидан туриб, шу гапингга катта энангни шафтоли қоқисини ебсан, деб сал бўлмаса уришиб кетаёзди. У ўзини ўзи отмаган дейди бобонг, милтиқ тозалайман деганда, ўқ отилиб кетган. Ҳа, шундай бўлган, деб гапини маъқуллаштишни яхши кўрадиган бобонг давом этди: ўзи кейинги пайтларда ҳардам-хаёл бўлиб қолувди. Шу, буни кўп эшитганмиз, милтиқнинг ичида ўқ бўлган, тозалайман дегану пақ этиб отилиб кетган деса, ёнида ўйсираб турган Шокир ота отилиб турибди ва бобонгни бошлаб сўкибди. Мана, қолган гапларни ўзинг эшитяпсан, лекин



нима бўлгандаям, мерган тоғнинг одами эди, ўзини ўзи ўлдирганми, милтиқ отилиб кетганми, ё бирор киши қасддан қилганми, бари тақдир – азал. У энди йўқ. Шундай моҳир овчи, бағри дарё одам энди йўқ. Худди ўзи айтганидай жасади тоғ бошида қолиб кетди. Бу ҳақдаям кўп тортишув бўлди, охири: тоғда қолиши керак, деб ўйлади одамлар. Ўз жони, жасади билан қарзини узмоқчи бўлган, деди Шокир ота.

Ўша сен йўқолиб қолганда шу мерган одамларни бошлаб борган-да. Амаким шундай деб, ўшанда ўзининг ўқишда эканлиги, бўлмаса бўрига мени бериб қўймаслигини қистириб ўтди ва менинг хаёлимга бобомдан бироз мақтанчоқлик ўтибди-да, деган фикр келганини билди чоғи, майли-да, муҳими саломатсан-ку, деди.

У зўр қиз эди, биздан уч синф юқори ўқирди, деди амаким хаёл суриб, Алпи хола ҳақида нима билсангиз гапириб беринг деганимда. Нега унда у тоғда яшайди, даганимда, қаерни истаса ўша ёқда яшайверади-да, деб ўрнидан туриб, дарахтнинг қуриган шохларини арралашга тушди. Мен индамасдан унинг ишига тикилиб туравердим, амаким мен томонга бир-икки қараб қўйди, яна ишига зўр берди, кейин чарчадим, зерикдим, ёнимга келиб ўтирди. У шунчалик яхшими, деди. Ҳа, у жудаям яхши, дедим, онангдан ҳам яхшими, деб кўзимга тикилди. Мен жавоб бермай, қўлимдаги ёғоч билан негадир ерга Алпи деб ёзибман, амаким кулиб юборди. Ҳа, деди, менам, ҳа, дедим. Юр сени бир жойга олиб бораман, деб юриб кетди. Мен унга эргашдим.



Биз қишлоқни кесиб ўтган дарё ёқалаб кетдик. Бир томонда дарё шовуллаб оқар, нариги қирғоқдан бошланган, меваси шўр, тоғликлар тотим, дейишади, дарахтлар шамолда тебраниб туришарди. Дарёнинг бу – биз турган соҳилида қатор теракли боғлар барпо этилган. Ўртадаги йўл кичик – қумтошлар билан текисланган, тоғликлар бу йўлни асфальт дейишаркан. Шамол тоғ ҳавоси ва сувнинг зарраларини юзингизга уради – танингизга енгилгина салқинлик югурар, бу йўлдан, ҳеч бўлмаганда, кунига бир марта ўтиш керак, дейишни яхши кўраркан тоғликлар. Айқириб оқаётган дарёга қараб қолганимни кўрган амаким, агар баҳорда келсанг, бошинг тиниб кетади, сув ўзани ҳув, анави ергача боради деди, камарнинг қизғиш тусга кирган жойини кўрсатиб. Кечга томон шунчалик катта бўладики, беихтиёр юрагингга ваҳм оралайди, деди ҳайратимни ошириб. Болалигимизда анави кўриниб турган камарлар бор-ку, ўша ёққа борардик. Бир сафар даданг, мени шу ерга ташлаб кетаман, деб юрагимни ёрган, мен, бола бўлганман-да, роса йиглабман, шу-шу, даданг тилимни қисиб юарди. Ҳа, уми, у ҳам шу томонларда чопиб юарди, дея Алпи холаям бу ёқларга келармиди, деган саволимга жавоб берди амаким. Лекин у бошқача эди, қандайдир ботирмиди-ей, бир кун даданг билан гаров ўйнаб, мана шу дарёдан кесиб ўтган. Ҳа, анави ердан ўтувди, деб дарёнинг энг тезоқар томонини кўрсатди. Нега энди, у яхши сузарди, деди, оқиб кетмасмиди, деб сўраганимда. Амаки, у нега тоққа чиқиб кетган, деб яна саволимни такрорладим. Шошмай тур, ҳей,



у ёққа борайлик айтиб бераман, деб амаким боғлар тутаб, чексиз тотимзор томонга бошлади мени. Э, сен-е, катта йигит бўлиб қолибсан-да, а, ўшандаям ўн йилдан ошди-я, деб савол берган амакимга йигирма икки йилу етти ой бўлди, деб жавоб бердим. Амаким ҳайратланиб қарар экан, рост, шунча бўлди, деб ниманидир чамалади. Ҳа, тўғри, шунча бўлибди, дея такрорлади.

Даданг билан Алпи бир синфда ўқишарди, дея ҳикоясини бошлади амаким. Даданг келишган, юзи оқ, қошию сочи қоп-қора, ҳўп азамат йигит эди-да, ўн саккиз-ўн тўққиз ёшларида. Яширмайман, акам бўлсаям, бир неча марта ҳасад қилганман, кейин бу ишимдан узоқ вақт қийналиб юрганман. Даданг қайси кўчадан ўтса, ўша кўчанинг қизлари бетоқат бўлиб қолишар, йигитлар урмоқчи бўлиб тўдалашар, лекин даданг ҳам анойилардан эмас, биттасидан ҳам кўркмасди, бир ўзи йўлбарсдай юраверарди. Шу бола кўчамизга ораласа қизларимиз ухламайди, деркан оналар бир-бирига. Бир куни ўшанда, кеч куз эди, даданг ўқишга кирган, қишлоқда анча обрўйи баланд бўлиб, отам ким биландир гаплашиб пахта теримидан озод қилгану қишлоққа олиб келганди. Иккимиз мана шу тотимзорнинг тепасидаги чакалакзорга ўтинга келувдик. Даданг то мен икки эшак ўтин олгунча қўлини бошининг остига қўйиб осмонга термилиб ётувди, бўл энди, битта мен ишлашим керакми, десам, эй, ука, дунё ўтаяпти, эрта қариймиз, бундоқ ўйлаб кўрсам, арзирли иш қилмабман, деганди. Мен албатта, унда ёш бола эдим, бу гапларни тушунмаганман, шаҳарда – шу нарсалар



ҳақида ўқитаркан-да, деб ўйлаганман, ҳатто унга ҳавасим ҳам келган. Уйга келгач, отанг овқатланмай кўчага чиқиб кетди. Уйгаям кеч қайтди, отам бирор нарса демади, ҳа, ўқиган одамга ҳеч ким бирор нарса демас экан-да, қандай яхши, менам ўқийман, дея ният қилувдим ўшанда.

Ярим кечаси кимдир деразани чертиб қолди, мен ухламагандим, акам ўрнидан аввал менинг бошимга эгилди, мен пишиллаб, ўзимни ухлаганга солдим, у мени ухлади, деб ўйлади, шекилли, аста деразани очиб ташқарига чиқди. Мен секин ўрнимдан туриб унга эргашдим, биз орқама-олдин қоронғулик бағрига кириб боравердик. Акам мени билмас, мен ҳам ўзимни панага олиб, сезиб қолишидан чўчиб борардим. Бир маҳал биз қишлоқнинг асфальт йўлига бошлайдиган сўқмоққа чиқдик. Қизиқ, дадангдан олдин яна бир шарпа ҳам борар, оралари ўн қулоқ олис бўлиб, улар нимадир гаплашарди. Қанчалик қулоқ солмай битта гапиниям эшитмасдим. Бир маҳал даданг шарпага етиб олди, мен ҳам уларга анча яқинлашиб қолувдим. Улар дарё бўйига тушишди, мен катта тош панасида ўтириб, уларнинг гапига қулоқ солардим. Келганинг учун раҳмат, дерди шарпа, бироз ҳадиксираб, мен нима қилишимни билмай қолдим, хабаринг борми-йўқми, қишлоқда бир дунё гап-сўз, онам ҳар кун бошимда ёнгоқ чақаяпти, юрсам ўпоқ, турсам сўпоқ дейди, деди шарпа. Сен ўқигансан, кўп нарсага ақлинг етади, мен нима қилай энди? Ўзи нима гап, мен кеча келдим, беҳабарман, деган акамга шарпа деярли шивир-



лаб, мен анави Олим арзандани севиб қолганман, жинни бўлишга довур бордим, у бўлса нуқул от миниб у ёққа ўтади, бу ёққа ўтади. Ҳа, у ҳозир ўқишга кетган, шу ёзда каникулга келганида бир балолар бўлиб кетди. Даданг икки қадамлар ортга тисарилди, мен тош ортига деярли кириб кетдим. Нима бўлди, деб савол берган акамга у йигит билан қиз ўртасида бўладиган иш бўлиб ўтди, тўғриси, ўзим ҳам кутмагандим ҳаммаси лаҳзалар ичида содир бўлди, дея жавоб берди. Хуллас, Қодир чавандознинг отини миниб келаётгандим, билсанг шу чавандоз мени шогирд қиламан, деб онамга ҳам бир-икки айтувди. Онамни биласан, отдан Азроилдан қўрққандай қўрқади. Онам унамаган бўлсаям, чавандоз мени ўғринча чақириб, ма, миниб ол, майли, чавандоз бўлмасанг ҳам, совутиб бер, дея отнинг жilовини қўлимга тутқазарди. Ушанда отни совитиб шафтолизордан қайтаётувдим, лоп этиб олдимдан чиқиб қолса бўладими? Ўзи, олдиндан шу бола менга ёқарди, ғойибона яхши кўриб юрардим, юрагим шув этди, ҳатто енгилгина қалтирадим ҳам. Ҳой, сен қиз, айтишларича зўр кўпқари чопаркансан, кураш тушишни ҳам қойиллатади, деб эшитдим, шу ростми, агар рост бўлса, бир беллашиб кўрмаймизми, нима дейсан, деди дабдурустан. Мен аввалига бироз ҳаяжонланиб турдим-да, кейин енгилсанг нима қиласан, дедим. Агар сендан енгилсам, қайтиб от минмайман, деди у ҳам. Менга унинг бу гапи ёқди. Отимни чаппа қўяман, бирор ёққа кетаман, дегандан бу яхши эмасми? Юрагим сув кетган-да шу болага.



Биз аввалига бир маррани белгиладик-да, ярим йўлда мен рўмолимни қўйдим, ким шуни олдин олса, ўша ғолиб бўлади, деб шартни айтдим. У розиман, деб отига қамчи босди. Қара, доим айтганимни қилиб юрган отга бир бало бўлди, жойида туриб қолса бўладими, чух, дейман, юр дейман, олдинга бир қадамам босмайди. У бўлса, рўмолни олди. Хўрлигим келиб, лабимни шунчалик қаттиқ тишлабман, қон сизиб чиқди. Энди кураш, деди, отининг жиловини тортаркан. Мен қиз бўлсам ҳам мардман, буни сен яхши биласан, аҳдим қасамдай менинг. Агар кўзинг тушган бўлса, шафтолизорнинг сой томонида катта ҳавор бор, у ўша томон юрди. Мен унга эргашдим. Қароринг қатъийми, деди у давра айланаркан, қаттиқроқ йиқитиб қўйсам, яна йиглаб юрмайсанми, дея илтифот ҳам қилган бўлди. Мен индамадим, ҳали кўрамиз дедим ичимда. У нозиккина бола-ку, бир даврада оёғини осмондан келтираман, деб ўйлагандим. У яна мени енгди. Енгди... кейин мен ўзимни йўқотдим, нима бало бўлса ўшанда бўлди-да. Ўзимга келганимда, осмондан ерга қулагандим, икки от, ҳей, нарироқда ўтлаб турар, Олим бўлса, хас билан нуқул тишини ковлар, мен бир оғиз гапиролмас, ундан мени овутадиган, кўнгилимни кўтарадиган бир гапми, тасаллими кутардим. У бўлса жим турарди. Бир маҳал, майли, энди, мен кетдим, деб бир сакраб отига минди-да, кетди. Мана, ўшанга ҳам уч ойлар бўлиб қолди. Менга бир бало бўлган, бошим айланади, нималарнидир егим келадими-ей, хуллас шунақа гаплар...



Мен секин ўрнимдан турдим.
У шарпа – ўша Алпи холанг эди...

* * *

Момомни маталчи кампир, эртакчи момо, биз – шаҳарлик набиралари чўпчакчи буви, дер эдик. Ёшлигида зап аломат қиз эди-да, ўзи-ям деган экан онамга қўшни Санам момо. Бир ўзи, – деб гапни давом эттирибди, – худди анави қирнинг бошидан ўтин олиб келарди, беданиям шундай боглардики, аннай-муннай йигитлар ип эшолмай қоларди. Умр шу экан-да, одамзод қарир экан-да, дея бошини чайқаб-чайқаб қўйибди. Санам момони мен ўша тоққа келганимда сарғиш кампир, қарғиш кампир, деб эрмак қилган эканман.

Сарғиш бўлсам бўлойин,
Қарғиш бўлсам ўлойин...

деб лапар айтаркан, кейин:

Кўрай десам қабатда,
Кўмай десам тобутда,

йўқ болам деб, сонига шапатилаб қоларкан. Бир бало кампир-да, шу дугонангиз, деб онам момомга айтса, фарзанд кўкка ҳам кўтараркан, ерга ҳам тикаркан, дея минғирлаган бўлибди.

Онам яна бир сафар қишлоққа келганида, момонгни бир аломат қизи бор эди, дея узундан-



узун ҳикоясини бошлабди момом. Биз уни Алпи дер эдик. Алпи. Жасурни – Жаска, Бахтиёрни – Бахти деганларидек уни ҳам Алпи дея қолардик. Ҳеч бўлмаса, Зулпи денглар, ахир исмим Зулфия-ку, – дерди ўн олти ёшга тўлган кезларида. Қайда? Парво қилмасдик... Сал нозланиб юрсанг-чи, Алпига ўхшамай ҳар бало бўлгур. Қизнинг ҳусни – нозида, – деркан бўй етган қизларининг чапани юришидан оғринган оналари, аллақайси совчилардан умидланган кўйи.

Алпи тенгдошлари орасида чиройли эмас эди. Бўйи паст – жиккаккина. Яна юзида ҳам озгина тиртиқ, буям камдай катта-катта қадам ташлаб юарди. Гапирганда сўзнинг ярмини ютиб юборар, нуқул шошар, қаёқдаги кишининг энсасини қотирадиган гапларни айтаверарди. Бизнинг билишимизча, ҳуснига ишонмаган қизлар тортинчоқ, уятчанг бўларди, лекин у уялмас, бировга гап бермас, яна қизиғи, биттаям дугонаси йўқ эди унинг. Биз яна ўйлардикки, чиройли қизлар хунуклар билан дугона бўлар, йигитлар менга қарасин, деган худбинона фикр юритар, деб билардик. Шўрлик Алпи хунукларнинг ҳам хунути эди. Энди, нима ҳам деймиз: чиройли қизларнинг борлиги қанчалик рост бўлса, хунукларининг мавжудлиги ҳақиқат эканини кичик қўшни қиз – Алпи мисолида билар эдик-да.

У зўр кураш тушарди. Асов отга ҳам миниб кетаверарди. Ҳатто ёнгоқ дарахтининг учига чиқиб мевасини териб оларди. Эринг билан гаров ўйнаб тошқин дарёдан сузиб ўтган экан. Яна ёлғиз катта бозорга тушиб рўзғор қиларди. Кенг томорқани бир ўзи ағдариб картошка экарди. Қўллари деҳқон



йигитларнинг қўлидай дағал эди. Айниқса, саратонда юзи, бўйин, билаклари куйиб қизғиш рангга кирарди. Куча-қўйда куриб қолса, одамлардан ҳам тап тортмай, ҳа энамнинг ошнаси, деб елкамга бир тушириб қоларди. Қоч-е, ергина ютсин сени, деб енгилгина қарғаб қўйсам, вой, эркатош момам, деб бир чиройли айтарди, эсимга тушса эзилиб кетаман... Мана шунақа ажойибларнинг ғаройиби, ғаройибларнинг ажойиби эди Алпи.

Сен қизни қайси қора кунга туғилган йигит хотинликка оларкан, деркан қизининг юриш-туришидан норози бўлган онаси. Э, она намунча. Худо барчани ўз тенгги билан яратган. Топилиб қолар... Ҳеч ким чиқмаса, ана Холмат буванинг уйидаги йигит бор-ку, Бунёд шунга тега қоламан. Вой шарманда, деб онаси тиззасига шапатиларкан. Сен қиз мени бир кун тириклайин гўрга тикасан. Қўйинг шу гапларни, деб онасини қучоқларкан. Кейин эса: Она шу йигит менга бошқача тикилади-да. Бир кун денг, елкасига кетмон билан боплаб туширдим. Миқ этмади, бечора. Жониям тошдан экан... Ҳай-ҳай, бировнинг боласини нега урасан-а, деб уни койиганини бир ўзим эшитганман. Ҳамма айб ўзимда, ўшанда сал ён босганимда қизим ҳозир тенгдошлари қатори шаҳзодасини кутаётган бўларди, деганди онаси. Эрим билан севишиб турмуш қурувдик. Тушимда ҳам кўрмаган икки тоғнинг орасига келин бўлиб борган биринчи кунимдаёқ, дилимда кетаман, деган ўй туғилдию барчаси шундан бошланди. Аввалига қайнонам ёшликка йўйди, вақт ўтиб кўникар, деб индамади, охир пи-



чоқ суякка қадалгач, эримнинг ўзи уйимга кузатиб қўйди. Эрим яхши инсон эди, фақат онасининг ўғли эди-да. Ушанда қорнимда эндигина ўзининг борлигини билдириб, кимирлаб турадиган Алпим бор эди. Мен ҳам бош эгиб қайтмадим ва ўзимга-ўзим сўз бердим: болам, унда қизлигини билмасдим, ҳақиқий йигит бўлиб улғаяди, ваъдаси қасам бўлади. Бироқ мен қиз туғдим, лекин, ўша қайсар феълим ўз кучида қолди: Алпи ўғилсифат бўлиб улғайди, дея роса йиғлаганди ўшанда...

Шўрликнинг бахти очилсин, йигирма учга кирибди, дедим қайнотангга кечқурун, ҳамма ухлагач, ўринга чўзилган пайт. Бунақа гапларга панжа ортидан қарайдиган қайнотанг индамади. Опангизнинг қизи Мафтун билан тенг-да, жиянингизнинг иккита боласи бор, дея давом этдим. Қайнотангнинг калласи майда, ўзи лофчи бўлгани билан балодай сезгир одам, нимага шама қилаётганимни тушунди. Менга син солиб қараркан: Чайналма, деди лўнда қилиб. Шу, катта опамнинг ўғли Аброрга олиб берсак... Қанотанг индамади. Бироз вақт ўтиб ниманидир чамалади шекилли: қизни бахтсиз қилма... Бўлди. Лофчи қайнотанг ҳамма гапни айтиб бўлганди. Шушу бу мавзуда бошқа гап бўлмади.

Алпи бўлса ҳамон от минишни қўймас, кураш тушишдан чарчамасди. Агар онаси кўнса шу қизни кўпқарига олиб кетардим, дебди Гофир чавандоз. Ўғил бўлганида, ўзимга шогирд қилиб олардим, деганмиш Муслим полвон. Алпига қолса кетаверарди. Бироқ, қишлоқ жойнинг гапи катта бўлади. Онасини ўйлайди-да.



Ўшанда ноябрми, декабрми аниқ эсимда йўқ, лекин қор ёғиб эриган, эшак ўлдирад оғтоб чиққан, бундай кунни ўқиган зиёли малимлар ўлимтик ҳам дейишаркан, эринг шунақа деганди, бир замонлар. Осмонда булут сузиб юрарди: билмайман, совқотибми, қуёшгами қараганман-да, қарасам булутлар: худди Санам дугонам шолча ёйиб пахта титаётгандай, ярми оқ, ярми увода бўлган пахтанинг ўзгинаси, шошиб қолибман. Ё, тавба, ё тавба, деб роса ҳайратланибман-да, қайнотанг ўша ҳолатимни ҳалигача айтиб юради. Яна осмонга қарайман: гўё заранг ўтиннинг тутунидан ярми оқиш, ярми қорамтир булутлар-да. Шошиб, чопиб Санам момонгни уйига бордим. Остона ҳатлаб ўтганимни биламан: қотдим-қолдим. Момонг сочини ёйиб, ерни муштлаб, оёғини тап-тап уриб йиғлаяпти. Ҳей, нарироқда, қирмизак олмага суяниб Алпи турибди. Ишонасанми, яна нима учундир шошиб осмонга қарабман, кейин момонгни бошига: иккисиям бир хилимиш. Оқарганроқ, кўкимтирроқ... Нима дейиш-ниям билмай қолибман...

Қишлоқда гап ётармиди? Нарига томонда эсан шабада бу томонга довул бўлиб ўтади-ку. Ўроқчининг ҳам, тракторчию кетмончининг ҳам оғзида шу гап: Алпи эсини еб қўйибди. Сен киму, Оқилбойнинг ўғли Одил ким? Баъзи оғзи бемаза одамлар қўполдан-қўпол матал ҳам тўқишибди.

Бечора Алпи, нима қилсин, айби севиб қолганими, севиш қачондан бери номус, уят бўлиб қолди, деган гап келувди хаёлимга. Ҳой, дугон, нима сен севмовмидинг, балодай яхши кўрувдинг-ку, ҳў, ўша



Шароб шарбатни этагини тутиб кетувдинг-ку, нимасини севасан, қип-қизил хотинбоз-ку бунинг десам, рашкинг келдими, куйиб ўл, деб айтган сен эмасмидинг, дедим ичимда. Қандай қора кунда туққан эканман, бошимда бу савдолар ҳам бормиди ҳали, деб онаси сочини юларди. Шунча қийналганим каммиди? Эй, Худо нега бунча имтиҳон қиласан, дея нола қилар, Алпи бўлса, она, бас қилсангиз-чи? Қиз бола бўлиб туғилганим менинг айбимми? Шундоқ бўлишимни у истади, деб кўрсаткич бармоғини осмонга қадар, энди бу савдолар ҳам унинг ёзиғи, нега бунча куйинасиз, деганини эшитиб шўрлик қизга раҳмим ҳам келган. Дуғонам ақддан озаёзганди: мен ана шундан кўрқардим, ҳа, қизимнинг қачондир, кимнидир севиб қолишидан кўрқардим. Ҳар бир она қизининг сулув, чиройли, ҳаммадан гўзал бўлишини истайди, мен бўлсам, уни шу хунуклигидан хурсанд, йигитлар эътиборини тортмаслигидан, Худога минг марта шукрона келтириб, ўзимча шод бўлиб юрардим. Асраган кўзга чўп тушади, дегани шуми, ё бошқа бир каромати бор эдими бунинг? Оиламни қадрига етмаганимнинг жазосими ё отасизлигимми? Ҳа, шундан бўлса керак, эркаги йўқ уйда шамол ҳам шиддатли эсади, деганлари ростмикан?, деб дод соларди Алпининг онаси.

Кечкурун қайнотанг келди, икки кун олдин тоғ ортидаги қишлоққа тўйга кетувди, ҳе-бе, йўқ, қамчи билан гарданимга иккита солди, сизга нима қилдим десам, бурнингни остида нима гап бўлаётганини билмасанг, кўздай қўшни бўлиб, кўз-қулоқ бўлмасанг, ҳе, сендай хотинни тарбиялаган отангни бе-



лига, деб қолса бўладими? Сен дейди, жагини та-
киллашиб, қўшничиликни эпламадинг, нон ҳақи, туз
ҳақиға хиёнат қилдинг, деб яна икки қамчи тушир-
ди. Баданим зириллаб кетди. Эркаги йўқ уйга мен
қандай кираман, сен тергаб турсанг ўлармидинг,
дейди лофчи. Кўчада, дейди, ер ёрилмади, мен ки-
риб кетмадим, дейди. Ҳаммани огзида шу гап: эсини
еб қўйибди, ҳаддини билмабди, яна бир балолар...

Қайнотангни эшитишича, одамлар, ҳа, хўп се-
вибсан, сал бундоқ тенг-тенги билан деган гаплар
бор, деса бири: тентаклик-да, бундан бошқа оти йўқ
бунинг, дермиш иккинчиси, замон айнади деймиз,
лекин одамларнинг ўзи бузилиб кетган, деб ақлли-
лик қилса бошқаси: севги бу – енгилтаклик, деб фай-
ласуфлик қиларкан кейингиси. Йўқ, мен ҳайрон-
ман. Алпи-да, на чирой бор, на бир жозиба. Ҳатто
ноз ҳам йўқ, деб ханда отармиш биттаси.

Шуни айтяпман-да, деб бошқаси уни маъқул-
ларкан. Одил, дермиш бир вақтлар шаҳарда ўқиб
келган олифтанамо киши, шаҳар кўрган бола.
У ёқларда қандай гўзал қизларнинг борлигини бу
Алпи қаёқдан билсин. Самолётни осмонда кўрган
қиз бўлса. У томонларда қизларнинг нози нақ жо-
нингни суғуриб олади-я, бай-бай...

Кейин, дермиш яна бошқаси муҳим бир гапни
айтаётгандай, Алпиям йигирма учдан ўтди-да. Ҳеч
бўлмаса бир давримни сурай, эрта набираларига,
шу Одил мени севган, деб мақтангиси келгандир,
деб аския ҳам қилишаркан. Бир умр камбағалликда
яшаган қиз, тўкин ҳаёт кечирай дебди-да, деб мало-
мат ҳам қилишибди.



Оқилбой бўлса тоза газабланибди: ўғлимни номусга қўядиган у қизни қишлоқдан кўчириб юбораман, дебди охурдошларига. Менинг ўғлим, дебди дона-дона қилиб, кўкда учиб юрган бургут. Энди мағрур қушга ким ҳам ҳавас қилмайди, дея, ҳатто қўпол гаплардан ҳам айтиб ҳиринглаган бўлибди.

Бир-иккита отахон бориб, қизга раҳм қилинг, кўзимиз олдида улғайган, меҳнатдан қочмайди, камбағаллик айб эмас-ку, кейин ўғлингизни севса, деса, ўғлимни севган ҳар бир қизни олиб бераверсам, оқибати нима бўлади, деб керилибди, ҳе, сендақа даллолларни, дея отахонларни қува солибди.

Одил бўлса бир оғиз гапирмасмиш, жўралари устидан кулса, юзини буриб, юраги эзилганга ўхшаб азоб чекармиш. Агар уйлансанг, қўлига пахта ўратиб юр, яна нозик баданларинг қабармасин, дейишибди ўртоқлари гуриллаб. Одил ҳеч нарса демабди. Одамлар унинг бу ҳолатини: шаҳар кўрган-да, мусофир бўлган, бировнинг дилини оғриштишни истамаяпти, инчунин қиз боланинг, деб тунган болага чиқаришибди.

Бирорта одам йўқ эдики, Алпидаям юрак бор, уям кимнидир севишга ҳақли-ку, ҳа, энди кўнгилиши-да, биз нимаям дердик, қўйинг, севса қиз севибди, сизларга нима, дейдиган киши топилмаганидан, қиз боланинг хунути йўқ, ҳар бирида ўзига хос бир латофат бўлади, фақат уни кўра олиш керак, дейдиган, юрагида ёли бор одам йўқлигидан, сенлардан кўра ит яхши экан, деёладиган жўмард чиқмагани-



дан, қизнинг кўнгли – бизнинг кўзгумиз-ку, нега унга лой отасизлар, сизларда инсоф борми, дейдиган софдил тоғликлар аллақачон қирилиб кетгандан қайнотангни жаҳди чиқар, бор аламини қамчи билан мендан оларди...

Йўқ, деди, бир маҳал уришдан тўхтаб, энди бунақаси кетмайди, ҳозир бориб Оқилни ўнгиридан оламан-да, чайналма, уйлантирсанг ҳам уйлантирасан, уйлантирмасанг ҳам уйлантирасан, агар унамасанг, белингни синдираман, тишингни қоқиб оламан, дейман, деганча кўчага чиқиб кетди. Ярим тунда ранги мурдадай оқариб кетган, лаблари гезарган, қоши учиб кириб келди: у одам эмас экан, айнибди, иймон кўтарилибди, ундан деди, нима бўлди деган саволимга жавоб бериб. Йўқ, дейди, Ғайби чапанига олиб берсамми, ёки ўзинг оласанми, дейди ит эмган. Ҳе, дедим, қизингни бер оламан, дедим, кейин калламга бир бало билан туширди. Кўзимни очсам, теракзорда ётибман. Шу ердан уйга келишим, чой-нонинг борми, деб дастурхон бошига чўзилди.

Орадан уч кун ўтиб Алли изсиз йўқ бўлди: қаёқа кетди, ким билан кетди, биров билмади. Кейинроқ, маълум бўлишича, Олимни олдига қочиб кетган деган гап тарқалди. Оқилбой шаҳарга тушиб ўн кун йўқ бўлиб кетди. Одамларнинг яна огзи ғимирлаб қолди: Оқилбой энди ўша ёқларда яшар эмиш, палончининг қизини Олимга олиб берганмиш, пистон куни тўйи бўлиб ўтар экан, ҳатто тўйи ўтганию, янги ҳовлисининг катталигиям анча шов-шув бўлди. Бир куни ўн чоғли азамат келишди: от-арава олиб



келган эди улар. Оқилбойнинг бор кўч-кўронини ортди-да, уйга олов қўйиб юборди. Кейин от, мол, қўйларни бир сурув қилиб ҳайдади-да, бола-чақасиниям қўшиб олиб кетди. Одамлар бир амаллаб оловни ўчирди, лекин куйиб соб бўлган эди қасрни эслатувчи хонадон. Шу-шу Оқилбой деган кимса Сувқанардан бутунлай кўчиб кетди...

Ҳей, бир қанча замонлар ўтгач, маълум бўлдики, Олим таг-томири билан гойиб бўлган экан. Шаҳарга бориб тополмаган ота, қишлоққа қайтишда юзи чидамаган, мақтанчоқ бўлсаям, жуда орли эди, қизталок дерди қайнотанг. Ҳа, кўп замонлар ўтиб, Олим Алпини олиб қочгани маълум бўлди. Қаерга кетган бу ёғи мана, ҳали аниқ эмас, деган экан момом Санам кампирнинг фотиҳасига борган онамга...

* * *

У Олимни ўлгудай севар эди, деган экан онамга, ҳув, олис бир йили мен чет элда ўқиб юрган кезларим, отам билан тоққа борганида Алпининг ягона дугонаси Раҳима опа. Ўн тўрт-ўн беш ёш орасида эдик. Ўзимизга оро бера бошлаган, йигитларни кўрганда қадам олишларимиз ҳам оҳистароқми-ей, нозлироқми-ей бир бало бўлган эди-да бизларга. Қошларимизга ўсма, кўзларимизга сурма қўйиб, “Сой бўйида турган йигит”ни айтсак гоҳи, “Ҳой бола, бола, бола, богдан келинг, яланг оёқ томдан келинг,” деб катта богни бошимизга кўтариб ханда отамиз, кунаро йигилиб йигитларнинг қулоғини қиздирамиз, ўйин-кулги авжида, оналаримиз енгилгина ко-



йиб қўяр, сўнг бизларга ҳаваси келиб катта да-
рахт тагида ўтириб олар, фақат ўзларигагина
маълум сўхбатини бошлаб қолишарди. Алпи биз-
га кўпам қўшилавермасди, у ёлғиз юрар, кейин
рўзгорнинг бор иши унинг гарданида эди. Она-
сини биласиз, умри бино бўлиб бирор марта
Худога шукр демаган, бир ғалати аёл эди. Алпи
билмадим, нима учундир ўзига мени яқин олар-
ди, энди-энди, балки салгина шартакилигим са-
баб бўлса керак, деб ўйлайман. Мен сир сақлар
эдим-да, кейин Алпи менга ёқарди. Ҳа, у бошқа-
ча қиз эди. Сизга бир гап айтсам ишонмайсиз, биз –
ўндан ортиқ қиз дугона бўлсак-да, ким-кимни ёқ-
тиришини билмас эдик, ҳеч ким бир-бирига айт-
мас эди, қўрқармиди, уялармиди ёки қизларнинг
ўзаро тан олишим уят саналармиди, хуллас,
кўпимиз бир йигитни ҳам яхши кўрган бўлиши-
миз мумкин. Ҳа, ҳозир шундай бўлган бўлса ке-
рак дейман-да. Гоҳи Алпиям боққа келиб қолар-
ди. Бизлар уни ўраб олардик, лапар айтмагунча
қўймас эдик, шўрликни. У лапарни қайдан бил-
син, билсаям айтолмас, овози ўғил болаларнинг
овозидек дўрилларди. Уни ҳоли-жонига қўймас-
дик, ерга йиқитиб олиб роса таъзирини берар-
дик. У отилиб турарди-да, баримизни тўғри кел-
ган томонга улоқтирар, урар, тепар, кейин ёлғиз
тут остига бориб ўтириб оларди. Мен олдига бо-
рардим. Бу ҳол кўп такрорланарди.

Бир сафар боққа Алпи кириб келди. Барчамиз
унга ҳайратланиб қараб қолдик. Айтдим-ку, у бир
келса ойлаб қорасини кўрсатмасди. Бироқ, у кечаям



келганди-да. Ҳаммага бир-бир қаради-да, дўрилдоқ
овозда лапар айта бошлади:

Сувқайнарнинг тоғларида эримади қор,
эримади қор,
Орқасидан чақирсам ҳам қарамайди ёр,
қарамайди ёр.

Биз ҳайратда қотиб қолгандик. У узоқ қуйлади. Қаранг, чиройли овози бор экан. Қизлар кулиб юборди, у индамади, бир огизам гапирмай, ўша эски жойи – тут остига кетди. Мен уни ўлғудай яхши кўраман, деди ёнига ўтирганимда, билмайман мени нима жин урди, бир кунда олисдан бўлсаям бир кўрмасам туролмайдиган бўлиб қолдим. У сиз бир минут ҳам яшолмайман, деди шивирлаб. Мен донг қотиб қолган эдим. Ахир, қандай қилиб, қиз бошинг билан севишинг мумкин, дея пичирлардим. У бошқача, ҳеч кимга ўхшамайди, дея давом этганди. Эсингдами, қай бир йили тоққа лола сайлига борувдик-ку, қара, ўшанда бечорани камарга тираб роса калтаклабман, дегандан сўнг у севиб қолган йигит Олим эканлигини билибман. Кечагидек эсимда, эрингиз тоққа тирмашиб лолани узди-да, пастга отди, бизлар лолага ташландик. Бир зумда дабдаласи чиқиб кетди. Эрингиз бўлса пастга тушолмай қолди. Сакрай деса ора узоқ, сирпаниб тушай деса, пасти чуқур жарлик, нима қиларини билмай қолувди ўшанда. Шунда Алпи ҳамма қизларнинг рўмолини ечиб олди-да, тош боғлаб тепага отди. Ма, бирор ковакка яхшилаб боғлагин-да, кейин осилиб туш, деб тепага



ирғитди. Эрингиз осилиб тушди, бироқ бизнинг рўмолларимиз тепада осиглик қолди. Шунча торта-миз қани тушса. Шунда Алпи камарга чиқиб уларни олиб тушганди. Сен Алпомиш экансан, деган Олимни камарга қисиб боплаб таъзирини берувди. Бир амаллаб ажратиб олувдик. Олимнинг огзи-бурни қон, тиши синган нуқул ҳали мендан кўрасан дерди. Замонни қаранг, Алпи келиб-келиб шуни севиб қолибди-я. Мен уни огзи-бурнини қонатган бўлсам, у мени юрагимни зардобга тўлдирыпти, деди Алпи ҳайратомуз оҳангда. Тишини синдирсам, у менинг қаддимни букиб ташлади. Севги, севги дейдилар, наҳотки севги шунақа ёмон бўлса-я. Ғалати бўларкан, бирдан кўзим тиниб, бошим айлангандай бўлади, кейин чексиз кўкаламзорга ётиб осмонга термиламан, термилавераман. Қаёқдандир майин шабада эсиб сочларимни юзимга уради, ғашимни келтиради, сўнг бирдан нозик бир қўл оҳиста юзимни беркитаётган сочларимни силаб, кўзимга термилади. Мен ухлаб қоламан. Гоҳи туш кўраётганда чексиз лолазорда юргандай, У менинг олдимда басма-бас лола узиб бераётгандай бўлаверади. Менга бир бало бўлган, юрсам ҳам, турсам ҳам ўшани ўйлайдиган бўлиб қолганман. Қўлим ишга бормайди, тунда уйқум, кундузи бир жойда тургим келмайди. Ишгаям қўлим бормай, хаёл сургим келаверади. Ҳозир уйига бир соатдан кўп вақт тикилиб турдим, қани кўриниш берса, қаёққадир гум бўлган. Айт, мен энди нима қиламан? Қандай яшайман энди, деб ҳеч қачон йигламаган, бировга арз-дод қилмаган ва ҳамиша биз тенгдошлари орасида дарди йўқ кесак



бўлиб келган Алпи менинг ёнимда, елкаси елкамга тегиб, бошини эгиб, худди, эртаклардаги маликамонанд нозиккина бўлиб йиглаб ўтирарди. Шошиб дугоналаримга қарабман, ҳайрият улар ўзлари билан овора, демак, ҳеч ким кўрмади, билмади, эшитма-дям. Ҳой, Алпи ўзингни қўлга олсанг-чи, одамлар нима дейди, йиглама, тентаклик қилма, бўлди, тур бизнинг уйга борамиз, қани тур кетдик, деб бир амаллаб ўрнидан турғаздим. Уйимизда биз узоқ суҳбатлашдик, мен шу нарсани тушундимки, Алпи эсини еб қўйибди. У жинни бўлиб қолибди. Орадан беш-олти йил ўтиб тасодифан китобга меҳрим тушиб, бир қанча китоб ўқигач тушундимки, Алпининг севгиси самимий ва асл севги экан. У шунчаки ўрганиш, ёки ҳаваси кетиш эмас, балки инсон қалбининг энг чуқур жойига кириб борадиган бетак-рор туйғу экан. Айниқса, “Кунтуғмиш” достонини ўқигач, Орзугул ўрнида Алпини тасаввур қилдим. Афсуски, Орзугул малика эди. Алпи бўлса, отаси йўқ етим, яна хунуккина бир қиз эди...

Мен ўшанда уни қип-қизил тентакка чиқариб қўйгандим. Бундан унинг дили оғриди, бироз тикилиб турди-да, индамай чиқиб кетди. Кейин Алпи яна ўша эски ҳолига қайтди: дагал, шартаки, қайсар...

Боя айтганимдай сир сақлай олардим. Ўртамиз-да бўлиб ўтган гап сирлигича қолиб кетди. Мана, ҳозир сизга айтиб турибман. Лекин, биласизми, мен ўшанда аҳмоқ бўлмасам, салгина уни тушунсай-дим, озгина эшитсайдим, балки у қочиб кетмасми-ди. Унинг эски ҳолига қайтганини кўриб, эсини йиғиб олибди, деб ўйлабман-да, аслида, у барча дар-



дини ичиги ютиб, лекин муҳаббати учун курашдан бир одим ҳам чекинмаган экан, дея ҳикоясини туга-тибди Раҳима опа.

Кейин биласизми, дебди, деярли шивирлаб, Алпи кўп дoston ўқирди. Айниқса, “Соҳибқирон” деган дostonни жуда яхши кўрар эди. Бир сафар, Ойпарчани иккита кундоши кучук туғди, деб шоҳга мактуб битганию, сўнг подшо сўраб-суриштирмай ўлдириб юборинг дегани, шунда бир бола келиб тоққа зиндонга ташланглар, деб маслаҳат солганини, ҳалиги туғилган икки болани жодугар кампир эрига бериб, ўлдириб, қонини кийимига суртиб кел, дегани, эр сичқонни ўлдириб, болаларни саҳрога ташлагани, кейин ғойиб – Худо томонидан уларга бир қаср қурилгани ва болалар шу ерда яшагани, йиллар ўтиб Ойпарча шоҳ билан топишганини айтиб берувди. Қандай яхши-я, деб давом этувди, йиллар ўтсаям, барибир ҳақиқат синмади-ку, шоҳ топди-ку, ҳар гал шуни ўқисам баданим зирқираб кетади, деганди, деб онам чизган суратга қараб тикилиб қолибди ва йиглаб: ахир бу мен билан Алпику, менга беринг, деб ялинишга тушибди. Сўраганга расм ўрнига жониниям беришга тайёр онам негадир, ўшанда суратни берганини менга бу воқеани сўзлаб бергач афсусланди. Ё бориб олсаммикан, йўқ, майли, дугонасини эслаб юради, деб индамади.

Алпи бениҳоя чиройли кулар экан, унинг ягона ҳусни шу эди, яна, у эркак багрининг сеҳрига илинган, мен буни турмушга чиққач билдим, ахир у пайтда ёш қизлар эдик-да, дебди Раҳима опа онамни кузатиб чиқаётганида...



Эртаси мерганнинг фотиҳасидан қайтишда отам, сенга бир гапни ваъда берувдим, эсингдами, деб сўради. Наҳотки, унутган бўлсанг, деди менинг ажабланганимни кўриб, эсла-чи, дегач, амаким билан гаплашганимни, у менга Алпи хола ҳақида деярили барча гапни айтганини ва уларнинг дўстлиги ҳақида оғиз очмаган ҳолда, эсладим. Ўша мен топилган тунда Йўлчи мерган уни имлаб бир чеккага тортиб, қулогига нимадир деб шивирлаганию, бир қалқиб кетгани, кейин менга қарагани ва беихтиёр тиззалаб ўтириб қолганини гапириб бердим.



Ўшанда Йўлчи мерган, Алпи сени чақиряпти, иложини топсанг шу кеча бораркансан, деганда, рости ҳайратга тушгандим, деб ҳикоясини бошлади отам. Йўқ, уни тоғда яшашини билардим, лекин негадир у мен билан биринчи марта учрашувга чоғланаётган эди. Алпи билан бир вақтлар гаплашувдик, дея амаким менга воқеани батафсил гапириб берди.

Ўша тун мен шаҳарга кетувдим ва Олимни олиб қайтдим. Мен уни ёшлигимдан яхши кўрардим, ишон, у менга шунақанги ёқардики, соатлаб у ҳақида хаёл сурсам ҳам, зерикмасдим. Билмайман, қачон бу балога дучор бўлгандим, фақат ўшани севишимни, усиз ўзимни ҳам, ҳаётимини ҳам тасаввур қилолмасдим, деганди Олим қишлоққа қайтаётганимизда. Ажабланма, эсингда бўлса, деб давом этди у, Алпи билан дарёдан кесиб ўтишга шартлашгандинг, ҳа худди ўшанда мени бир яшин ургандай бўлувди. У

дарёдан ўтиб бўлгач, олдингга келди-да, Алпи сўзи-да туради, айтдими бажаради, дея баданига ёпишган кўйлагини бир-икки тортиб, сочини силкитганди: худди шамолда тебранган сарв дарахтидай. Шу-шу юрсам ҳам, турсам ҳам хаёлим Алпи бўлди-қолди. Ўша кунги шартлашувдан кейин, мен ўзимнинг ярамаслигимни, асраган кўзга чўп суққанимни ва ўз жойимга ахлат ташлаганимни тушундим. Муҳаббат – илоҳий туйғу, мен эса уни ерпарчин қилгандим. Биламан, бу пасткашлик эди, ундан кўра, мени урганинг, суқканинг, итдай отиб ташлаганинг, оstonамда пайдо бўлиб, Алпи сенга салом айтди, деганингдан минг карра яхшироқ эди.

У кезлар қишлоқда гап тоза болалаган эди, дея ҳикоясида давом этди отам. Кунлар баҳс-мунозарага бой, ким ҳақу ким ноҳақ, у нега севади, нега энди бу қадар шармандаликка боради аёл боши билан ва шунга ўхшаш бир дунё дағал гаплар пайдо бўлганди ўшанда. Бу ҳолга бобо қуёш жилмайиб нуруни сочар, ой бўлса юзидаги доғни беркитмоқчи бўлгандай булутлар орасига беркинар, юдузлар милт-милт этиб, худди Алпининг дилидаги умид сингари кичкина ва жуда олисда эди. Шамоллар шиддат билан эсар, деразага бош уриб, у уйдан бу уйга гап таширди. Итларнинг қушларга гаши келиб қувар, дарахтлар боласини ухлатаётган она сингари тебранарди. Дарё бу ҳангомани олис-олисларга элтаётгандек шошиб оқарди. Фақат тоғгина Алпининг кўнглини тушунгандек, кўпни кўрган отахон сингари сукут сақлаб, нимадир демоқчидай осмонга тикилганди. Аҳён-аҳён ёғиб қоладиган ёмғир



чангиб кетган заминни тозалаб, сен хафа бўлма, мен кўрқиб кетган ернинг юзига сув сепдим, энди бема-лол бахтли бўлсанг бўлаверади, дегандек ёгаверар-ди. Табиатда кундан-кун янги нигоҳ, тоза туйғулар туғиларди. Бутун борлиқ буюк бир сукунатга ғарқ бўлгандай, лекин тез орада нимадир рўй берадиган-дек бир кайфиятда эди. Тун жуда узун эди. Бир йил, балки минг асрга тенглашгандай эди ўша кезлар.

Мен Олим билан тўғри уйларига бордим. Соат ўн иккидан ўтган, барча уйқуда, ора-сира итлар ҳу-рар, қаёқдандир уккининг овози эшитилар, аҳён-аҳён эсиб қолувчи шамол совуқни юзингга урар ва баданинг жимирлаб кетарди. Олимнинг хонасига ўтаётувдик, кимдир томоқ кириб: Кимсан, тўхта, деди баланд овозда. Виқор билан юриб Оқилбой келди, ҳали ухламаган экан. Мен уни яхши кўраман, усиз яшолмайман, деган Олимнинг юзига тарсаки солиб юборди. Сен, деди дона-дона қилиб, бур-гутсан, бургут. Тушуняпсанми, қаёқдаги мусичага ўзингни тенг кўрасанми, о, галварс, сени шу ниятда ўқитяпманми, дея ўшқирарди. Олим аввалига жим турди, охири кўринмаётган дашномлар ҳақоратга айлангач чидиб туролмади, бас қилинг, деди оҳиста, бироқ шу сокин овозда тоғ сингари қатъий, айқи-риб оқаётган дарёдай ғазаб бор эди. Ота, – деди Олим, эҳтимол бу сўз оғзимдан сўнги марта чиқа-ётгандир, балки бундан кейин бу калом вужудимни куйдирса-да, айтолмасман, лекин ҳозир сизга айт-моқчи бўлган гапим: сиз шубҳасиз мени дунёга кел-тиргансиз, туз-нон бергансиз, бу учун раҳмат, агар умрим етса қайтараман, етмаса қиёматда берилади-



ган жазога ҳам тайёрман. Сиз менга ҳаёт бергансиз, Ватан нима, яхшиликнинг ёмонликдан фарқи, тоғу тошларнинг хусусияти ва минг гиёҳлар ҳақидаям батафсил ҳикоя қилганингизни бир умр унутмаслигимга ишонаман. Бироқ, тушунинг, сиз менга ҳамма нарса ўргатдингизу инсонларни севишни, уларга ишонишни ўргатмадингиз. Йўқ, буларни ўзим ҳам ўрганганим йўқ – Алпи ўргатди. Ҳа, утина менга ҳамма нарсадан азиз, керакли ва сеvimлидир. Мен усиз яшолмайман, усиз ўламан, ўламан... деб йиглаб юборганди... Оқилбой гангиб қолган, танаси оёгига оғирлик қилибми, боши айланибми устунга суянди ва анча муддат ўтиб, деярли шивирлаб «кет», деди...

Мен уларни – Алпи билан Олимни тоққа кузатиб қўйдим...

Отам совиб қолган чойдан ичаркан, дастрўмоли билан кўз ёшини артиб қўйди ва мендан ҳозир уялмаётганиниям таъкидлади. Одам йиглаб ҳам туриши керак, йигиям керак одамзодга, дея сигарета тутатди.


...Орадан вақт ўтиб янги йилда уйга келганимда, онам қўшни – Алпиларнинг уйига боришимни айтиб қолди. Байрам-да, кейин кўздай қўшни бўлсак, дея бир мақолларни гапирди. Қайдам, эси кирди-чиқди бўлиб қолган, холанинг соғлиғи яхшими, деган саволимга жавобан. Ҳа, Алпи-я, нималар қилиб қўйдинг, деганча рўмолининг учини тишлади. Онамнинг одатини яхши биламан: бирор гап айтмоқчи бўлса, худди меҳмонда ўтиргандай оёқларини йигиб, қоматини тик тутарди, ҳозир ҳам унинг



тараддудланаётганини кўриб, гапни эшитишга рози эканлигимни билдириб, ёнидан жой олдим.

Қиз туққанга минг лаънат! Тарбия беролмаган-га яна минг лаънат, деган нидо барчамизни қўрқитиб юборди ва биз отанг билан шошиб ташқарига чиқдик, дея ҳикоясини бошлади онам. Алпиларнинг уйига Оқилбой келган экан, оғзидан кўпик сачрайди, ёнида бир-иккита охурдошлари. Барча томошага йигилган. Қиз туққунингча ит туғсанг ўларминг, деб ўшқирарди. Жаҳд билан тепиб юборди, бир қўпол сўзням айтди. Муштипар она ерни муштлаб, дунёда битта эркак бер, дея фарёд кутарди...

Отам яна сигарета чекди ва ўғлингни исмини нима қўйдинг, деб сўраб қолди тўсатдан. Мени жавобимни ҳам эшитмай, Олим қўйсақ-чи, деди. Менинг розилигимни эшитгач, биз – одамлар онгли мавжудотлармиз, бу даҳшат, жудаям даҳшат, биласанми, нега Олим қўймоқчиман, мендан садо чиқмагач, у зўр олим бўлар эди, математикадан бешга ўқирди, ҳа, бешга ўқирди, деб такрорлади. Шундай зўр олимни бой берди у жамият. Ҳа, Оқилбойнинг айби йўқ бунда, гуноҳкор фақат жамият, ҳа шундай... Инсон – ўзи яшаб турган муҳитдан айро тушиши мумкин эмас. Зерикиб кетдинг-а, ҳа, ўшанда мерганнинг гапидан кейин ярим кеча тоққа жўнадим. Мерган ҳам ҳамроҳ бўлди. Эгар қўрадан ўтиб, Саксон тоғ томон бурилдик. Кейин ярим соатлар тик йўлдан пастга тушдик ва қишлоғимиздан ҳам кўриниб турадиган текис камар сари илдамладик. Ҳў, анави сойнинг тепа томони, деб мерган тезлашди.



У мен билан кучоқлаб кўришди. Ҳа, аёл боши билан шундай қилди. Сен унинг кулбасини кўргансан, айтиб ўтирмайман. Биз ташқарида ҳарсанг тош устида ўтирдик. Ойнинг нури қорларда аксланарди. Ғир-ғир шамол эсиб турарди. Мерган биздан анча наридаги – якка арча томонга кетган эди. Ўша сени ўғлинг эканлигини билмагандим, деди Алпи пичирлаб. Сен уни қаерда кўриб қолдинг деганимда, ўша кун қайси сана эканлиги эсингда йўқмиди, деб саволимга жавоб бермай кўзимга тикилди. Ҳа, эсладингми, деди менинг ҳайратланиб қараганимни кўриб, унутмабсан, хурсандман. Ҳар йили йигирма саккизинчи декабрь – онамнинг туғилган куни қишлоққа бораман. Онам бу кунни яхши кўрардилар. Ўша тун мен қабристондан чиқиб – Қиялик сари келаётгандим. Бирдан бўриларнинг овози эшитилди. Улар – шунчалик кўп эдики, беихтиёр турган жойимда қотиб қопман. Кимдир тоғорани чалди, яна бири бақирди, итлар қаёққадир гум бўлганми, биттасиниям овози чиқмасди. Қанча вақт ўтганини билмайман, ёнимдан ўтиб кетган шарпанинг исидан бутун баданим жимирлаб кетди. Бўрида Азроилнинг бир туки бўлади, деган гапни кўп эшитганман-да, шунгами, калима қайтарибман, кейин кўзичоқнинг эзгин маърагани қулоғимга чалинди. Йигирмага яқин бўри мени ёнгинамдан ўтиб кетаётганди. Билсанг керак: ёлғиз бўри бир қўра қўйни қириб ташлаши мумкин, лекин бир тўда бўрига биттагина кўзичоқ ҳам етади: ғашланиб, бир-биридан қизганиб ҳаммаси бир ўлжага ташланади-да. Шунга улар менга эътибор беришмади. Шу чоғ осмонда



олов кўринди ва милтиқнинг овози бутун теварак-атрофга тарқалди. Бир пайт, бола, ҳа кичкина бола бўриларнинг ортидан кетиб бораяпти. Аввалига, жинми, деб қўрқибман, кейин тикилиб қарасам, ростданам, ўзимизга ўхшаган бола. Мен уни тутиб олганимдан сўнг билдимки, у уйқусираб чиққан экан. Ўғлинг учар экан-да, бу даҳшат-а... Уйқусираб нималар қилиб қўйиши мумкин... Кўзи очиқ, лекин хаёли ўзидамас, ҳали уйғонмаган эди. Ким бўлди экан, деб турувдимки, ёнгинамдан бир бало шув этиб ўтиб кетди. Ҳей, нарироққа бориб тушди-да, тутун иси димоғимга урилди. Кимдир ўқ узган экан. Дайди ўқ, деб ўйладим. Мен болани кираверишдаги бирорта уйга ташлаб кетаман, деганимда, яна ўқ узилди. Энди ортга қайтиш хавфли эди: дайди ўққа учишим ёки бирор киши кўриб қолиши мумкин эди-да. Нима бўлса бўлди, дедим-да, болани бағримга босдим, уйга – тоққа югурдим. Ажал сўқмогидан ўтувдимки, бўрилар галасига дуч келдим. Улар эсингда бўлса, тўйларда кураш пайти даврани ўраб ўтирган одамлар бор-ку, худди шуларнинг ўзгинаси эди. Беихтиёр болани бағримга қаттиқроқ босдим. Бўрилар менга тикилиб турибди, баъзиси лабини ялаб қўяди, айрими қимирламоқчи бўлаяпти. Атроф шунчалик сокин эдики, мен ҳар бир бўрининг юрак уришини эшитиб турардим. Улар ўрнидан туриб менга яқинлаша бошлади. Мана, йигирма қулоч, ўн беш, ўн ва беш... яна тўй ёдимга тушди: ўн-ўн беш эркак ичиб раққосани ўртага олганларидай, мени ҳам ўраб олишди йиртқичлар. Юзимга иссиқ нафаслари уриларди. Шунда... кутилмаганда тиз чўкибман-да:



бу боланинг отаси ким, онаси ким ўзимам билмай-ман, эҳтимол тилаб олинган фарзанд, балки етим-дир. Бўрилар – сиз дашт шоҳисиз, ўтинаман, бизни қўйиб юборинг, болани эсон-омон эгасига топширай, кейин ўзим олдиларингга келаман, мана, мени ейсизлар, фақат ҳозир эмас, фақат ҳозирмас. Менга вақт беринг, агар қорниларинг оч бўлса, кутиб туринглар, ҳў, анави тепаликда менинг уйим бор, зип этиб, болани ташлайману келаман... Ишонмасанглар ортимдан юринглар, майли, ўша ерда икки ўғлим, эрим бор. Шу бола ўлмай қолсин, она бўлсам ҳам, мингдан минг розиман, майли менинг икки боламни енглар, дея нола қилардим... Бўрининг увиллаган овози узун эшитилди. Мени ўраб олганлари жойида қотиб қолди, айтсам ишонмайсан, ҳаммаси менга шунақанги тикилиб қарашдики, баданим сесканиб кетди, қўрқув суяк-суягимгача етиб борди. Улар мендан ваъдага вафо сўраётганди: болаларингни ейман...

Отам огир юк кўтариб турган кишидай терга ботиб борарди. Ота яхшимисиз, деганимда, бошини қимирлатиб давом этди:

Мени ўлдириб кетгин, деди Алпи тап тортмай. Ишон чарчадим эртаклардан, дostonлардан, бу тоғи-тошлардан жуда-жуда чарчадим. Тинчгина ўлишни иштайман. Қалланг жойидами, сени қандай ўлдираман, умуман мен одам ўлдиришни... йўқ-йўқ, деб ортга тисарилдим ва қуладим. Юрагим шув этди. Ҳалиям боласан-а, деди Алпи қўлимдан тутиб қоларкан, бу ер сенга, Сувқайнарнинг майдони эмас. Биламан, сени қўлингдан чумчуқ сўйиш келмайдию



одам ўлдиришга йўл бўлсин... кейин яна ўша тушкун алпозда давом этди: ўлимим олди, синфдошларимиз билан тоққа чиққанимизни, тоғ бошида қолган ёлғиз лолани узганингни, кейин пастга тушолмай қамалиб қолганингни, мен олиб тушганимни, сўнг Олимни тошнинг панасига олиб ўтиб, ўлгудай савалаганимни эслашни истайман. Ўша топталган лола ҳали-ҳануз тушимга киради. Оёқлар остида барглари тўкилган лола ҳамон мени таъқиб этади... Майли сен боравер, келганинг учун раҳмат, барибир сендан қарздорман. Сен – жўрамсан-ку, дея ханда отди. Унинг кулгуси тоғларда акс-садо қайтарди. Беихтиёр хаёлимдан Олимнинг, Алпи чиройли кулади-да, дегани гапи ўтди. Кетди, деди Олимни сўраганимда, ҳозир келади, тоғнинг ортида иши бор экан, деди-да, ўрнидан турди, боравер, совқотиб қолмагин тагин, деб бир сакраб кўздан пана бўлди...

Мерган унинг икки боласини бўрилар еб кетибди, деганида ток ургандай сапчиб тушдим. Кеча шундай бўлган экан, арчанинг остида Олим билан гаплашдим. Улар биз кетгач бўрилар галасининг олдига боришаркан... Мен ортга қайтамиз деганимда, мерган йўлимни тўсиб: улар аллақачон бу дунёни тарк этишди, деди оҳиста. Ўлди улар, деди мерган. Ҳа, Алпи менга рассомни олиб келинг, бир гаплашай, у ярамас менинг яқин жўрам эди, ундан қарзим кўп, узишга умрим етмайди, фақат ўлим олди гурунглашай деганини айтиб берди. У айтдики, деб давом этди мерган, мен жамиятдан узилган одамман, яшадим нима, ўлдим нима, биров қайғурмайди, эсламайди. Болалигимда ўқиган “Соҳибқирон” дос-



тониға ишонған эканман. Худо тоғнинг ўртасидан қаср қуриб беради, мен Олимнинг шаҳарда яшай-миз, деганига кўнмай ўша эртакка ишонибми, тоққа олиб келувдим. Худо қаср қуриб қўйган дебман-да. Кейин билсам, мен аллақачон жамиятга бегона бўлган эканман...

Мен мерганга, деди отам йиглаб, ортга қайтишимиз керак, уларни ҳеч бўлмаса одамлардай кўнамиз деганимда, сен болани эсинг жойидами, бундоқ ўйлаб кўр, қишнинг чилласида тоққа келдинг, нега олдиндан битта бўлсин, бўри чиқмади, нега? Сенингча булар бари тасодифми, ё шунчаки бўрилар сезмай қолишдими? Билсанг, мен тоғ одами-ман, овчиман, бўрилар – даштнинг ҳукмдори. Улар мардлик, ваъдада туриш бўйича инсонлардан минг марта ортиқ, сен шуни унутмагин. Ишонмасанг анави тепаликка диққат билан қара, кўрдингми, ўша бўри бўлади. Биз то қишлоқдан чиқиб бу ерга келгуниimizча улар бизни таъқиб этиб келишяпти, агар ишонсанг шу қишлоққача изимиздан боради. Улар Алпининг ваъдасига ишониб бизни тинч қўйишяпти. Бўлмаса, қияликка етмай тилка-пора бўлардик. Болаларим жўрамнинг битта боласи учун фидо бўлди, рассомга айтиб қўйинг, унинг ўғли менинг болаларим учун ҳам яшаши, зўр бўлиши кераклигини унутмасин, деган эди Алпи.

Бўри узун улади.

Бу ўзимизнинг бўри, йиглаяпти, деди мерган. Бўри ўз овулидан ов қилмайди. Ўшанда қишлоққа энган бўрилар – улар тоғнинг орқасидан келишган. Ўша кеча ўғлингни излаб чиққанımızдаям шу бўри



узун улаб, бўриларни қувиб солмоқчи бўлган, лекин улар батта ҳужум қилганда Алпи болангни кўтариб келганини кўргач ортга тисарилганди, бўрилар ўша кечаси биз қишлоққа етмасданоқ Алпининг болаларини еб бўлган эди... ҳозир улаган бўри шу тоғларники, лекин ёлғиз. Энди бўрилар галаси бу ерларга қадам босмайди. Улар – ваъдага вафо олишди, энди хотиржам бўлади, фақат ёлғиз бўри ўзини бир бало қилиб қўймасайди, деди мерган.

Отам кўз ёшини артаркан, Алпи мана шунақа валломат қиз эди. Дарё қанча айқириб оқмасин – денгизга қуйилгач ювош тортиб қолади. Алпиям юриш-туришидан пала-партиш кўринса-да, унинг қалби ниҳоятда сокин эди. Ҳа, биз одамлар кундан-кун майдалашиб бораётган бир пайтда Алпиларга ўхшаган катта қалблар кўпроқ керак бўлади. Улар – бизнинг мудраб ётган туйғуларимизни уйғотувчи ҳайқирик, музлаган юрагимизни қиздирадиган нажот маёқидир. Ҳа, дейман, энди ўзимга-ўзим, фақат Алпигина севишга ва севилишга қодир, угина, аввало ўзига, ўзгаларга, барча – одамлар шаклидаги оломонга қарши чиқиб, озод, эркин муҳаббат истаб тоғи тошга қочиб кета олади.

У пайтлар, қиз боланинг севиб қолиши жасорат эди. Йигит бошимиз билан биз ҳайиқардик, одамларнинг таънаю дашномларидан қўрқармидикми-ей, билмадим, ҳар ҳолда мен буни жасорат, деб ўйлаганман. Бу жасорат фақат Алпигагина ярашишини, фақат утина шу ишга қодирлигини ўшандаёқ англаб етганман.



Эҳ, Алпи, Алпижон, дея отам ҳикоясини тугатди.

Сени Алпи учун ҳам тоққа олиб келмай кўп қийнадим, бу учун мени кечир ўғлим, уни мен ҳам яхши кўрардим, деди отам ҳовлига кираётганимизда...

Нимаям дердим, Алпини севиш учун ҳам одамга жасорат керак эди ўша кезлари. Шу нарсани отамда кўп кўрганман...

Яқинда отам Алпи – алпнинг эгизаги, энди-энди шундай деб ўйлаб қоламан деганда, ҳақ эди...



ТУШУНИЛИШ ИСТАГИ



Ёш ёзувчи Санжар Турсуновнинг унчалар ҳам тушунарли бўлмаган йўсинда “Сунбуланинг сўнгги оқшоми” деб аталган китобига кирган қисса ва ҳикояларнинг барчасида ички олами атрофдагилар томонидан тушунилишини истаган одамлар ҳаёти тасвирланган. Китоб “Сунбуланинг сўнгги оқшоми” ҳикояси билан очилади. Ҳикоя қаҳрамони – бошига тушган кўргилик сабаб ҳаётдан бутунлай зада бўлган, унинг тутумларига қарши исён кўтарган ровий. Битикда унинг ҳолати *“Туё баланд тоғ чўққиси менинг елкаларимга кўчиб тушгандек. Тошқин дарё фақат менинг богимни оқизиб кетгандек. Кучли бўрон уйимни вайрон қилгандек. Ҳатто ёмғиру қор ҳам ёлғиз менинг бошимга ёғилаётгандек. Ҳаммага ҳамма нарса бору биргина менинг умидим кесилган, юраги зардобга тула эдим ўшанда. Ўшанда бор-йўғи беш ойгина – 153 кунгина яшаган қизалогим оламдан ўтган эди. Юз йилдан ортиқ умр кўрса бўладиган дунёга бир ҳайқириқдай келиб кетган қизалогимнинг доғида адо бўлаёзгандим ўша кезлари”* тарзида жуда туюмли тасвирланади.

Ҳикояда тақдирга тадбир кўриб бўлмаслиги, ҳар бир воқеа-ҳодиса айнан бўлганидай бўлишга маҳкум экани қарғалар тўдаси ҳужумига учраган ярадор гажир қисмати мисолида жуда ишонарли акс этти-

рилган. Тақдирнинг вариантсиз экани, унинг ҳам-ша бир кўринишдагина намоён бўлиши, одам шуни англаб, унга кўникиб, ҳаётнинг шу йўриқларига ризолик билан қарасагина, рисоладагидай яшаб ўтиши мумкинлиги ҳикоя қаҳрамони тақдири ва руҳияти тасвири орқали таъсирли кўрсатилган. Қушлар олишувчи юз бераётган пайтда йўлдан ҳеч ким ўтмагани, доим шу ерда ўйнаб юрадиган болаларнинг ҳам кўринмай қолгани, қаҳрамоннинг ўзи ғажирни қутқаришни истагани ҳолда қушлар жангига аралаша олмагани сингари ҳолатлар унинг кўнгил ва ақл кўзини очиб юборади. Яъни у юз берадиган ҳар бир ҳодиса айна йўсинда содир бўлишини, унга таъсир қилиб, ўзгартириб бўлмаслигини англаб етади. Ўзининг тақдир олдидаги ожизлигини англаш, қисматдан норози бўлмаслик, уни ўзга йўлдан юргизишга уринмаслик одамнинг маънан юксалганидан далолатдир.

Ҳикояда ёзувчининг ифода маҳорати **“Ғажир тек қотди. Лаҳзалар ичида қанот қоқмади. Қаргалар бўрондай унга ёпирилди. У пастга қулади. Қулар экан, худди моҳир, чапдаст полвондай бир айланиб яна парвоз қила бошлади. Мен қувончдан титраб кетдим. Синглим қичқариб юборди”** тасвирида яққол кўринади. Бу манзарада ҳолат драматизми ва одам руҳиятидаги лаҳзалик ўзгаришлар ёрқин кўрсатилган.

Санжар кўпинча биргина чизги билан тимсол табиидаги етакчи қиррани кўрсата олади. “Ота” ҳикоясидаги **“Бобо ҳеч кимнинг саломига алик олмас, аксинча, ўзи аввал салом берар, буни билган қишлоқдошлар отани кўрди дегунча салом беришга ошиқар, кўпинча**



олдин ота салом бериб қоларди” тасвири Муродбой ота шахсиятига хос устувор жиҳатни ифодалай билган. Қуйидаги тасвирларда эса ота табиатидаги эзгу сифатлар акс этган: **“У жумани жуда яхши кўради: шу кун обдан покланади, бир тун олдин ухламайди, тонггача китоб ўқийди, бу кун дейди, одамнинг кўнглидаям, кийимидаям нинча тешик бўлмаслиги керак, дейди ўзига-ўзи. ...У эртага жумага бориши керак, бироқ кавуш йўқ – йиртилган. Кўнглидаям, кийимидаям нинадек тешик бўлмаслик керак, бу унинг эътиқоди”**. Ҳикояда руҳий таранглик ҳодисадан эмас, ҳолатдан келтириб чиқарилган. Ёзувчи қаҳрамонни ичдан билгани ва ҳис этгани учун образ руҳиятининг энг ички қирраларини-да яққол кўрсата олади.

“Нуқтасиз гап” ҳикоясидаги бўйсунувчан, мутеъ ака билан бўйсунмас қайсар ука тимсоллари ўзаро қарама-қарши қўйилиб тасвирланган. Ҳикоя ака тилидан олиб борилади. Ундаги: **“...янгамиз лабларини буриш билан кифояланмай, чойнакни хонтахтага дуқ этиб қўйди. Беихтиёр уша болаликдаги қўрқув бостириб келди ва оғил томонга қараб олдим”** ифодасида тимсол табиатидан мустаҳкам ўрин олган қўрқоқлик туйғуси яққол бўй кўрсатган. Ҳикоячининг: **“Мисқоллаб топган обрўйимни ботмонлаб тўкди, – деди тоғам. Унинг жаҳлидан ҳамон қўрқишимни шу ерда яна бир бор тушуниб етдим”** йўсинидаги ифори ундаги қўрқоқликни янада бўрттириб акс эттирган.

“Шу талотўнда тўрт мучанг соғ, бировдан тўрт сўм қарз бўлмай, бошинг омон юрганининг ўзи қанча катта бахт...” ёки **“...шу ёшгача бунақа бемазагарчилик қилган эмасман, севгига яқин ҳам**



йўламаганман, бошидан охиригача азобнинг ким-га кераги бор", – деб билганидан қолипда ҳаёт кечир-ишга кўниккан ака билан юксак ва покиза туйғулар оғушида яшашни орзулаганидан: **"...кимнидир сев-маган юрак тишлаб балчиққа ташлаб кетилган ол-ма"**, – деб ҳисоблайдиган Ботир шахсиятлари ўрта-сидаги ўтиб бўлмас жарлик уларнинг ҳар бири қан-дай қисматга лойиқлигини кўрсатишга хизмат қилади.

Санжар Турсунов битиклари табиийлиги билан ўқирманни ром этади. Чунончи, "Болакай" ҳикояси-нинг бошланиши жуда одми ва табиий: **"Бола – ўз номи билан бола эди. У қаҳрамон эмас эди. Худди сизу биз-нинг болалигимиз сингари содда, бўш-баёв, қоронғу тушганда қўрқадиган, ҳовлиларининг адогидаги тут дарахтининг шохида ажина бор, деб ўйлайди-ган, мактабга сумкасига бир бурда нон солиб бора-диган, беш баҳо олса, суюниб уйга югуриб келадиган, икки баҳо олса, кечгача сандирақлаб юрадиган бир болакай эди"**. Бу чин тасвир ҳаётийлиги билан ўқир-манни ром этади. Ҳар қандай кемтиклик – фожиа. Ай-ниқса, бола ҳаётидаги кемтиклик тенгсиз бахтсизлик-дир. Бу бола ҳам худди "Оқ кема"даги болакай сингари арофдагилардан меҳр, тушуниш кўрмайди. Айни шу боис ҳаёлида яратиб олган отасига интилади. Бунинг хомхаёл экани ҳикояда шафқатсизлик билан: **"Унинг нимаси бор эди? Айтишларича, биргина отаси бўл-ган экан, лекин ҳозир ўша отасиям йўқ. Қаёққа кет-ганини ҳамма билади, шу барча билишини фақат бола билмайди"** тарзида тасвирланади.

Одатда бундай тақдирлар тасвирининг эзгулик би-лан тугашига кўникилган. Лекин ҳикоянавис одатий



йўлдан бормаиди. У тасвир реаллигига асло оғишмай амал қилгани учун ҳам: *“Орадан йиллар ўтиб ўша болакайнинг тенгдошлари мактабларни, ўқишларни тамомлаб, уйланганлари фарзандлар кўриб, катта-катта одам бўлганларини, тўйлар қилганини, бироқ бола ҳамон саккиз ёшда қолиб кетганини, эҳтимол, ўша қора кўзию қоши, ҳали тўлиқ чиқмаган тишлари, кичик жуссаси абадий тупроқ бағрига сингиб кетганини, у ҳеч қачон саккиз ёшдан ўтолмаслигини сизларга сўзламоқчиман”*, тарзидаги ахборотсимон тасвир бадиий аҳамият касб этади. Эртаксимон умидбахш оҳангларда бошлангани ҳолда эртаклардаги некбинликка терс яқунлангани ҳикоянинг таъсир кучини оширишга хизмат қилган.

Санжарнинг кўпчилик ёзиқлари ўзига хос ифода йўсинига эга. Бу ифода тарзида персонаж табияти ҳам, унинг сўзлаш йўсини ҳам бирваракайига намоён бўлади. “Копток” ҳикоясидаги Қосимнинг: *“Ҳа, шундай кетаётувдим, бундай ўтсам, қандай қараганимни билмайман, кейин мундай, сўнг жиндай, оқибатда шундай бўлиб қолди дейсанми?”* тарзида берилган тимсолнинг ички монологи ҳам персонажнинг феълу хўйи, ҳам унинг нутқига хос қирраларни кўрсатади. Қосимнинг ўзи ҳақида: *“Қандай юрарди-я: икки қўл орқада, бош бироз осмонга қараган, йўқ, бу манманлик эмас, болалигида отаси, эгилиб юрма, букри бўлиб қоласан, деса, бу киши сал осмонга қарагану кейин ерга боққиси келмай қолган”*, – деб ўйлаши персонаж табиятидаги етакчи қирраларни кўрсатиши билан қимматли.



Санжар Турсунов битикларида муаммо кутармайди, ҳатто, тўлиғича одамлараро муносабатлар чигаллигини кўрсатишга бағишланган “Тоғлар орасида” қиссасида ҳам одам олам туфайли эмас, балки олам одам сабабли ўзгариши акс этади. Ёш ёзувчи одам ҳаёти ва руҳиятидаги ўзгаришу товланишлар тасвирини доимий эстетик муаммо санайди.

Санжарнинг кўпчилик асарларида инсон деган улуғ мартабага лойиқ бўлмаган, нафс истаклари етовига тушиб қолган кишиларнинг тутумларини андуҳли киноя орқали тасвирлаш етакчилик қилади.

“Тоғлар орасида” қиссасида кутилмаган бир воқеа сабабини эслаш баҳонасида тоғ одамларининг бутун бир галереяси акс эттирилган. Унда марду номард, кўрқоғу жасур, ёлғончию ростгўй, лофчию индамас, қуруғу ҳиссиётга тўла кишилар ёзувчининг йўл-йўлакай тортган енгил чизгиси орқали адабиётга кўчган. Кўринишдан ўта хунук, аммо қалби тоза, ўзгалар манфаати йўлида ўзи-ю болаларини-да қурбон қила биладиган Алпи тимсоли тасвири ўқирман қалбига титроқ солади. Қиссадаги Олим, Йўлчи мерган, Каромат сингари образларнинг қабариқ қиёфалари ёдда қоларли йўсинда тасвирланган. Бундай одамлар тоғдагина бўлади. Тоғ одамлари дейилганда тоғда маскан тутган барча одамлар эмас, балки кўнгли эзгуликка очиқ, юраги тоғлар қадар ҳайбатли кишилар тушунилиши қисса мағзига сингдирилган.

Ёш ёзувчининг айрим битикларида сўзларни ўринсиз қўллаш, яқунда шошқалоқлик, жўналиш ва



ўрин-пайт келишиклари қўшимчаларини алмаштириб қўллаш сингари нуқсонлар учрайди. Ўйлаймиз-ки, бу каби ўсиш даври камчиликлари ёзувчининг кейинги битганларида бартараф этилади. Ўзбек ўқирманлари сувқайнарлик турфа табиатли кишилар қисмати ва руҳияти теран тасвирланган асарларни қидириб ўқийдиган бўлишади.

Қозоқбой ЙЎЛДОШ



МУНДАРИЖА

Ҳикоялар

- 3 Туйгудан туғилган ҳикоялар (И.Султон)
- 6 Сунбуланинг сўнгги оқшоми
- 15 Гулсевар
- 27 Болакай
- 37 Нуқтасиз гап
- 55 Копток
- 67 Ота

Қисса

- 77 Тоглар орасида
- 138 Тушунилиш истаги (Қ. Йўлдош)

ўрин-пайт келишиклари қўшимчаларини алмашти-
риб қўллаш сингари нуқсонлар учрайди. Ўйлаймиз-
ки, бу каби ўсиш даври камчиликлари ёзувчининг
кейинги битганларида бартараф этилади. Ўзбек
ўқирманлари сувқайнарлик турфа табиатли киши-
лар қисмати ва руҳияти теран тасвирланган асар-
ларни қидириб ўқийдиган бўлишади.

Қозоқбой ЙЎЛДОШ



МУНДАРИЖА

Ҳикоялар

- 3 Туйгудан тугилган ҳикоялар (И.Султон)
- 6 Сунбуланинг сўнгги оқшоми
- 15 Гулсевар
- 27 Болакай
- 37 Нуқтасиз гап
- 55 Копток
- 67 Ота

Қисса

- 77 Тоғлар орасида
- 138 Тушунилиш истаги (Қ. Йўлдош)

Адабий-бадий нашр

САНЖАР ТУРСУНОВ

СУНБУЛАНИНГ СЎНГГИ ОҚШОМИ

Қисса ва ҳикоялар

Муҳаррир *Носиржон Жураев*

Бадий муҳаррир *Камолиддин Нурманов*

Рассом *Акбарали Мамасалиев*

Техник муҳаррир *Хосият Ҳасанова*

Мусахҳиҳ *Доно Тўйчиева*

Компьютерда саҳифаловчи *Сурайё Раҳмедова*

Нашриёт лицензияси раками AI № 290. 04.11.2016
2019 йил 5 августда босишга рухсат этилди.
Бичими 80x100 $\frac{1}{32}$. Агно Pro гарнитураси.
Офсет босма. 5,30 шартли босма табок. 6,85 нашр табағи.
Адади 3000 (1-завод 1500) нусха. 207-рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128. Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz info@gglit.uz

Турсунов, Санжар

Сунбуланинг сунгги оқшоми: қисса ва ҳикоялар /
С. Турсунов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-
матбаа ижодий уйи, 2019. – 148 б.

УЎК 821.512.133-31

КБК 84(5Ў)6

16+



ISBN 978-9943-5697-8-2



9 789943 569782